

БАШАРИЯТ КЕЛАЖАГИГА МАСЪУЛИК

Одамзод ҳаётининг бардавомлиги унинг ортида қоладиган фарзандлари биландир. Шу боис, онгли мавжудот сифатида одамлар насл-насабининг боқий қолиши учун интилиб яшайди, фарзандлари ҳаётининг мазмунига айланади. Болалар эса ҳамиша ҳимояга муҳтож. Бу масала, айниқса, дунё миқёсида бугун янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Чунки, дунёнинг қайсидир нуқтасида ўқ овози эшитилаётган, қаердадир очарчилик, яна қайсидир ўлкада қурғоқчилик ҳукм сураётган экан, болаларни асраб-авайлаш, вояга етказиш инсоният учун энг долзарб вазифа бўлиб қолаверади.

Дунёда болаларга нисбатан бўлаётган жабр-зулмлар, уларнинг ҳар жиҳатдан таҳқирланиши боис Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан **1 июнь Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни (1949 йил)** деб эълон қилинган.

БМТ маълумотларига кўра, дунёда вафот этаётган болаларнинг ҳар учинчиси очлик қурбони бўлмоқда. Афсуски, бугунги кунда сайёрамиз бўйича 150 миллион нафардан

“Соғлом авлод йили”, 2001 йил “Оналар ва болалар йили”, 2008 йил “Ёшлар йили”, 2010 йил “Баркамол авлод йили”, 2014 йил “Соғлом бола йили”, 2016 йил “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилинган ҳамда шу муносабат билан Давлат дастурларининг бажарилгани бу борадаги улғувор ишларга мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу ўринда айтиш мумкинки, мустақиллик йилларида

рағбатлантиради” дейилган.

Одамзот ҳаётининг кўрки ва мазмуни фарзанддир. Юқорида таъкидлаганимиздек, жажжи ва беғубор болажонларни ардоқлаш, ҳуқуқини ҳимоя қилиш, саломатлигини сақлаш, таълим-тарбия бериш биз катталарнинг муқаддас бурчимиз ҳисобланади. Шу бурчни сидқидилдан адо этсак, бу ишга астойдил ёндашсак, ҳеч шубҳасиз, наслимиз давомчиси бўлган болаларимиз меҳроқибатли, юрт келажаги учун фидокор инсонлар бўлиб камол топадилар.

* * *

Бугун дунёда атроф-муҳит муҳофазаси, экология, қурғоқчилик, саҳроланиш, иқлим ўзгариши каби муаммолар жаҳон ҳамжамиятининг бош масаласи бўлиб турибди.

XX аср, айниқса, унинг иккинчи ярмида бир қатор сал-



ортиқ бола сурункали тарзда тўйиб овқатланмайди, 90 миллион норасидаларнинг болалиги уруш-жанжалли шароитларда кечмоқда.

Жаҳондаги бундай нохуш ҳолатлар, дилни изтиробга солувчи далил ва рақамлар озод ва обод мамлакатимиз учун бегона эканлиги ҳар бир юртдошимизга шукроналик бахш этади. Зеро, юртимиз тинч, ҳаётимиз осуда, дастурхонларимиз тўкин.

Бизнинг юртимизда болаларни ҳимоя қилиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Мамлакатимизда 2000 йил

бола ҳуқуқларига доир 100 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси болалар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид 38 та халқаро ҳужжатнинг иштирокчисидир. Бу – оиладаги болажонлик давлат даражасида эканидан далолат.

Бахтимиз қомуси – Конституциямизнинг 64-моддасида эса “Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-онасининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятини

бий жараёнлар натижасида иқлим ўзгаришлари, ерларнинг деградацияси, саҳроланиш, қурғоқчилик каби муаммолар вужудга келди. Сайёрамизда табиий ресурсларнинг камайиши, биологик хилма-хилликнинг қисқариши, табиий офатлар турли фалокатларнинг тез-тез такрорланиб туришида намоён бўлиб, бу каби муаммолар янада кучайиб бормоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти экспертлари фикрича, инсоният ўз тарихининг туб бурилиш чорраҳасида турибди.

1972 йилнинг 5 июнида БМТ экология масалаларига бағишланган конференциясида Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ку-

нини нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу санининг аҳамияти бутун дунё ҳамжамиятининг эътиборини ушбу муаммога қаратиш, Ер сайёрамизни ҳимоя қилишга чақиришдадир.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида экологик хавфсизликни таъминлаш бўйича муҳим ҳуқуқий, ташкилий ва ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Бу борада 15 дан зиёд қонун, 30 дан ортиқ қонуности меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, амалиётга киритилди.

Қабул қилинган ҳужжатлар атроф-муҳит объектларининг ифлосланиш даражасини маълум даражада камайтириш, кўриқланадиган табиий ҳудудлар тизимини ривожлантириш, халқаро ташкилотларни миллий экологик муаммоларни ҳал этишга жалб қилиш имконини бермоқда.

Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси борасидаги ишларни янада жадаллаштириш



мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони қабул қилиниши мамлакатимизда ушбу масала давлат сиёсатида устувор аҳамият касб этишидан далолатдир.

Сайёрамизда яна бир улкан муаммо борки, бу қургўқчилик ва саҳроланиш жараёнларидир. Ўтган асрнинг ўрталаридан бошланган ва бугунги кунда давом этаётган саҳроланиш ва қургўқчилик жараёнлари дунёнинг 110 дан ортиқ давлатларида кузатилмоқда. Саҳроланиш ва унинг натижасида

ерларнинг деградацияга учраши бутун дунёда инсониятга таҳдид солаётган хавфларнинг энг жиддийсидир. Интернет маълумотларига кўра, дунё бўйича инсоният ҳар йили 12 млн. гектарга яқин унумдор ерларни йўқотмоқда. Ваҳоланки бу ерлардан ҳар йили 20 миллион тонна ғалла ҳосили етиштирилиши мумкин эди. Ерларнинг деградацияси ва саҳроланиш жараёнлари оқибатида йўқотилган даромад ҳажми 42 млрд. АҚШ долларини ташкил этади. Шу боис, БМТ томонидан айнан табиатни, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга эътибор қаратиш мақсадида **1994 йил 17 июнда Саҳроланиш ва қургўқчиликка қарши кураш бўйича конвенция қабул қилинди.**

1995 йилда эса мазкур конвенция давлатимиз томонидан ратификация қилиниб, бу борада қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ернинг унумдорликка эга бўлган энг устки юпқа тупроқ қатлами чегараланган. Инсон учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотининг 93,9 фоиздан ошиқроғи ана шу қатламдан олинади. Бугунги кунда тупроқ унумдорлигини сақлаш ва қайта тиклашдан кўра, уни йўқотиш тезлашиб бормоқда. Шу жумладан, Марказий Осиё минтақаларида ҳам қургўқчилик ва саҳроланиш ҳолатлари маълум даражада юзага келган. Хусусан, мамлакатимизда Оролбўйи ҳудудларининг саҳроланишга бўлган мойиллиги ортиб бораётганини эътиборга олсак, ушбу ҳудудда қуриган денгиз таркибидаги туз қатламларининг очилиб қолиши ва уларнинг шамол воситасида бошқа ҳудудларга кўчиб ўтиши республикамизда фойдаланилаётган ерлар унумдорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу боис, сўнгги йилларда мамлакатимизда бу борада изчил ислохотлар амалга ошириляпти.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий воситаси ер ресурсларидир. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва бугунги кунда интенсив

деҳқончиликда фойдаланилаётган ерлардир. Уларни деградациядан асраш, унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш ва ошириш, улардан самарали фойдаланиш давримизнинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Президентимиз Ш.Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришга алоҳида ўрин берилган. Жумладан, пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни қисқартириб, экин майдонларини янада мақбуллаштириш, бўшаб қолган ерларга картошка, сабзавот, озиқ-овқат ва мойли экинларни, шунингдек, янги интенсив боғ ва узумзорларни жойлаштириш каби вазифалар белгилаб берилган.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш лозимки, республикамиз-



да экология ва атроф-муҳитни муҳофазалаш, қургўқчилик ва саҳроланиш жараёнларини келтириб чиқарувчи омилларни ўрганиш, улар натижасида юзага келган салбий жараёнларни бартараф этиш ёки юмшатиш масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, ишлар ягона тизим асосида олиб борилмоқда.

Мазкур уч сана замирида инсон ва инсониятнинг тақдирини, она заминимиз келажагининг ташвиши мужассамки, Ўзбекистон бу борада кенг кўламли эзгу ишларни амалга ошираётган, ҳатто, кўплаб ривожланган давлатларга ҳам ўрнатқ бўлаётган мамлакатдир.

Тоҳир ДОЛИЕВ.

САРАТОНДА ҒЎЗАНИ ПАРВАРИШЛАШДА НИМАЛАРГА ЭЪТИБОР БЕРИШ КЕРАК?

Июнь ойида ғўза қатор ораларига ишлов беришда энг аввало культиватордаги ишчи органлар сонига ва ишлов бериш чуқурлигига алоҳида эътибор бериш керак. Қатор ораси 60 см бўлганда культиваторда ишчи органларни тўлиқ тامينланган бўлиши лозим. Бундан ташқари чигит эрта экилган майдонларда культивацияни озиклантириш билан бирга ўтказиш, кеч экилган, намлик юқори бўлган майдонларда ниҳолларни шикаслантирмаган ҳолда ишлов бериш зарур. Бунда ўртадаги ишчи орган чуқурроқ ўрнатилса намлик тез йўқотилишига эришилади.

Ғўза қатор орасига июнь ойида ишлов беришда 1 ва 2-культивация ўртасида чизель-культиватор ёрдамида чуқур (18–22 см) юмшатишни амалга ошириш яхши самара беради. Тупроқ зичланишининг камайиши илдиз тизими бақувват ривожланиши, ер ости сувларидан самарали фойдаланишни таъминлайди.

Ғўза қатор ораларига кечиктириб ишлов бериш натижасида ўсимликнинг озикланиш тизими бузилади, бегона ўтлар зарари кўпаяди, ёш ниҳоллар илдиз чириш ва гоммоз касалликлари билан зарарланади, далага қуйилган сувнинг 50 фоизгача қисми беҳуда исроф бўлади. Эрта ўтказилса тупроқдаги намлик юқори бўлганлиги сабабли кесак кўчишига олиб келади. Натижада тупроқ майин ҳолга келмай нам тез буғланади. Шунинг учун тупроқ етилган пайтида культивация ўтказилади. Зарур бўлганда тупроғи етилган ерларни танлаб культивация қилиш керак. Культиватор тўлиқ жиҳозлаб табақалаштирилган ҳолда ўтказиш, бунда ККО иш органларидан кўпроқ фойдаланиш керак. Эгатларни ҳаддан ташқари чуқур ишлов бериш натижасида тупроқни кўпроқ ағдариш, илдизларни шикаслантиришга йўл қўймаслик керак. Шунингдек, бегона ўтларни вақтида ўтоқ қилиб туриш ҳам зарур ҳисобланади.

Культивация билан бирга суғориш учун жўяк олинганда биринчи сувда эгат чуқурлиги 60 см қатор ораларида экилган далаларда 12–14 см, 90 см қатор ораларида экилган майдонларда 15–18 см, кейинги суғоришларда ушбу чуқурлик тегишлича 14–15 см ва 18–20 см. ни ташкил этиши лозим.

Ёғингарчилик туфайли тупроқда тўпланган озуқа моддаларнинг бир қисми ер ости қатламларига, ювилган майдонларга ўғитни эрта муддатларда солишни ташкил этиш керак. Одатда ўғитни суғоришдан олдин эгат олиш билан бирга солинади. Ғўзанинг ўсув даврида ўғитлаш меъёрлари ва нисбатларига алоҳида аҳамият бериш ва экиш олдида, экиш билан солинган ўғит миқдорига қараб белгиланади.



Органик ва минерал ўғитларнинг аралашмаларидан фойдаланиш зарур. Бунда ниҳолларни озуқа моддалар билан яхши таъминлаш мақсадида 2-культивацияда 250–300 кг/га. дан чириган, қурилган ва элакдан ўтказилган маҳаллий ўғитларни мосламалар билан ғўза қатор ораларидан 14–16 см узқликка ва 15–17 см чуқурликка солиш кутилган натижа беради. Бунда:

- тупроқдаги мавжуд микроорганизмлар фаолияти жадаллашиб, минерал ўғитлар самарадорлиги 40–50 фоизгача ошади;

- ғўза илдизларга қўшимча иссиқлик киришига эришилади;

- суғорилгандан кейин эса тупроқдаги намнинг буғланишининг 50%, тўпланган ҳосилнинг тўкилишини 25–30% камайтириб,

ҳосилдорликни 20–25 фоизга оширади.

Маълумотларга қараганда, ғўзани шонлаш ва гуллаш давларида гектарига 500–700 кг қуруқ гўнгни азотли ўғитлар билан биргаликда қўллаш пахта ҳосилини гектаридан 2,0 центнерга оширади.

Ғўзанинг яхши ўсиб-ривожланиши, юқори ва сифатли ҳосил бериши учун уларни қўшимча равишда баргдан озиклантиришда, карбамид суспензияси билан бирга “Гумимакс”, “Эдагум”, “Фитовак” ва бошқа стимуляторларни қўшиб ишлов бериш жуда яхши самара беради.

Бунда ғўза ривожини орқада қолган майдонларда суспензия гуллаш даври бошида гектарига физик ҳолда 10,0 кг карбамид ишлатилади ёки КАС ўғити 9,0 литр ишлатилганда яхши самара беради. Суспензия сепишда ишчи эритма ҳар гектарига 300 литрдан кам бўлмаслиги зарур.

Суспензия билан ишлов беришда “Фитовак” (200–300 мл/га), “Гумимакс” 0,15–0,20 л/га, “Узгуми” 0,3–0,4 л/га ва бошқа шунга ўхшаш стимуляторлар қўшиб ишлатилса, ғўзанинг ўсиб-ривожланишига ижобий таъсири янада ортади.

Суспензияни эрталаб ва кечқурун ҳаво ҳарорати 20–25°C дан ошмаган пайтда сепиш тавсия қилинади. Ҳаво илиқ ва булутли кунларда суспензияни кун бўйи сепиш мумкин. Ёмғир ёғаётган пайтда суспензия сепиш тавсия қилинмайди, чунки озуқа моддалари ювилиб, ўғитларнинг самараси пасайиб кетади.

Ғўзалар шонага кирган майдонларда гектарига соф ҳолда 70–75 кг азот ва 50 кг калий бериш керак, бу эса гектарига 210–225 кг аммиакли селитра ёки 150–160 кг мочеви на ва 80 кг калий хлоридни ташкил этади. Шонлаш даврида ўғитлар ўсимликнинг 20–22 см ёнига, 14–16 см чуқурликка бериледи.

Ғўзалар гулга кира бошлаган пайкалларда азот ва фосфорли ўғитлар гектарига соф ҳолда 70–75 кг азотни (аммиакли селитра 210–225 кг) ва 40–50 кг соф ҳолда фосфорни (аммофос 80–

100 кг ёки оддий суперфосфат 250–300 кг ёки супрефос 170–215 кг) ташкил қилади. Агар ғўза қатор оралари 90 см бўлса, шоналаш даврида 60 см қатор ораларидек, гуллаганда эса ўғит ўсимлик қатордан 30–35 см ёнига, 60 см. да эса қатор оралари ўртасига 14–16 см чуқурликка солинади.

Ўсув давридаги озиклантиришнинг охириги муддати ғўза гуллай бошлашнинг 10-кунига тўғри келиши керак, бундан кечикса ғўзанинг ривожланиш даври чўзилиб кетиши мумкин.

Суғориш муддати ва меъёрларини худуднинг сув билан таъминланганлиги, тупроқнинг механик таркиби ва сизот сувлари чуқурлигини қатъий ҳисобга олиб белгилаш лозим. Бу шартлар ғўзанинг дуркун ўсиши, эртаки ва мўл ҳосил олинишини таъминлайди.

Суғориш сувидан ва тупроқдаги захира намликдан самарали фойдаланиш ўтказиладиган агротехник тадбирлар сифатига боғлиқ бўлиб, тавсия этилган агротехник тадбирлар тизимини қўллаш натижасида

далаларнинг бегона ўтлардан ҳоли, юмшоқ ҳолатда сақланишини таъминлаш ва ғўзанинг яхши ўсиб-ривожланишига бошқа шароитларни яратиш кўшимча ҳосил олиш мақсадида сарфланадиган бехуда сув сарфини қисқартиришга ёрдам беради.

Ҳар суғоришдан кейин ғўза қатор ораси тупроқ етилиши билан, кесак ҳосил қилинмай, майин культивация қилиниши керак. Бу тупроқда тўпланган намликни узоқ муддат сақлашга имкон яратади. Суғориш тартиби ва унга боғлиқ бўлган суғориш техникаси сувдан режали фойдаланишнинг асоси ҳисобланади.

Ғўзани июнь ойида шоналаш даврида суғориш меъёри енгил тупроқларда гектарига 600–700 м³, ўрта ва оғир тупроқларда 700–800 м³ бўлиши керак. Суғоришнинг давомийлиги енгил тупроқларда ғўза гулга киргунча 10–12, ўрта ва оғир тупроқларда 12–14 соатдан ошмаслиги зарур. Ерости сувлари сатҳи 0,5–2 метргача бўлган тупроқларда сув миқдори 10–15 фоизгача камайтиради. Эгатлар узунлигини

қисқартириш орқали далаларнинг бир текис намланишига ва сувдан тежамли фойдаланишга эришиш мумкин. Шунинг ҳисобга олиб, сувни яхши ўтказадиган ўтлоқ ва енгил қумоқ тупроқларда ғўза қатор оралари 60 см бўлганда эгатлар узунлиги 60–70 метрдан, сувни суст шимадиган, оғир тупроқли ерларда 80–90, қатор оралари 90 см бўлган пайкалларда эса тегишли равишда 80–90 ва 90–100 м. дан ошмаслиги керак. Қатор оралари 60–90 см ва катта нишабга эга бўлган ғўза пайкалларида суғоришларни барча эгатлар орқали ўтказиш, қолган жойларда қатор оралатиб суғориш мақсадга мувофиқдир.

Сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш экинларни парвариш қилишда агротехника тадбирларини юқори савияда ўтказиш-экинлардан юқори ҳосил олишнинг энг юксак гаровидир.

Мазкур тавсия Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан тайёрланган.

Янги нашр

ОЛИМДАН ПАХТАКОРГА

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Ф.Тешаевнинг “Ғўза дефолиацияси учун ишлатиладиган янги препаратлардан самарали фойдаланиш” номи монографияси “Наврўз” нашриёти томонидан чоп этилди.

Ушбу монографияда кейинги 30 йилда Ўзбекистонда ва бошқа мамлакатларда ишлаб чиқилган ва инновацион технологиялардан кенг фойдаланган ҳолда импорт ўрнини босувчи дефолиантларнинг самардорлигини мамлакатимизнинг худудларида кўп йиллар давомида ўтказилган илмий изланишлар ҳосиласи бўлган қизиқарли маълумотлар келтирилган.

Муаллиф монографияда ғўза дефолиацияси тарихи ва юртимизда бу соҳада ўтказилган тадқиқотлар ва эришилган ютуқлар ҳақида баён этган. Жумладан, турли агротадбирларга боғлиқ ҳолда дефолиантларни ғўзада қўллашнинг мақбул меъёрлари, дефолиантларнинг барглари

тўкилиши ва кўсақлар очилишида физиологик таъсири, турли ташқи омиллар ҳамда ғўзани парваришда ўтказилган агротадбирларнинг ғўза дефолиацияси самардорлигига таъсири, дефолиантларнинг



пахта ҳосили ва биринчи терим салмоғига, толанинг технологик сифат кўрсаткичлари таъсир этиш самардорлиги илмий асосланган мисолларда кўрсатилган.

Масалан, муаллиф томонидан ўтказилган тадқиқотларда ғўза

кўсақлари 50–60% очилганда юқори кўрсаткичлар “ПолиДеф” ва “ФанДеф” – 7,0 л/га ҳамда “ЎзДеф” 8 л/га меъёрда қўлланилганда олиниб, барглари тўкилиши муносиби равишда 83–88%, кўсақлар очилиши эса 90,9–92,0 фоизни ташкил қилган.

Ғўза кўсақлари 30–40% очилганда “ПолиДеф” ва “ФанДеф” – 6,0 л/га ҳамда “ЎзДеф” 7,0 л/га меъёрда қўлланилганда кўсақларнинг очилиши юқори бўлиб, мос равишда 90,9–92,0; 90,7–92,3 ва 91,2–91,8 фоизга тенг бўлган.

Демак, ғўза кимёвий дорилар билан сифатли ва ўз муддатида баргсизлантирилса, кўсақларнинг очилиши тезлашади, ҳосил бир вақтда етилади, тола сифати ошади, тола ва кўсақларнинг чириши тўхтайд.

Ғўзадан мўл ва сифатли ҳосил етиштиришни ният қилган фермер хўжаликлари учун мазкур монография ниҳоятда қимматлидир. Шунингдек, соҳада илмий изланиш олиб бораётган тадқиқотчиларга ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Ренат НАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган қишлоқ
хўжалик ходими, профессор.

ҒАЛЛА ЎРИМ-ЙИҒИМИ ВА ПЕШМА-ПЕШ ШУДГОРЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Етиштирилган ғалла ҳосилини йиғштириб олиш энг масъулиятли механизациялашган агротехник тадбир ҳисобланади. Даладаги ғалла ҳосили бир пайтда пишиб етилгани боис у комбайнлар ёрдамида фақат бир ўтишда нест-нобудгарчиликка йўл қўймасдан ўриб-янчиб олинади. Чунки тўкилган донни қайта ердан йиғштириб олишнинг сира иложи йўқ. Ғалладан бўшган майдонлар сомондан тозаланиб, пешма-пеш шудгор қилинади. Демак, фермерлар, комбайнчилар, МТП раҳбарлари ва мутахассислари, сервис марказлари муҳандислари, ўрим-йиғим отрядларининг бошлиқлари ғалла ўрим-йиғими ва пешма-пеш шудгорлашга катта масъулият билан қарашлари лозим.

Фермерларнинг вазифалари:

- ғаллазорларга кирадиган йўллар, кўприкларни сифатли тайёрлаш, йўл четидаги дарахтларнинг осилиб ётган шохларини кесиб ташлаш, ўқариқларни текислаш (комбайн далага осон кириб-чиқади);

- ўримга киришишдан олдин карталарни тўртбурчак ҳолига келтириш, комбайн боролмайдиган жойлардаги ғаллани қўлда ўриш (комбайннинг иш унуми ортади, бор ҳосил тулалигича йиғиб олинади);

- далани бегона ўтлар ва ҳар хил темир-терсаклардан тозалаш (пичоқлар синмайди, хедер, транспортёр, ротор ёки барабан бузилмайди, бункерга тоза дон тушади);

- комбайннинг бемалол қайрилишини таъминлаш, пояларнинг ғилдираклар билан эзилишининг олдини олиш мақсадида дала атрофи бўйлаб камида 8 м кенгликдаги ғаллани олдиндан ўриб олиш, ёнғин чиқишига йўл қўймаслик учун дала четларини камида 4 м кенликда шудгорлаб қўйиш.

МТП муҳандисларининг вазифалари. Улар энг аввало, ишга тайёр ғалла комбайнларини қуйидаги талабларга жавоб беришини яна бир бор текширишлари керак: комбайн узеллари жойида ишлаганда бегона товушлар эшитилмайди; сирпанувчи бошмоқлар пачоқланмаган ва дарз кетмаган; мотовилонинг марказий ва паншаха трубалари эгилмаган, қадалмасдан айланади; бармоқли брус эгилмаган, тўғри; сегмент пичоқлари бутун, қарши кесувчи пластинкалар сийқалашмаган, дарз кетмаган; шнек цилиндрлари текис, ўрамлари эгилмаган ва узилмаган; йиғштириш барабанининг вали ва бармоқлари қийшаймаган, синмаган; қия камера корпусида ёриқлар йўқ, транспортёр планкалари синма-

ган, қайишлари едиллмаган, пружиналари таранг; янчиш барабани (ротори)нинг вали эгилмаган, дон савағичлари едиллмаган, барабан (ротор) остлигининг тишлари бутун; сомон элаги клавишаларининг подшипниклари едиллмаган, ёрилмаган; ғалвирлардаги тешиклар катталашмаган, жалюзалар сегментлари синмаган; силкитувчи



тахтадаги тарам-тарам листлар дарз кетмаган; элеваторлар кураклари синмаган, ленталари узилмаган; втулкалар, валиклар, пластинкалар ейилмаган; дон, бошоқ ва бўшатиш шнекларининг ўрамлари ўткирлашмаган ва бутун ғилофларида тешик ёки ёриқлар йўқ.

Ўрим-йиғим отрядларининг вазифалари. Ҳар бир отряд таркибига 2 ёки 4 та “Кейс”, “Клаас” комбайни, дон ташийдиган 4 ёки 8 та автотранспорт, 1 та кўчма устахона, 1 та занжирли трактор плуги билан ва маиший хизмат звеноси киради.

Отряд раҳбари туман қишлоқ хўжалиги бўлими, МТП, автокорхона раҳбарлари ҳамда фермерлар билан биргалликда бириктирилган ғалла майдонларининг ҳажмини, дала контурлари бўйича ғалланинг ҳолати ва дон ҳосилдорлигини аниқлаб, ўрим-йиғим графигини тузади.

Отряд раҳбари ҳар бир фермер хўжалигининг бутун майдонидаги пишган ҳосилни тулалигича йиғштириб олиш, ҳисоб-китобларни

тўғри юритиш, дон нобудгарчилигининг олдини олиш, ўрим қатнашчиларига етарли шарт-шароитларни яратиб бериш тадбирлари учун масъул ҳисобланади.

Ўрим-йиғим отрядини етарли транспорт воситалари билан таъминлаш, ташиш жараёнида дон нобудгарчилигининг олдини олиш, автомашиналарнинг техник жиҳатдан доимо соз ҳолатда бўлиши автокорхона раҳбари зиммасига юклатилади.

Комбайнчилар, ҳайдовчилар ва ўрим-йиғим мавсумининг бошқа қатнашчиларига тиббий хизмат кўрсатиш, уларни иссиқ овқат билан таъминлаш тадбирларини фермерлар, маҳалла фаоллари ва туман соғлиқни сақлаш бўлими ходимлари бажаради.

Сервис марказлари муҳандислари ва комбайнчиларнинг вазифалари:

- ўрим жараёнида дон бошоқлардан ўриб тушириладиган мотовило тезлиги камайтиради, уни пастга тушириб, вали пичоқларга яқинлаштирилади;

- бошоқлар ерга кўп миқдорда тўкила бошласа, мотовило тезлиги камайтиради, паншахаларни пичоқларга яқинлаштириб, уларнинг орқа томонга қиялиги бироз оширилади, паншахалар ва шнек қанотлари орасидаги тирқиш кенлиги торайтиради;

- поялар қирқилмасдан қолиб кетганда синган сегмент ва бармоқлар янғисига алмаштирилади, хедер пастга туширилади, мотовило пастлатилади ва олдинга чиқарилиб, тезлиги оширилади;

- сомон орасида тўлиқ янчилмаган бошоқлар учраганда ротордаги тирқиш кенлиги камайтиради, унинг тезлиги оширилади, ғалвир жалюзалари кенгроқ очилади, комбайн тезлиги пасайтиради;

- ҳосилдор ва баланд бўйли ғаллани сифатли йиғиб олиш учун пичоқлар 25–30 см қирқиш баландлигига ўрнатилади, комбайн тезлиги ва хедернинг қамров кенлиги янчиш аппаратида секундига 3–5 кг атрофида ғалла массаси келиб тушадиган даражада танланади.

Ғалла комбайнларидан кейин сомон йиғадиган машиналар ишлатилади.

Сомон поялари КОС-2,1; КРС-

2,1; КДП-4 ва КИР-1,5Г, “Умид” сингари агрегатлар ёрдамида ўриб-йиғиб олинади. Акс ҳолда, қолдиқ пояларнинг бир қисми шудгор пайтида тупроқ остига тўлиқ кўмилмасдан ва чириндига айланмасдан, ер бетида қолиб кетади. Улар шудгорлаш ва ерларни экишга тайёрлаш сифатига салбий таъсир этади. Ўримдан кейин ерда қолган сочма сомон ва ўт-ўланларни ўша куннинг ўзидаёқ тўплаб, йиғиб олиш лозим. Бунда “Markant 65” каби тўплагич-зичлагичлардан фойдаланилади.

Далаларда қолган поялар ва сомонга ўт кўйиб, ёқиб юбориш асло мумкин эмас! Акс ҳолда тупроқнинг минерал ва маҳаллий ўғитларга бой, гумусли юқори қатлами ёнғин туфайли қотиб, говаклигини йўқотади, барча микроорганизмлар ва фойдали ҳашаротлар нобуд бўлади.

Шудгорлаш сомон йиғимидан кейин, ҳатто 1–2 кунга кечикса, жазирама иссиқ таъсирида тупроқ намлиги тез кўтарилиб, ернинг қотиб қолиши оқибатида катта-катта кесаклар кўчишига олиб келади.

Агар тупроқнинг юза қатлами қуриб кетган ва намлиги 14–16 фоиздан кам бўлса, майдонларни сомон йиғиштириб олинган куннинг

ўзидаёқ суғориш ва ер етилиши билан шудгорни бошлаш керак.

Далалар чимқирқарли ПН-4-35, ПЛН-5-35, LD-100 ҳамда икки ярусли ПЯ-3-35, ПД-4-45, МР-2/3–45 плуглари билан чуқур ҳайдалиши зарур. Чимқирқарли плуглар бегона ўтлар кам ёки бутунлай йўқ далаларни ҳайдашда ишлатилади. Бегона ўтлар кучли тарқалган майдонлар эса фақат икки ярусли плуглар билан ҳайдалиши шарт. Корпуслари айланадиган плуглар билан шудгорлашда тупроқ тўла ағдарилади, шудгорланган майдонларда марза ва эгат каби нотекисликлар ҳосил бўлмайди ва тупроқ юзаси текис чиқади.

Ҳайдов отряди бошлиғи, механизатор ва фермер куйидагиларга алоҳида эътибор беришлари даркор:

- шудгорлаш ишларини икки сменада ташкил этиш, ҳайдов агрегатларини эрта тонгда ва кечкурун юқори унум билан ишлатиш (трактор двигатели қизиб кетмайди, ёнилғи ва мой кам сарфланади);

- механизаторлар, таъмирловчи чилангарлар ва барча ишчиларга етарли маиший шароитларни яратиш, қисқа муддатларда сифатли бажарилган шудгор учун уларни моддий рағбатлантириш;

- ҳайдаш чуқурлигининг барқа-

дорлиги, тупроқнинг майин ва текис шудгорланишини таъминлаш;

- электр ёки алоқа симларининг таянчлари, майдонлар ичидаги дарахтлар атрофларини 2–3 корпусли плуглар ёрдамида олдиндан ҳайдаб қўйиш;

- ҳайдов трактори ва плугни техник соҳа ҳолатда ушлаб туриш, кундалик техник қаровларни сифатли бажариш, двигателнинг совутиш ва мойлаш тизимлари ишини назорат қилиш;

- кўчма устахоналарда лемех, отвал, дала доскаси, сақловчи болт каби плугнинг ишдан тез чиқадиган деталлари, трактор учун мотор ва гидравлика мойлари захирасини етарлича барпо этиш;

- ҳар бир ҳайдов агрегатига икки нафардан малакали механизаторни бириктириш;

- ҳайдов агрегатларига техник хизмат кўрсатиш, уларга ёнилғи куйиш ишларини кўчма устахоналар ва махсус агрегатлар воситасида даланинг ўзида бажариш.

Мазкур тадбирларнинг тўғри бажарилиши ғалла ўрим-йиғимида дон нобудгарчилигига, шудгорлашда катта харажатларга йўл қўйилмаслигини таъминлайди.

М.ТОШБОЛТАЕВ,
т.ф.д., (ҚХМЭИТИ).

БОҒ ВА ТОКЗОРЛАРДА ИЮНЬ ОЙИДА БАЖАРИЛАДИГАН АГРОТЕХНИК ТАДБИРЛАР



Республикада баҳор фаслининг анчагина мўътадил келиши, қисқа муддатли совуқларнинг кузатилмаганлиги боис мевали дарахтлар тўлиқ гуллаб, яхши мева тугди. Боғларимизда май ойининг бошидан қулупнай, гилос ва ўрик навларининг пиша бошлаши билан бозорларимиз кўрқига кўрк киритди.

Қулупнай мевалари пиша бошлаши билан кетидан гилос, ўрик навлари ундан кейин малина қорағат, эртаги шафтоли ҳамда йирик мевали олча навлари пиша бошлайди. Июнь ойида олманинг эртаги навлари ҳам пиша бошлайди. Эндиликдаги асосий вазифа пишиб етилаётган меваларни нес-нобуд

қилмай, тезлик билан териб олиб, бозоларга, экспортга ҳамда қайта ишлашга юборишдан иборат.

Ҳосилли кузги ва қишки навларидаги боғларда боғ қатор ораларини суғориш учун бир-биридан 80 см ораликда 4–5 та 22–24 см чуқурликда ариқлар оlinиб, сув 24–36 соат давомида тупроқ яхши захлагунича

жилдирашиб оқизиб қўйилади. Оғир соҳа тупроқларда битта суғориш меъёри гектарига 700–800 м³, тошлоқ тупроқларда – 400–500 м³.

Дарахтлар тупидаги асосий ва бачки новдалари қалинлашиб кетса, намлик бўлишига сабаб бўлиб, замбуруғли касалликларнинг ривожланишига олиб келади. Бачки

новдаларни олиб ташлаш тадбири албатта бажарилиши зарур. Шу билан бирга ортиқча новдалар ҳам олиб ташланади.

Жорий йилда қиш ва баҳор ойлари ҳаво ҳароратининг иссиқ келганлиги боис боғларда касаллик ва зараркунандаларнинг ривожланиши кузатилмоқда.

Ҳосилли боғларда олма, нок, олхўри қурти ва нок шира бургасига қарши июнь оғи бошларида 10–15 кун оралатиб боғларга кимёвий ишловлар бериллади. Ушбу тадбир ҳосилли боғларда мевахўр куртакларнинг 2-наслига қарши бўлиб, олмалар гуллаб бўлгандан сўнг 40–45 кун ўтгач бажариллади. Ушбу муддатларда ҳосилли олма, нок, олхўри боғларида куйидаги препаратлардан бири қўлланилади: “Карбофос” (100 л сувга 200–300 г ҳисобида) ёки “Циперфос” (100 г) ёки “Децис”, “Каратэ”, “Талстар”, “Циракс” (30–40 г.) ёки “Фуфанон” (100 г), олма қуртига қарши “Вектра” (30 г) ёки “Сапроль” ва “Топсин” (100 г).

Эртапишар олма навларига кимёвий препаратлар билан ишлов берилмайди.

Июнь оғи бошларида ёгингарчилик бўлса шафтоли ва олхўри дарахтларини клястероспориоз, барг бужмалоқлиги ва ун шудринг каби замбуруғли касалликларга қарши Бордо суюқлигининг 1 фоизлиги ёки намланувчи олтингугурт билан такрор пуркаса бўлади.

Дарахтларга кимёвий препаратларни қўллаш билан бир қаторда улар атрофини юмшатиш, уруғли мева дарахтларининг тана ва она шохларига тутқич белбоғлар боғлаб, бир ҳафта-ўн кун ичида тушган қуртларни йўқотиш, тушган меваларни териб олиш каби тадбирлар ҳам бажарилиши керак.

Жорий йилда қулупнайзорларда мева эрта пишганлиги боис июнь оғи бошида мева териб олинган майдонларда тезлик билан қатор оралари культивация қилиниб, туп атрофлари бегона ўтлардан тозаланиб юмшатиб чиқилади. Қулупнайзорга 10–15 тонна чириган гўнғ ёки 60–90 кг ҳисобида соф азотли, 50–60 кг ҳисобида соф ҳолда фосфорли ўғит солиниб, суғорилади. Бунда қулупнай тупларида келаси йил учун ҳосил куртаклари ташкил топа бошлайди ҳамда туп ёнларидан ипсимон ўсимталарнинг (мўйловчалар) ўсиб-ривожланиши тезлашади. Бунда бир ой давомида ўсаётган мўйловчаларнинг бўғинлари тупроққа тегиши

билан янги томир чиқариб, янги барг ҳосил бўлади. Натижада янги ёш кўчатлар ташкил топади. Тайёр бўлган кўчатларни қазиб олиб ерга экиб, янги қулупнайзор барпо этилади.

Жорий йилда қулупнай кўчати қанча эрта экилса, келаси йилишунча тўлиқ мўл ҳосил беради. Республикамизда қулупнай кўчатларини энг қулай экиш муддати июль оғи бошидан то август бошигача ҳисобланади. Бундан кейин экилган кўчатларда келаси йили тўлиқ ҳосил олинмайди.

Токзорларда ток қаторидан 50–60 см қочириб, иккита суғориш ариғи очилади, 24–30 соат давомида яхшилаб суғорилади.

Токзорларда кул (оидиум), антракноз касалликлари ривожлана бошласа, уларга қарши 8–10 кун оралатиб икки марта олтингугурт (1 гектар токзорга 25–30 кг сарфи билан) чанлатиб чиқиш зарур. Олтингугуртга 10 кг оҳак кукуни қўшилса ўтказилган тадбирнинг самарадорлиги ошади. Кичик майдондаги ток тупларини даволашда олтингугуртнинг қўллаш имкони бўлмаса, “Вектра”, “Топаз”, “Тиль” (10 л сувга 3–5 г) ёки “Топсин” (10 г) препаратини қўлласа ҳам бўлади. Ушбу ойда

шадиган қилиб тараб боғлаш зарур. Июнь оғида ҳимоя қилиш тадбирлари ўз вақтида сифатли ўтказилса, боғ ва токзорларда ҳосилдорликни сақлаб қолишга эришилади.

Республикамизда жорий йилда катта майдонларда янги боғлар ва токзорлар барпо этилди. Июнь оғида ана шу ёш ниҳолларни парвариш қилиш, кўчатларнинг беҳато илдиз олишига, яхши ўсиб-ривожланишини таъминлашга қаратиш зарур. Суғоришга ҳам алоҳида эътибор бериллади. Июнь оғида икки-уч марта суғорилади. Ҳар суғоришдан сўнг эгатлар ва дарахт атрофидаги тупроқ юмшатилади.

Янги боғлар барпо этишда интенсификация боғлар майдонини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Пакана пайвандтагидан экилган интенсификация боғларда экилган кўчатларни биринчи йилнинг ўзида симбағазларга боғлаб, парвариш қилиш учун темир-бетон устунлар ўрнатилади. Янги экилган олма, нок боғларига темир-бетон устунлар ўрнатиб, сим торталгач, кўчатларнинг новдалари симларга боғлаб чиқилади, ҳамда келажакда новдалар ўсиб-ривожланиши учун парвариш ишлари олиб борилади.

Ёш пакана пайвандтагли боғлар



ток туплари қалинлашиб кетишига йўл қўймалик учун тезлик билан гўра хомток ўтказиш зарур.

Шуни ҳам айтиш керакки, токзорларда хомток ишлари ўз вақтида сифатли олиб борилса, касалликларнинг ривожини сусаяди ва кимёвий ишловлар сони камаёди, самараси эса ошади. Шунинг учун ушбу ойда ўтказиладиган гўра хомтоқини ниҳоятда самарали ўтказиш ҳамда новдаларни яхшилаб кун ту-

орасига биринчи йили сабзавот, полиз, картошка экинлари экиш мумкин. Иккинчи йилдан ушбу экинлар экиш тавсия этилмайди. Чунки боғ қатор орасига ишлов берилса бошланади.

Р.АБДУЛЛАЕВ,

қ.х.ф.н.,

Х.АБДУЛЛАЕВА,

катта илмий ходим,

(Ак.М.Мирзаев номли БУВАВИТИ).

САБЗАВОТЧИЛИКДАГИ ДОЛЗАРЪ ЮМУШЛАР

ёхуд такрорий сабзавот етиштириш омиллари

Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондириш, бозорларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархларнинг барқарорлигини таъминлаш, қиш-баҳор ойлари учун маҳсулотлар захирасини яратишда такрорий экинларни етиштиришнинг ўрни катта. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, кузги бошоқли дон экинлари ҳамда эртаги сабзавотлардан бўшаган ерларга картошка, карам, сабзи сингари сабзавотларни экиб улар майдонини 2–3 мартага кенгайтириш, олинанинг ҳосил салмоғини кўпайтириш, қайта ишлаш корхоналарини доимий равишда хомашё билан таъминлаш имконини беради.

Бугунги кунда такрорий муддатда оқбош карам, гул карам, турп, шолғом, ош лавлаги, редис, бодринг, кўкатлар билан биргаликда помидор ва ширин қаламапир экинлари ҳам етиштирилмоқда.

Такрорий муддатда экиш режалаштирилган сабзавот, полиз ва картошкани республика минтақалари миқёсида тўғри жойлаштириш ва ўз вақтида экиб етиштириш орқали мавжуд майдонлардан унумли фойдаланиш ва олинанинг ҳосил салмоғининг юқори бўлишини таъминлайди.

Ушбу муддатларда экиш режалаштирилган ҳар бир экиннинг биологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда уларни ҳаво, тупроқ ҳароратига, сув ҳамда озиқа элементларига бўлган талабини ҳисобга олган ҳолда етиштириш зарур.

Такрорий сабзавотларни экиш даврида ҳаво ҳароратининг ўта юқори бўлиши, кўчатидан экиладиган сабзавотлар кўчатининг тўлиқ тутиб олиши ҳамда экилган уруғлардан ниҳолларни тўлиқ ундириб олиш катта меҳнат ва маҳорат талаб этади. Чунки юқори ҳарорат экилган кўчат ва униб чиқаётган ниҳолларнинг униб чиқиши ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Майдонларни такрорий экин экишга тайёрлаш ишлари ерни ўтмишдош экин қолдиқларидан тозалашдан бошланади. Бунда ўтмишдош экин қолдиқлари КПС-5 маркали юмшатгич ёки бароналарда, кичик майдонларда эса қўл кучи ёрдамида йиғиштириб олиниб, сўнгра тавсиялар асосида лозим бўлган органик ҳамда минерал ўғитлар майдонга сочилиб, тупроқ намлиги маромида бўлганда ерларни ПД-3-35 русумли плуг ёрдамида 25–28 см чуқурликда ҳайдаб, сўнгра барона билан 10–12 см чуқурликда юмшатилади ва экиш режалашти-

рилган экин турига қараб суғориш эгатлари олинади.

Оқбош карам кўчатларини экишнинг энг мақбул муддати республикамизнинг жанубий минтақаларида 1–15 август, марказий минтақаларида 15 июнь–10 июль, шимолий минтақаларида эса 25 май–5 июнь ҳисобланади.

Оқбош карамнинг маҳаллий “Тошкент-10”, “Термиз-2500”, “Ўзбекистон судьяси”, “Ўзбекистон-133” ёки бошқа навларини экиш тавсия этилади. Экиш 70×40 см, 90×40 см схемада амалга оширилади. Карамни ўтлоқи,



сернам, чиринди миқдори кўп бўлган майдонларга экиш мўл ҳосил олиш имконини яратади.

Оқбош карам экиладиган майдонлар дастлаб суғорилиб, ер тобига келгандан кейин кўчатларни қўлда ёки СКНБ-4А русумли экиш машинасида экилади. Кўчатлар экилган майдонларга кетма-кет сув қуйилса, уларнинг тўлиқ тутиб олиши имконияти ортади. Хато тутган ерларга эса кўчат қайтадан экилиши лозим. Экилган кўчатлар тўлиқ тутиб олгач 16–18 кундан кейин биринчи ишлов берилади, яъни қатор ораликлари КРН-2,8А русумли культиваторда 15–16 см чуқурликда юмшатилади. Юмшатиш билан бирга маданий ўғитлар солиниб, суғорилади.

Карамни етарли миқдорда озиқлантириш учун ҳар бир гектар майдон ҳисобига камида 25–30 т гўнг, 200–220 кг азот, 150–170 кг фосфор ҳамда

50 кг миқдорида калий ўғитларини солиш лозим. Майдонларни шудгор қилишдан олдин гўнгнинг йиллик миқдорининг ҳаммаси, фосфорли ўғитларнинг 75% ва калийнинг 50% қисми солинади. Фосфорнинг қолган 25 фоизи ҳамда калийнинг тенг ярми кўчатларни экишдан олдин, азот ўғитининг 20 фоизи экиш олдидан, қолган қисми эса ўсув даврида солинади.

Кечки карамни суғоришда ўсув даврининг бошларида 7–8 кун оралатиб, кузга яқин эса 10–12 кун оралатиб 13–15 мартаба суғорилади. Суғориш меъёри 550–650 м³/га.

Инсон саломатлиги учун муҳим витаминларга бой бўлган яна бир экин – ош лавлаги уруғларини ёзги муддатда жанубий ҳудудларда 1–10 август, марказий ҳудудларда 5–30 июнь, шимолий ҳудудларда 1–10 июнда экиш тавсия этилади. Ош лавлаги дастлабки пайтларида жуда секин ўсганлиги боис бегона ўтлар кучли босиб кетади. Шу сабабли ош лавлагини картошка, бодринг, карам экинларидан бўшаган майдонларга экиш мақсадга мувофиқ.

Ёзги муддатда етиштириш учун ош лавлагининг маҳаллий “Диёр”, “Ягона” навлари ва чет элнинг “Бордо-237”, “Бикорес”, F₁ “Боро”, “Пабло” дурагайларини экиш тавсия этилади. Бир гектар майдонга уруғ сарфлаш меъёри 14–16 кг. ни ташкил этиб, экиш 50×20×8 см схемасида амалга оширилади.

Ош лавлаги ниҳоллари униб чиққандан сўнг тезда ўташ ва яганалаш керак. Иккинчи яғана ўсимлик 2–3 чинбарг чиқарганда ўтказилади. Бунда туп ораси 10–12 см кенгликда қолдирилади. Кейинги парваришлар экинларни вақтида суғориш, қатор ораларини культивация қилиш ва зарарли ҳашаротларга қарши курашдан иборат.

Бўз тупроқли ерларда ош лавлаги экилган майдонларга соф ҳолда 150 кг азот, 80 кг фосфор, 50 кг калий солиш керак. Фосфор ўғити йиллик миқдорининг 75 фоизи, калийнинг ҳаммаси ерга асосий ишлов даврида, фосфорнинг қолган қисмини эгат олиш пайтида бериш тавсия этилади. Азотли ўғитлар вегетация даврида озиқлантиришда иккига бўлиб берилади. Биринчи озиқлантириш ўтоқ қилиб ўсимлик сони сийраклаштирил-

гандан сўнг, иккинчиси эса 2–3 тадан чинбарг пайдо бўлганда ўтказилади.

Ёзги муддат учун сабзи уруғи экишнинг энг мақбул муддатлари – жанубий минтақаларда 1–15 август, марказий минтақаларда 10 июнь–10 июль, шимолий минтақаларда 10–20 июнь ҳисобланади. Сабзи уруғини катта майдонларда СКОН-4,2 экиш сеялкасида, кичик майдонларда қўлда 1,5–2 см чуқурликда 52х8 см ёки 62х8 см ораликда экиш амалга оширилади. Бунда бир гектарга 5–6 кг уруғ сарфланади.

Ушбу муддатда сабзининг сақлашга мос “Мирзои қизил-228”, “Мирзои сариқ-304”, “Нантская”, “Шантане-24-61”, “Зийнатли”, “Мшак-



195”, “Нурли” каби навларини экиш тавсия этилади.

Сабзи уруғи сепилгач марзанинг тепаси қорайгунча 2–3 кун давомида жилдирагиб сув қуйилади. Сабзи учтўрт марта суғорилганда майсалар 8–10 кун мабайнида ёппасига униб чиқади. Шундан кейин сентябргача ҳар 7–8, сентябрда эса ҳар 10–12 кунда суғориб туриш лозим. Сабзи шу тартибда суғориб борилса, сизот суви чуқур жойлашган ерларда мавсумда 11–12, сизот суви юза участкаларда 6–8 марта сув ичди.

Сабзи униб чиқиши билан дарҳол бегона ўтларни ўташ ва яганалаш лозим. Сабзи 2 марта ўталади. Дастлабки ўташ сабзи битта чинбарг чиқарганда, кейингиси эса 3–4 барг чиқарганда ўтказилади. Ҳар ўтоқ давомида ягана ҳам қилиб борилади.

Униб чиққан сабзи ниҳоллари икки маротаба ўталиб, ягана қилинган, қатор оралиқлари КРН-2,8 А юмшатгичи билан 9–12 см чуқурликда юмшатилади. Кейинги парвариш ишлари ҳар 9–10 кун оралатиб суғориш ҳамда қатор оралиқларини юмшатиб туришдан иборат. Вегетация даврида экин азотли ўғит билан 2 маротаба озиклантирилади: биринчиси ўсимликларда 2–3 тадан чинбарг пайдо бўлганда; иккинчиси эса илдимева тугиши бошланганда амалга оширилади.

Сабзи тупроқ унумдорлиги ва озуқа элементларига ўта талабчандир. Озуқа элементлари етарли миқдорда тавсия

этилган миқдорда берилганда юқори ҳосил олиш имкони бўлади.

Гектаридан 30 тонна ҳосил олиш учун ҳар гектар ерга юқори унумдор ерларга ўртача соф ҳолда 175 кг азот, 130 кг фосфор, 80 кг калий ўртача унумдор ерларга ўртача 220 кг азот, 160 кг фосфор, 100 кг калий ва унумдорлиги паст бўлган майдонларга 250 кг азот, 200 кг фосфор, 120 кг калий бериш тавсия этилади.

Сабзи етиштиришда тупроқнинг тўйинган дала нам сифимиға нисбатан суғоришдан олдинги тупроқ намлиги 70–5% бўлиши керак.

Бодринг экиш учун унумдор, органик моддаларга бой, нам сифими юқори, сизот сувлари юза жойлашган ерлар танланади. Бодрингга енгил, юмшоқ тупроқлар ниҳоятда мос келади. Шўрланган ерларда бодринг етарли даражада ўса олмайди.

Алмашлаб экишда бодринг учун картошка, карам, сабзи, лавлагги энг яхши экин ҳисобланади. Бодринг уруғини экишнинг энг мақбул муддати – жанубий минтақаларида 10–20 июль, марказий минтақаларида 15–30 июнь ҳисобланади. Ушбу муддатда экиш учун “Наврўз”, “Ўзбекистон-740”, “Ранний-645”, “Аякс Микс”, F₁ “Алиби” ва “Зилот” навлари тавсия этилади.

Бодринг уруғларини катта майдонларга СБУ-2,4А(экиш) мосламасида, кичик майдонларда қўл кучи ёрдамида 70х30см, 90х20 см схемада экиш амалга оширилади. Уруғлар 4–5 см чуқурликка экилади, уруғ бир гектар майдонга 4–5 кг сарфланади. Экилган



уруғлар ердан униб чиққач уруғпалла барглари пайдо бўлган даврда бир маротаба ва битта чин барг чиқарган даврда иккинчи маротаба узил-кесил ҳар бир уяда 1 тадан ўсимлик қолдириб ягана қилинади.

Ўсув давридаги ҳар 2–3 маротаба суғоришдан сўнг албатта ўсимлик қатор оралиқларини 15–16 см чуқурликда юмшатилиб, ўсимлик палакларини 2–3 маротаба ростлаб қўйилиши тавсия этилади.

Июннинг охири - июлнинг бошларида экилган кечки бодрингнинг ўсув даври нисбатан қисқа бўлади. Ўсув

даврининг бошланиши ёзнинг иссиқ пайтига, ҳосил тўплаш даври эса кузги салқин тушган вақтга тўғри келади. Шунинг учун кечки бодринг ўсув даврида бир меъёрда, яъни ҳар 6–7 кунда суғориб турилади. Бодринг уруғи ерга экилиши билан кетма-кет суғорилади, бунга қўшимча қилиб яна уруғ суви ҳам берилади. Шунда майсалар барвақт ва қийғос кўкаради. Кечки бодринг ўсув даврида сизот суви чуқур ерларда 10–11, юза жойларда эса 8–9 марта суғорилади.

Республиканинг барча вилоятларида сабзавот, полиз ҳамда картошка етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликларига жорий йилнинг экиш муддатларига мувофиқ равишда экилган асосий ва шу кунларда экилаётган ҳар бир такрорий сабзавот, полиз ҳамда картошка экин майдонларида амалга оширилиши лозим бўлган барча парвариш чора тадбирларини сифатли бажариш ушбу майдонларга экилган, экилаётган экин турларидан режаланган миқдордаги мўл ҳосилни етиштириб, йиғиб олишнинг зарур бўлган қулай имкониятларини яратади.

Шунингдек, ушбу ойда баҳорда ойларида асосий экин сифатида экилган помидор, ширин қалампир, бақлажон, сабзи, қовун, тарвуз, бодринг, қовоқ майдонларида ҳам шу кунларда бажарилиши лозим бўлган асосий парвариш тадбирлари – ўсимликлар қатор оралиқлари КРН-2,8А ёки КРН-2,8 русумли юмшатгичлар билан, ўсимлик оралиқларини эса қўлда чопиб юшматиш, бегона ўтларни йўқотиш, маданий ҳамда маҳаллий ўғитлар билан озиклантириш, ўз вақтида суғориш, экинларда пайдо бўлган касаллик ва зараркунандаларни тезда йўқ қилиш чораларини амалга оширилиши ўсимликлар ўсиб-ривожланиши ҳамда ҳосил тўплаш жараёнларига ижобий имкониятлар яратиши таъмин этади. Экилган асосий экин майдонларидан мўл ҳосил етиштиришини таъмин этишда ҳал қилувчи муҳим омиллардан бири ҳар бир экин тури талабига мувофиқ майдонларни 7–12 кун оралатиб 480–500 м³/га меъёрда суғориб туриш бўлиб, ҳар 2–3 маротаба сув қуйилганч юмшатилади. Қатор оралиқлари КРН-2,8А русумли юмшатгич билан 12–14 см чуқурликда юмшатиб туриш тавсия этилади.

Р.ХАКИМОВ,
қ.х.ф.н.,

Ф.РАСУЛОВ,

қ.х.ф.ф.д., *Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик ИТИ.*

А.АРТИКОВ,

ЎзҚХИИЧМ бош мутахассиси.

СИФАТЛИ УРУҒ – МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ

Маълумки, ҳар қандай қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосили сара ва сифатли уруғликка боғлиқ. Айниқса, бошоқли дон экинлари ҳосилдорлигининг 50 фоизи навнинг биологик хусусиятларига, қолган ярми сифатли сара уруғликка ва парваришlash агротехника тадбирларига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 апрелда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида уруғчилик тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарорида қишлоқ хўжалик ва бошқа экинларнинг уруғларини етиштиришнинг тубдан янги тизими белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги “Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, Ғўза уруғчилиги республика маркази ва Бошоқли дон экинлари уруғчилиги республика маркази негизида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурда Уруғчиликни ривожлантириш маркази ташкил этилгани уруғчилик соҳасини янада ривожланиши учун асосий пойдевор ҳисобланади.

Юқори авлодли уруғликлар якка-оилавий танлаш ва ёппа танлаш усулларида етиштирилади. Барча уруғчилик ишлари юқори агротехника шароитида олиб борилади. Етиштирилган уруғлик навдорлиги ва экувчанлик сифати бўйича давлат андозалари талабига жавоб бериши шарт. Қабул қилинган уруғчилик тизими асосида янги нав яратилиб экишга тавсия этилгандан кейин у навларни навдор уруғлари уруғчилик ишларини бошлаш учун кўпайтириш кўчатзорларидан биринчи навбатда нав яратган илмий муассаса ва унинг филиаллари, тажриба хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги тажриба станциялари ҳамда вилоятларда тендер танлови асосида танланган уруғчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликларига берилди.

Юқорида келтирилган муассасалар ғаллачилик хўжаликларини нав алмаштириш, нав янгилаш учун керакли бўлган талаб даражасидаги суперэлита, элита ва I авлод уруғликларини етиштиради.

Республикадаги уруғчилик хўжаликларини талаб даражасидаги уруғлик билан таъминлаш учун

четдан қиммат нархларда уруғ олиб келишни камайтириш лозим. Бу масаланинг ечими илмий-тадқиқот институтлари ва унинг вилоят филиаллари ер майдонларини кенгайтириш ва у ерда ғалла элита уруғчилик хўжалиги ёки уруғчилик марказларини ташкил этишдан иборат.

Республикада бошоқли дон экинлари селекцияси ва уруғчилиги бўйича олиб борилаётган тадқиқот ишларида бирмунча ютуқларга эришилган бўлса-да, бу соҳани янада яхшилаш учун қуйидаги вазифалар ва таклифларни амалга ошириш зарур:

1. Республикада ғалла экинлари, жумладан, бошоқли дон экинлари уруғчилик тизими асосида сара навдор юқори авлодли, уруғлик етиштиришни инновацион илмий асосда ташкил этиш ва уруғлик экиладиган майдонларини қатъий белгилаш зарур. Республикада экиладиган ғалла майдонларига талаб этиладиган уруғлик авлодлари бўйича экиладиган майдонлари ва тайёрланадиган уруғлик миқдорини илмий асосда тўғри белгилаш мақсадга мувофиқ.

2. Республикада ягона ғалла уруғчилик тизимини тўғри йўлга қўйиш лозим. Қишлоқ хўжалиги вазирининг рухсатисиз ҳар хил ташкилотлар ва бошқа шахсларнинг ғалла уруғчилигига аралашшига чек қўйиш лозим.

Ғалла уруғлиги сертификатланган ер майдонларига экиладиган то уруғликни ўриб йиғиштириб олганда қадар у майдонлар доимо назоратда бўлиши шарт. Бундай уруғлик майдонлари вазириликнинг соҳага оид олим ва мутахассислари томонидан ўсув даври давомида 2–3 марта дала кўригидан ўтказилиб, ғалла бошоқлагандан кейин 2 марта нав тозаллиги, яъни асосий навни бегона навлардан тозалаш ишларини ўтказгандан кейин, у майдонларни уруғликка олиш мумкин. Ушбу майдонлар ҳолати ва уруғликка яроқчилиги ҳамда уруғлик кондициясига етказиш жараёнларини мутахассислар назоратга олишлари лозим. Шундагина етиштирилган ғалла уруғлик ҳажми аниқланади.

3. Бирламчи ғалла уруғчилиги билан фақат Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти ва унинг вилоятларда жойлашган филиал ҳамда илмий тажриба станцияларида, шунингдек, рухсат этилган илмий муассасалар шуғулланиши керак. Шунда ғалланинг бошланғич уруғчилиги Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти ва унинг вилоятларда жойлашган филиал ҳамда илмий-тажриба станцияларидаги олимлари назорати остида олиб борилади.

4. Ғалланинг суперэлита, элита ва I-авлод уруғликлари билан эса Қишлоқ хўжалиги вазирлиги назорати остида уруғчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари шуғулланиши керак.

5. Республика бўйича ғалла уруғчилигининг ягона ҳисоботини юритиш, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазириликнинг тегишли бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурдаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази, Республика қишлоқ хўжалик экинлари Давлат нав синаш комиссияси, Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирилик, вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармалари, туман бўлимлари, авлодли уруғлик ғалла етиштирадиган фермер хўжаликларида амалга оширилиши керак.

6. Экишга тавсия этилган ва истиқболли навлар уруғчилигини йўлга қўйишда ҳар бир минтақага мос келадиган навлар уруғчилиги билан шуғулланиши лозим. Бунда ҳар бир вилоятда 10 та ва туманларда 5 тадан ортиқ ғалла навлар жойлаштирилмаслиги шарт.

7. Минтақаларда ғалла уруғлиги ўрим-йиғим даврида нав софлигини сақлаш мақсадида, махсус уруғлик ўрадиган комбайн отрядларини тузиш мақсадга мувофиқ. Ушбу отрядларга бириктирилган раҳбарларни ўрим-йиғим олдидан ҳар бир нав ва авлодлар ўрими бошладан олдин комбайн ва ташиш техникаларини яхшилаб тозалаш ишлари бўйича 1 кунлик махсус ўқув курсини ўтказиш талаб этилади. Шундагина юқори сифатли уруғлик етиштириш мумкин.

Бошоқли дон экинлари селекцияси ва уруғчилигини яхшилаш бўйича соҳа мутахассислари олдидаги вазифалар:

- бугдой селекциясининг махсулдорлиги ва дон сифати юқори янги навларни яратишга қаратиш;

- экишга тавсия этилган ва истиқболли бугдой навлари уруғчилик тизимини илмий асосда ташкил этиш;

- ҳар бир минтақанинг тупроқ-иқлим шароитига қараб навларни жойлаштириш;

- ҳар бир минтақада экишга тавсия этилган навларнинг минтақавий агротехникасини ишлаб чиқиш;

- ғалла етиштириш жараёнидаги агротехника тадбирларини, хусусан азотли озиклантириш режими-ни бошқариш йўли билан суғориладиган шароитда дон ҳосили ва сифатини яхшилаш усулларини

ишлаб чиқиш ҳамда уни ишлаб чиқаришга тавсия қилиш;

- ҳозирда илмий муассасаларда жуда кўп навлар яратилиб, Давлат нав синаш комиссиясига топширилмоқда. Давлат нав синовидан ўтаётган навлар сони жуда кўп муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шунинг учун синовга берилмаётган нав ҳозир экилаётган навлардан ҳосилдорлиги, сифат кўрсаткичлари ва бошқа кўрсаткичлари билан устун бўлгандагина синовга топшириш;

- экишга тавсия этилган ва истиқболли навлар уруғчилигини йўлга қўйишда ҳар бир минтақага мос келадиган навлар уруғлиги билан шуғулланишини ташкил этиш;

- ҳар бир вилоятда бирламчи уруғчилик ишларини охирига етказиш ва ҳар бир вилоятнинг ўзида керакли уруғлик етиштиришни йўлга қўйишдан иборат.

Юқоридаги масалалар ўз ечимини топиши учун республикада барча имкониятлар мавжуд, шу имкониятлардан оқилона фойдалансак, келгусида янада мўл ва сифатли дон етиштиришга эришамиз, албатта.

Р.СИДДИҚОВ,

*Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти директори,
қ.х.ф.д.,*

Н.ЮЛДАШЕВА,

илмий ходим.

УЎТ: 633/635.1

Илм ва амал

ХАШАКИ ЛАВЛАГИ

Мамлакатимизнинг суғориладиган ерлари учун районлаштирилган хашаки лавлагининг серҳосил “Ўзбекистон нимқанди” ва “Ўзбекистон-83” навлари етиштирилади. “Ўзбекистон нимқанди” нави ўзининг серҳосиллиги, махсулотининг сифати ва бошқа хўжалик белгилари билан ажралиб туради. Шу сабабли бу навнинг уруғини асосан ишлаб чиқаришда кўпайтириш ишлари режалаштирилган.

Хашаки лавлаги сутдор қорамолчиликда сигирларнинг сут махсулдорлигини оширишда муҳим озуқа ҳисобланади. Хашаки лавлаги майдонининг ҳар бир гектарига 20–30 тонна чириган гўнг ва 150 кг аммофос солиш тавсия этилади. Чиримаган гўнгдан фойдаланиш мумкин эмас, чунки унда бегона ўтлар уруғи кўп бўлади. Зарпечак билан зарарланган, маккажўхори ва бошоқли экинлардан бўшаган далаларга лавлаги экиш тавсия қилинмайди.

Лавлаги экиладиган майдон кузда 30 см чуқурликда ҳайдалади, баҳорда эса тупроқни экишга тайёрлаш тадбирлари ўтказилади. Агар дала шўрланган бўлса, шудгордан сўнг 2500–3000 м³/га ҳисобидаги сув билан шўр ювилади ва баҳорда поллар текисланиб, боро-налаш, чизеллаш ишлари ўтказилади. Бундай жойларга чизеллаш олдидан фосфорли ўғит бериш мақсадга мувофиқ.

Хашаки лавлаги жанубий минтақалар (Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро вилоятлари)да март ойининг биринчи, марказий минтақалар (Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Навоий, Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари)да иккинчи-учинчи декадасида, шимолий минтақалар (Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти)да апрель ойининг бошларида аниқ уялаб экувчи пневматик СПЧ-6М ёки

СОН-2,8 русумли сеялкалар ёрдамида 3–4 см чуқурликда, гектарига 8–10 кг уруғ меъёрида экилади. Агар уруғлар эртаки экиб қўйилса совуқ таъсирида яровизация даврига кириб, кейинчалик илдимева қилмасдан гулпоялар ҳосил қилади, бу илдимева оладиганлар учун катта зарар ҳисобланади.

Ўсимликлар униб чиққандан кейин парвариш қилишда бегона ўтлардан тозалаш мақсадида тракторнинг кесувчи қисмлари – пичоқ, панжа билан жиҳозланган культиватор ёрдамида 5–



6 см чуқурликда 10–12 см энликда культивация ва бир-икки марта чопиқ қилиниши керак.

Ўсимликнинг 2–4 та барги пайдо бўлганда ягана қилинади. Бунда гектарига 70 минг дона (бир погонметрда 60 см. ли эгатларда 4–5 та, 70 см. лида 5 та, 90 см. лида эса 6 та) ўсимлик қолдирилади. Май ойининг охирида лавлаги гектарига аммиакли селитра ҳисобида 250–300 кг, карбамид ҳисо-

бида 200 кг физик тукда озиклантирилиб, суғорилади. Азотли ўғитнинг меъёрдан ортиб кетиши ёки ўғитлаш муддатларининг август ойига кўчирилиши, илдимеванинг ҳаддан ташқари катталлашиб кетишига ва қишда яхши сақланмаслигига олиб келади.

Июнь ойининг охирида юқоридаги меъёр каби иккинчи азотли ўғитлар билан озиклантириш ва суғориш амалга оширилади. Экин июль ойида 3, августда 2, сентябрда 1 маротаба суғорилади.

Октябрь охири-ноябрь бошларида хашаки лавлагининг илдимевалари трактор ёрдамида йиғиб олинади, илдимева қўл ёрдамида тупроқ ва баргидан тозаланади ҳамда қишлоқ учун сақланади.

Хандақларга ёки махсус сақланадиган жойларга жойлаштиришдан олдин илдимеваларни синчиклаб, танлаб шу билан бирга касал, уринган, ёрилган илдимевалар ажратиб олинади ҳамда хандақларга тахланиб, усти яхшилаб ёпилади.

Қиш мавсуми пайтида сақлаш хандақларининг ҳароратини мунтазам текшириб туриш лозим. Сабаби илдимевалар +5°C дан ортиқ ҳароратда қизиб кетмаслиги керак. Агар ҳарорат ошиб кетган бўлса, зудлик билан бошқа жой танлаб, баҳоргача сақлаш лозим.

Хашаки лавлаги ширали, енгил ҳазм бўладиган ва тўйимли ем-хашақлик хусусиятига эга. Унинг тўйимлилик қиймати чорва моллари организм учун зарур бўлган моддалар, углеводлар, азотсиз экстрактив моддалар, минерал тузлар ва витаминларни сақлайди.

Ф.БОБОЕВ, Қ.АЗИЗОВ,

А.АХМЕДОВ.

Маккажўхори селекцияси ва уруғчилиги илмий тажриба станцияси кичик илмий ходимлари.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКДАГИ ЯНГИ ЛОЙИҲА

Маълумотларга қараганда, ҳозирги кунда жаҳонда тупроқ ресурсларининг учдан бир қисмидан зиёди эрозия, шўрланиш, органик ва озуқа моддаларининг ювилиб кетиши, ифлосланиш ҳамда ер ресурсларини бошқаришнинг номақбул усуллари қўлланилиши туфайли таъназулга учрамоқда. Ёки умумий фойдаланилаётган ер майдонининг қарийб 40 фоизи турли даражада шўрланган. Бу эса ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини ошириш, экологик барқарорликни сақлашга барча бирдек масъулият билан ёндашишини талаб қилади.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шўрланиш даражасини камайтириш, сув тежовчи замонавий технологияларни жорий қилиш бўйича тизимли тадбирлар амалга оширилмоқда. Биргина суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган давлат дастурларининг амалга оширилиши натижасида 2 млн. гектардан зиёд суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шўрланиш даражасини камайтириш, ер ости сувлари сатҳини мақбул даражага пасайтиришга эришилди.

Бу борадаги ишларни бажаришга қатор халқаро ташкилотлар, молия институтларининг кредитлари, хорижий давлатларнинг грантлари ҳам кенг жорий этилиб, мақсадли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) ҳамда Глобал экологик жамғарма (ГЕФ) томонидан молиялаштириладиган, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази томонидан беш йил мобайнида амалга ошириладиган “Марказий Осиё ва Туркиянинг қурғоқчил ва шўрланишга учраган қишлоқ хўжалиги ерлари (ландшафтлари)да табиий ресурсларни комплекс бошқариш” минтақавий лойиҳаси ана шулардан биридир.

Пойтахтимизда жорий йилнинг 17 май куни бўлиб ўтган семинарда мазкур лойиҳанинг мақсади, вазифалари, амалга ошириш механизми ҳамда кутилаётган натижалар ҳусусида сўз борди.

Лойиҳа миллий бошқарувчиси Муҳаммаджон Қосимовнинг таъкидлашича, мазкур лойиҳа республикамизнинг тўртта – Зарбдор, Китоб, Қамаш ва Шаҳрисабз туманларида, шунингдек, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ҳамда Туркия давлатлари ҳудудларида амалга оширилади. Лойиҳани амалга оширишдан қўзланган асосий мақсад Марказий Осиё давлатлари ҳамда Туркиянинг қурғоқчил ҳамда шўрланган экин майдонларида табиий ресурсларни комплекс бошқариш кўламлигини кенгайтириш, тупроқ унумдорлигини ошириш, экин майдонлари ҳолатини яхшилаш, сув ресурсларини тежаш, соҳага илғор технологияларни қўллаш каби муҳим масалаларни ҳал этишдан иборат.

Тўртта таркибий қисмдан иборат лойиҳанинг умумий қиймати 5 млн. АҚШ долларини ташкил этади. Лойиҳа доирасида шўрланишга қарши курашиш, қурғоқчилик хавф-хатарларини бошқариш бўйича халқаро тажрибалар ўрганилиб, амалиётга жорий этилади. Қолаверса, танлаб олинган ҳудудларда фермерлар дала мактаблари ташкил қилинади. Ушбу мактабларда фермер хўжаликлари раҳбар

ҳамда мутахассисларига иқлим ўзгариши шароитида қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш ва улардан юқори ҳосил олиш бўйича билим ва кўникмалар бериб борилади.

Номи юқорида зикр этилган туманларда тажриба участкаларини ташкил этиш орқали иқлим ўзгариши, сув тақчиллиги ва ер шўрланиши таъсирларини юмшатиш, деҳқончиликка инновацион ҳамда ресурстежамкор усуллари қўллаб, йўқотишларнинг олдини олиш, шунингдек, мураккаб шароитда меҳнат қилаётган фермерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалиги техникалари ҳамда зарур ускуналар харид қилишда кўмаклашиш кўзда тутилган.

Ушбу тадбирлар табиий ресурсларга бўлган салбий таъ-



сир ҳамда босимни минималлаштириш, хатарларни камайтириш ва қурғоқчилик ва шўрланишга мослашиш ёки улар билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш имкониятларини оширишга қаратилган механизмлар орқали амалга оширилади.

Лойиҳанинг биринчи таркибий қисми барча иштирокчи давлатлар учун умумий бўлган устувор вазифаларни ҳал қилишга қаратилган. Лойиҳанинг иккинчи ва учинчи таркибий қисмлари ҳар бир иштирокчи давлат учун алоҳида бўлиб, ҳар бир мамлакат учун долзарб бўлган йўналишларда амалга оширилади. Лойиҳанинг тўртинчи компоненти лойиҳани мониторинг қилиш ва баҳолаш ҳисобланади.

Лойиҳа доирасида минтақадаги давлатларда табиий ресурсларни комплекс бошқариш, яъни ердан самарали ва оқилона фойдаланиш, сув ресурсларини тежаш, тупроқ деградациясига қарши курашиш, иқлим ўзгаришига мослашиш каби соҳаларда барча манфатдор давлат ҳамда нодавлат ташкилотлари, илмий муассасалар, халқаро ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлик муносабатларини кенгайтириш, ўзаро билим, маълумот ва тажриба алмашиш каби тадбирлар амалга оширилади.

Шунингдек, лойиҳани амалга ошириш жараёнида Жиззах ва Қашқадарё вилоятларининг танлаб олинган туманларида тажриба-намоиш участкалари ташкил қилиш орқали иқлим ўзгариши, сув тақчиллиги ва ерларнинг шўрланиши шароитида деҳқончилик тизимини ташкил қилиш, ерга минимал ишлов бериш, экинлардан юқори ҳосил ва даромад олиш бўйича амалий тажрибалар ўтказилади.

Лойиҳани амалга ошириш жараёнида бир қатор турдаги қишлоқ хўжалиги техникалари, асбоб-ускуналар харид қилиниши, фермерлар учун ўқув қўлланмалари, тавсияномалар чоп этилиши кўзда тутилган.

О.НОРБЕКОВ.



ШИЖОАТЛИ ЁШЛАР — ҲАВЗА УСТУНИ

Ўтган йили ташкил топган Сирдарё-Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси (ИТХБ) зиммасига Жиззах вилоятидаги ирригация иншоотларини эксплуатация қилиш, улардан оқилона фойдаланиш, аввал қурилган тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш, янгиларини бунёд этиш каби қатор муҳим ва долзарб вазифалар юкланган.

Ҳавза тасарруфидаги жамоалар томонидан амалга ошириладиган ишлар кўлами тўғрисида тасаввур туғилиши учун битта мисол келтириш кифоя: 2018 йилда тизим вакиллари томонидан жами 100 миллиард сўмликдан ортиқ қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш-тиклаш ишларини бажариш кўзда тутилган. Воҳа ирригаторларидан, шунингдек, вегетациядан мавсумининг талаб даражасида ўтиши, экин майдонларини сув билан кафолатли таъминлаш, сув танқислиги салбий оқибатлари ва оби-ҳаётнинг ноўрин сарфланишининг олдини олиш борасида маълум юмушларни адо этиш ҳам талаб этилади.

Бугунги кунда ИТХБ таркибида ирригация ва мелиорация ишларига жалб қилинган кўплаб корхона ва ташкилотлар фаолият юритмоқда. Тизимда меҳнат қилаётган ишчи ва мутахассисларнинг умумий сони 3 минг 100 нафардан ошиб кетади. Эътиборли томони, ташкил топганига қисқа муддат бўлган навқирон бошқарма жамоаси аъзоларининг қарийб 80 фоизини ёшлар ташкил қилади. Иккиланмасдан ёшлар жамоаси, деб аташимиз мумкин бўлган тизимга раҳбарлик қилиш гарданига юкланган Шухрат Жўраев ҳам эндигина 35 ёшни қарши-

лади. Шунинг учун ҳам бошқарма бошлиғи билан бўлган суҳбатимизда мавзуни айнан жамоа аъзолари, биринчи навбатда, ёшларнинг самарали меҳнат қилиши, бўш вақтларини мазмунли ўташи учун яратилаётган шарт-шароитларга бурдик.

– Бу борадаги ишлар бошқарма касаба уюшмаси кўмитаси, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг жамоамиздаги ташкилоти ҳамкорлигида ташкил қилинмоқда, – дейди Шухрат Жўраев. – Улар билан келишилган ҳолда тузилган қўшма режа-дастурда тизимда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларнинг ўз вазифаларини бекаму-кўст бажариши учун барча имкониятларни яратиш кўзда тутилган. Ва албатта, бу борада кўп сонли ёшларимизнинг талаб ва таклифларини ҳисобга олишга интилганмиз.

Бошқарма бошлиғи сўзларига кўра, воҳа ирригаторлари, жумладан, соҳада меҳнат қилаётган ёшларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, улар томонидан кўтарилаётган турли ташаббусларга эътибор қаратиш кўзда тутилмоқда. Йил давомида тизим вакилларини уюшган ҳолда республикамизнинг турли диққатга сазовор ҳудудларига саёҳатларга юбориш, жамоалар орасида маданият ва спорт тадбирларини ташкил этиш, ёш, моддий кўмакка муҳтож оилаларни арзон уй-жойлар билан таъминлаш режалаштирилган.

– Еттита сув омборимиз мав-

жуд, – дейди сув омборларидан фойдаланиш бўлими бошлиғи Ғайрат Шодиев. – Ана шу ҳавзалар, шунингдек, бошқа сув иншоотлари, канал ва зовурлар атрофидаги бўш ётган ерлардан унумли фойдаланиш чораларини кўрдик. 2 гектардан ортиқ майдонни эгаллаган мўъжаз иссиқхоналарда цитрус экинларини парвариш қиялпмиз. Балиқчиликни ривожлантириш мақсадида ҳар бир сув омборига камида 30 тадан махсус қафаслар ўрнатилиб, балиқ чавоқлари ташланди.

Ўз сафига ғайратли, шижоаткор ёшларни жамлаган ИТХБ қошида апрель ойида ёрдамчи хўжалик ташкил қилинди. Биринчи навбатда сувчи жамоалар аъзоларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш, ундан кейин эса, давлатимиз раҳбари ва ҳукуматнинг экспорт борасидаги талабини бажариш мақсадида фаолият бошлаган янги тузилма сув ҳавзасига зарар қилмайдиган ҳудудларда писта, ловия, нўхат, қалампир каби экспортбоп экинларни етиштиришни зиммасига олди. Ҳозирча 40 гектар ерда дехқончилик қилаётган ёрдамчи хўжалик жамоаси шу мавсумнинг ўзида экин майдонини 150 гектарга етказиш ниятида...

Ўз муҳбиримиз.

Суратда: Сирдарё-Зарафшон ИТХБ бошлиғи Ш.Жўраев (чапдан биринчи), мутахассислар Ш.Худойбердиев ва Ш.Мамадиёровлар қафасларни кўздан кечиришмоқда.

ТЕЖАМКОРЛИК — БОШ ОМИЛ

Курраи заминимизнинг 71 фоизи сув билан қопланган бўлса-да, унинг асосий қисми шўр денгиз сувлари ҳисобланади, атиги 2 фоизи чучук сув захирасидир. Айни пайтда инсониятнинг учдан бир қисми сув ресурсларига мухтожликни бошдан кечирмоқда. Ота-бобола-римиз азалдан мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор беришган. Бугунги кунда ҳам мамлакатимизда бу борада эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Мавжуд сув иншоотлари, сув омборлари, каналлар, ариқлар таъмирланиб, янги-лари барпо этиляпти.

Истиқлол йилларида юртимизда атроф-муҳит муҳофазаси, табиий ресурслар, жумладан, сувдан оқилона фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, сув ресурсларидан унумли фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, сув ресурсларидан унумли фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, сув тежовчи технологиялар жорий этилган майдонлар ҳажмини янада кенгайтириш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Қашқадарё вилоятида ҳам сувдан самарали фойдаланиш борасида эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Вилоят деҳқонларнинг экин майдонларини сув билан таъминлашда, бу борадаги ишларни масъулият билан амалга оширишда воҳа сув хўжалигининг бош бўғини саналмиш Қарши магистрал каналидан фойдаланиш бошқармаси жамоасининг хизматлари айниқса катта.

Таъкидлаш жоизки, Қарши магистрал каналидан фойдаланиш бошқармаси Амударё сувини 7 кўтармали насос станциялар ва Таллимаржон сув омбори ва Насос станциялари ва энергетика бошқармасининг 55 та насос станциялари орқали ҳамда Ҳисорак, Чимқўрғон, Пачкамар сув омборлари сувини ҳудудий ирригация тизимлари бошқармаларига етказиб беради.

— Харажатларимизнинг асосий қисмини электр энергияси ташкил этади, — дейди бошқарма раҳбари, “Меҳнат шухрати” ордени соҳиби Илҳом Курбонов. — Чунончи, корхонада йилига ишлатиладиган 2100–2400 млрд. кВт соат электр энергияси республика истеъмолчининг ўртача 5 фоизини ташкил этади.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда барча объектлардаги лампалар энергиятежамкор лампаларга алмаштирилди. Конденсатор ва час-



тотани ўзгартирувчи қурилмалар ўрнатилгани ҳам электр энергиясини тежаш имконини бермоқда. Аксарият жойларда қуёш батареялари ўрнатилганлиги ҳам бу борада муҳим ўрин тутмоқда. 1-насос станциясига ўрнатилган янги русумдаги 3 дона насос агрегатлари ўзининг енгиллиги билан электр энергия тежалишига олиб келмоқда. 6-насос станциясининг КРУ-10 кВ хонасидаги мойлиқ ўчиргичлар вакуумли ўчиргичларга ўтказилгани ҳолда ҳар йили ўртача 1,2 минг литр трансформатор мойининг тежалишига шароит туғдирмоқда. Ўзан бош қисмига олиб келинган янги земснаряднинг ҳар бири йилига ўртача 0,5 млн. кВт.с ёки 25–30 фоиз электр энергия тежамоқда.

Инновацион лойиҳалар асосида 2, 3, 4, 5 ва 6-насос станцияларига ҳамда М-3-1, М-2-2 ҳудудий насос станцияларига ўрнатилган босимли сув эвазига ишлайдиган оқимли (струйный) насослари электр энергия ишлатмаслиги, насос-куч қисмларида носозликлар бўлмаслиги, йиғилган сувларни доимий тарзда тозалаб туриши

сабабли насос станция атрофлари доимий қуруқ ҳолда сақланади. Бу эса насосда ишловчи ишчиларнинг ишлашига енгилликлар яратади. 2, 3, 4, 5, 6-насос станцияларига ўрнатилган струйный насослар компенсатор остидаги йиғиладиган ва насос станциясининг зах тортишига сабаб бўладиган сувни доимий равишда каналга чиқариб ташлайди. Струйный насос ўрнатилгунга қадар компенсатор остидаги сизот сувлар К-200/125-330 русумли 37 кВт, 1500 айл/мин электродвигатель ўрнатилган насос орқали каналга чиқариб ташланар эди. Струйный насос ўрнатилиши натижасида бу насосларни ишлатишга эҳтиёж қолмади. Юқоридаги насос суткасига ўртача 5 соат ишлатилар эди. Бир донна струйный насос ўрнатилиши орқали битта насос станциясида йилига 67 минг кВт электр энергия ёки 15 млн. сўм, 5 та насос станциясида 75 млн. сўмдан ортиқроқ маблағ тежалди. Бундан ташқари М-2-2 ва М-3-1 насос станцияларига ўрнатилган струйный насослар дренаж сизот сувларини чиқариб ташлашга ёрдам бериши билан 1 суткада 176 кВт энергияни тежаб, йилига 28 млн. сўмдан ортиқроқ маблағ иқтисод қилинади.

Юқорида электр энергиясини тежаш учун қилинаётган барча ишлар мамлакатимизнинг бугунги кундаги энг муҳим ва қатъий талабларидан бири — электр энергиясини тежаш учундир. Бу йўлда келажакда ҳам ҳамкорларимиз билан инновацион лойиҳалар устида ишлаб, электр энергиясини тежаш йўлида мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти яхшиланиши учун фидоқорона меҳнат қилмоқдамиз.

Республикаимизда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш асосида экинлар ҳосилдорлигини ошириш ва ҳосил сифатини яхшилаш орқали аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, саноатни эса ҳомашё билан таъминлаш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги сув ресурсларининг асосий истеъмолчиси ҳисобланади. Шу боис экинларни парваришlashда сувни тежовчи суғориш технологияларни амалиётга кенг татбиқ этиш — давр талабидир.

Мирза ФАЙЗУЛЛО.

Суратда: (ўндан) Қарши магистрал каналдан фойдаланиш бошқармаси бўлим бошлиғи Ё. Мингбоев ва Таллимаржон сув омбори раҳбари Н. Муродов билан.

ҲАМЖИҲАТЛИК МАШАҚҚАТЛАРНИ ЕНГАДИ

Бу йил сув етарлича бўлармикан? Бу савол бугунги кунда фақатгина деҳқон ва фермерларнинггина эмас, ҳар бир сув истеъмолчисининг, ҳар бир хоразмликнинг дилидан кечиб тилига чиқадиган асосий муаммога айланди.

Маълумки, 2018 йил мавсумида қутилаётган сув танқислиги салбий таъсирини юмшатиш, суғориладиган ерларни сув билан кафолатли таъминлаш ҳамда мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг 2018 йил 2 февралдаги “2018 йил мавсумида экин майдонларини сув билан кафолатли таъминлаш ва сув танқислиги салбий оқибатларининг олдини олишга қаратилган кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинган эди.

Мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш мақсадида Хоразм вилояти ҳокимининг 2018 йил 8 февралда тегишли қарори қабул қилиниб, бу борада вилоятда 2018 йил мавсумида қутилаётган сув танқислигининг салбий таъсирини юмшатиш, ерларни сув билан кафолатли таъминлаш, мавжуд сувдан самарали фойдала-



ниш тадбирларини мувофиқлаштириш бўйича вилоят ҳокими бошчилигида 17 нафар кишидан иборат ишчи гуруҳи тузилди ва суғориладиган ерларни сув билан кафолатли таъминлашда мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Бу борада Хоразм вилояти Амударёчапқиргоқ ирригация тизимлари ҳавза бошқармасида 2018 йил мавсумида экин майдонларини сув билан кафолатли таъминлаш ва сув танқислиги салбий оқибатларининг олдини олишга қаратилган тадбирлар белгилаб олинди.

2018 йил мавсумида қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун сув истеъмолчиларига бериладиган чекланган сув ҳажмлари белгилаб берилди ва чекланган сув ҳажмларини ҳар бир суғориш тармоғи, сув истеъмолчилари ва фермер хўжаликлари бўйича тақсимланиб тегишли шартномалар расмийлаштирилди.

Бундан ташқари сув хўжалиги ташкилотларининг эксплуатация маблағлари ҳисобидан 155,7 км узунликдаги хўжаликлараро каналларни лойқадан тозалаш ва 117,2 м³ бетон ишлари, 89 дона шитларни ва 40 дона

сув иншоотларини ва давлат тасарруфидаги 70 дона насос агрегатини таъмирлаш кўзда тутилиб, ҳозирга қадар тўла-тўқис бажарилди.

Шунингдек, 2457,1 км узунликдаги хўжалик ички суғориш тармоқлари лойқадан тозаланиб, 42 дона гидротехника иншоотлари, фермер хўжаликларининг 304 дона сув олиш қулоқлари таъмирланди.

Сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш бўйича “Ўзмелиомашлизинг” ДУК томонидан 50 дона кўчма эгиловчан қувурлар комплекти лизинг асосида фермер хўжаликларига етказиб берилди.

Бундан ташқари эксплуатация маблағлари ҳисобидан коллектор-дренаж тармоқларидан қўшимча сув олиш учун 63 дона кўчма дизель насос агрегатлари харид қилинди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, муаммонинг ечимини топишга астойдил ҳаракат қилаётган хоразмлик мироблар бу йилги ҳосилдорликка пухта замин яратиш йўлида шижоат билан меҳнат қилмоқдалар. Урганч туман Ирригация бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи Зериббой Норметов ҳамроҳлигида шу ҳудудда жойлашган “Дўстлик”, “Дўрмон” каналлари бўйлаб борар эканмиз, сув танқислигини бартараф этиш учун имконият излаётган Бахтиёр Оллабергенов раҳбарлигидаги “Дўрмон олтин толаси” фермер хўжалиги аъзолари томонидан амалга оширилаётган ишларга гувоҳ бўлдик. Улар бу ерда 15 гектар яшнаб турган буғдойзорларга сув чиқариш учун кичик ҳажмдаги насосдан фойдаланишмоқда.

— Бу йил экинларимизга сув етарли берилармикан? — далада тер тўкиб ишлаётган ҳамроҳларига шу саволни бераркан, хўжалик раҳбари юзидаги терни артиб, олис олисларга назар ташлади. Унинг нигоҳи кун ботиш тарафда кўринган булутларга қадалган эди.

Йўлимизда яна давом этамиз. Аҳоли ҳам кичик сув насослари билан томорқа хўжалигини суғормоқда. “Дўрмон” каналида иш олиб бораётган экскаваторчи Равшанбек Собиров эса кунлик, ойлик режа ва топшириқларини ошиғи билан удалаб, қазув ишларини олиб бормоқда.

Демак, Хоразм деҳқони ҳам, сувчи-миробни ҳам омилкорлик билан иш юритиб табиат инжиқликлари, инчунин сув тақчиллигини бартараф этиш, обиҳаётнинг ҳар қатрасидан унумли фойдаланиш чораларини кўрмоқда. Уларнинг мақсади битта — бу йил ҳам барча экинлардан кўзланган ҳосилни етиштириш, белгиланган шартномавий режаларни ошиғи билан удалашга қаратилган. Бу жараёнда деҳқон ва мироблар ҳамжиҳатлиги машаққатларни енгиб ўтишда асосий омилдир.

Ш. ЖАББАРОВА,
ўз мухбиримиз.

Суратда: Сув танқислиги муаммосини бартараф этиш ишлари олиб борилмоқда.

ОБИ-ҲАЁТ ЗАРГАРЛАРИ

Сув – ҳаёт манбаи. Лекин ундан тўғри ва унумли фойдаланилмаса исрофгарчилик рўй беради, экинлардан мўл ва сифатли ҳосил олиш йўлидаги барча уринишлар зое кетади, бу эса пировардида озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосини келтириб чиқаради. Бунда, албатта, жойлардаги сув омборлари, платина, насос станциялари, гидроузель ва бошқа гидроиншоотлар хавфсизлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунга эътибор бермаслик нохуш ҳолатларга олиб келади: у ёки бу объектнинг носозлиги оқибатида сув тошқини рўй бериши мумкин.

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, коллектор-дренажларни таъмирлаш-тиклаш ишларига асосий эътибор қаратаётганининг замирида жуда катта ҳаётбахш маъно-мазмун мужассам. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги қатор меҳнат жамоалари фаолият кўрсатмоқда.

Хусусан, “Термиздавсуммахсус-



Бульдозерчилар Жўра Чоршанбиев ва Шоди Худоёров.

пудрат” давлат унитар корхонаси Сурхондарё вилояти суғориладиган майдонларнинг унумдорлигини ошириш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш, мелиорация ва сув хўжалиги тармоқларини қуриш, таъмирлаш ишларини бажаришда ибратли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Корхонада ирригация-мелиорация ишларини бажариш фаолиятини амалга ошириш учун керакли барча бино-иншоотлар, ишлаб чиқариш цехлари, транспорт ва техникалар, коммуникация тизимлари ҳамда ишчи кучлари мавжуд. Жумладан, 11 дона турли маркадаги занжирли ва гилдиракли экскаваторлар, 3 дона бульдозерлар, 2 дона автосамосваллар, 1 дона автокран, 1

дона юклагич, юк транспорт воситалари, пайвандлаш агрегатлари, дала вагонлари, таъмирлаш цехи, дурадгорлик устахоналари, темирчилик цехлари, омборхоналар ва ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари билан таъминлаш шохобчалари мавжуд.

Бугунги кунда корхонанинг жами ишловчилари сони 50 нафарни ташкил қилиб, шундан бошқарув-идора ходимлари 11 кишидан иборат. “Термиздавсум-

махсуспудрат” давлат унитар корхонаси 2017 йилда таъмирлаш-тиклаш ва реконструкция объектлари ҳамда сув хўжалигига тегишли объектлардан 8,9 млрд. сўмдан кўпроқ иш бажарган бўлиб, жорий йилда корхона томонидан бажариладиган қурилиш-монтаж ишларининг йиллик миқдори 11875065,7 минг сўмни ташкил этиб, яна 8,0 млрд. сўмлик қўшимча ишларни тендер асосида ютиш режалаштирилган.

– Ҳозирги кунда жамоамиз Термиз туманидаги Янгиариқ ва Термиз каналлари бош сув олиш иншоотини барпо этиш билан биргаликда сув йўналтирувчи дамба қуриш ишларини амалга оширмоқда, – дейди корхона раҳбари Омон Ражабов. – Шунингдек, Мангузар массивидан Термиз шаҳрининг Нурли йўл кўчасигача бўлган ораликдаги Термиз канали ирмоғи қурилиши жадал олиб борилмоқда. Термиз дарё портини Амударёнинг тошқин сувларидан ҳимоя қилиш ишла-



Корхона директори Омон Ражабов.

рида сифатни бош мезон билиб бажараётганлигимиз ҳисобига буюртмачиларнинг эътирофига сазовор бўлмоқдамиз.

Шунингдек, корхона жамоаси Жарқўрғон туманидаги “Сурхон” каналини, хўжаликлараро “Меҳнат – роҳат-2” коллекторини иншоотлари билан реконструкция қилиш ва қуриш ҳамда Қизириқ туманидаги К-5-1, К-7-1, К-4-9, Музработ туманидаги хўжаликлараро К-6, К-2-7-1-4 ҳамда Шеробод туманидаги К-10а ва хўжаликлараро ВСК-14 коллекторларидаги кенг қамровли ирригация ишларини сифатли бажаришга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Корхона бош муҳандиси Чоршанби Номозовнинг таъкидлашича, иш унумдорлигининг юқори бўлиши аввало корхонада инсон омилининг мукамал шаклланганлигидадир. Шу боис, уларнинг меҳнатга муносабати юқори даражада.

Экскаваторчилар – Муҳиддин Қиличев, Аллаёр Аллабердиев, Сафар Чоршанбиев, Завқиддин Менглиев, бульдозерчилар – Шоди Худоёров, Ашур Холияров, кўтарма кран ҳайдовчилари – Жўра Чоршанбиев, Раҳим Баротов, юк ташиш техникаси ҳайдовчилари – Фахриддин Қиличев, Фазлиддин Авазов сингари тажрибали механизаторларнинг кўрсатаётган хизматлари мақтовга сазовордир.

Таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалик экинларини суғориш даврини ғанимат билиб, тунукун фидокорона меҳнат қилаётган сурхондарёлик ирригатор ва мелиораторлар, хусусан, “Термиздавсуммахсуспудрат” давлат унитар корхонасининг матонатли сувчи-заргарлари воҳа тупроқлари унумдорлигини доимий равишда ошириш, оби-ҳаётнинг ҳар томчисидан самарали фойдаланишга интиломқдалар.

Ф.МИРЗО.

ТАДБИРКОР ВА ОЛИМ ҲАМКОРЛИГИ

Шерзоджон Ангрэн давлат педагогика институтини тамомлагач, унда фақат ўқитувчилик қилиш билан чекланиб қолмасдан таълим олишни давом эттириш истаги пайдо бўлди. Яхши селекционер олим бўлиш учун магистратурада ҳам ўқиш лозим. У ҳужжатларини Қўқон давлат педагогика институтининг магистратурасига топширди. Имтиҳонларни муваффақиятли топшириб, магистратурага қабул қилинди. 2017 йилга қадар турли хил қишлоқ хўжалиги ўсимликлари устида тажрибалар ўтказиб, малакасини ошириб борди.

Шу йил эрта баҳорда кўнглига тугиб қўйган режаларини амалга ошириш юзасидан маслаҳатлашиш учун Чуст тумани ҳоқими Баҳодир Охуновнинг қабулига кириб, режаларини бирма-бир тушунтирди. Ҳоқим унинг гапларини диққат билан тинглаб, қўллаб-қувватлашни билдирди.

– Бу режани амалга ошириш учун катта маблағ талаб қилинади, – деди у. – Ҳозир сиз билан туманимизнинг илғор тадбиркори Содиқжон Ҳасановни таништираман. Маслаҳатлашамиз. Фикрларингиз уни ҳам қизиқтириб қолса, сармоя ажратиши аниқ. У киши



бундан уч йил аввал “Барака мева саноат сервис” масъулияти чекланган жамиятни ташкил қилиб, ҳозирда Италия, Туркия, Хитой ва Россия давлатларига ўзимизда етиштирилган майиз, ковул, грек ёнғоғи мағзини экспорт қилиш билан шуғулланмоқда...

Шерзоджон Тошпўлатовнинг таклифи тадбиркорни ҳам қизиқтириб қолди. 2,20 гектар майдонга замонавий иссиқхона қуришга келишиб олишди. Шу тариқа тадбиркор ва олим ҳамкорлиги йўлга қўйилди. Бугунги кунда “Барака мева саноат сервис” масъулияти чекланган жамиятининг умумий ер майдони 308 гектарни ташкил этади. Бу майдонларда серҳосил ёнғоқ кўчатлари, ғалла, кунгабоқар, ловия, уруғлик учун картошка, маккажўхори ва бошқа экинлар парваришланмоқда.

Биз Шерзоджоннинг тажрибалари билан танишиш истагида туман қишлоқ хўжалиги бўлими мутахассиси Абдоржон Раҳматуллаев билан иссиқхонада бўлдик.

– Бизнинг иссиқхонамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари уруғчилиги бўйича тажрибалар ўтказилди, – дея сўз бошлади Шерзоджон Тошпўлатов. – Иссиқхонамиз энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган. Биринчи бўлмада интенсив грек ёнғоғи кўчатлари етиштирилади. 120 метр квадрат жойда

40000 туп кўчатлар парвариш қилинмоқда. Иккинчи бўлмада эса аэропоника усулида уруғлик картошка етиштирилади. Бошқа бўлмаларда помидор ва бодринг кўчатлари парваришланяпти.

Республикамизда аэропоника усулидан фойдаланилаётганлиги ҳақида эндигина эшитаётганимиз сабабли у ҳақида кўпроқ маълумот олишга қизиқдик.

– Аэропоника усулидан фойдаланишни атрофлича ўрганиш учун раҳбаримиз Содиқжон ака Россияда бўлиб қайтдилар, – дейди Ш.Тошпўлатов. – Афсуски, зарур ускуналарни харид қилишнинг иложи бўлмади. Шунинг учун барча ускуналарни ўзимиз ясашимизга тўғри келди. Картошканинг “Санта” нави уруғлигини ости тешик, кичик қопчаларга жойлаштириб эдик.

Кўчатларнинг остидан ўртача ҳар икки соатда тўйинтирилган сув пуркалади. Албатта, маълум муддат оралиғида устидан ҳам суспензия сепиб турилади. Аста-секин картошкаларнинг томири ўсишда давом этади ва тугунақлар ҳосил бўлиб, уруғлик картошкалар кўз ўнгингизда ривожланиб боради. Бир туп оддий картошка кўчатида ўртача 8–10 дона ҳосил етиштирилса, аэропоника усулида етиштирилганда 30–40 дона картошка олинади. Бу усулнинг самарадорлиги одатдагидан 30–40 баробар юқоридир. Яна бир афзаллиги шундаки, картошкани туганагидан эмас, балки уни шохидан ҳам кўпайтирса бўлади. Ҳозирда деҳқонларимиз шолани кўчатидан қандай қилиб етиштираётган бўлса, келгусида картошкани ҳам шу тариқа парваришлашни мақсад қилганмиз.

Давлатимиз раҳбари яқинда жамиятимизга ташриф буюриб, фаолиятимиз билан яқиндан танишдилар ва бизнинг ташаббусимизни қўллаб-қувватладилар. У кишининг таклифлари билан бизга яна 371 гектар ер ажратиладиган бўлди. Республикамиз деҳқонлари учун уруғлик картошка етказиб беришни янада кенгайтиришимиз зарурлигини таъкидладилар. Юртбошимизнинг бу ташаббуслари бизга янги куч-ғайрат бахш этди. Ҳозирда ковул ўсимлиги кўчатларини етиштириш устида ҳам иш олиб бораёلمиз. Маълумки, бу ўсимлик одатда ёввойи ҳолда ўсади. Унинг гули, меваси, илдири ва баргидан тайёрланган дамламалар турли хасталикларни даволашда, юрак, тиш ва бош оғриқларини қолдиришда фойдаланилади. Агар 1 гектар майдонга 20000 туп ковул кўчати экилса, сувсиз ерлардан ҳам 15–20 йил мобайнида мисли кўрилмаган даромад олиш имкони пайдо бўлади.

“Барака мева саноат сервис” масъулияти чекланган жамияти аъзоларининг режалари янада улкан. Ахир ернинг ҳар бир қаричи бўш турмаслиги лозим. Бу ерларда серҳосил, экспортбоп маҳсулотлар унмоғи ва яратилмоғи лозим. Зеро, интилган мақсадига етмоғи тайин. Фақат қалбида журъат сўнмаса бўлгани...

К.ЭРГАШЕВ,
ўз мухбиримиз.

Суратда: чапдан Шерзоджон Тошпўлатов, туман ҳоқимлиги мутахассислари Абдоржон Раҳматуллаев ва Турдимат Ҳайдаровлар уруғлик кўчатларни кўздан кечиришмоқда.

НОРИНЛИК УСТА МИРИШКОР

Норин тумани аҳолиси азалдан деҳқончилик ва боғдорчилик билан машғул бўлиб келганликлари сабабли вилоятда миришкор деҳқон ва уста боғбон сифатида танилган. Тумanning қай гўшасига йўлингиз тушмасин, албатта, меҳр билан парваришланаётган экин майдонларига кўзингиз тушади. Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, олиб борилаётган ислохотлар жараёни, йирик лойиҳалар билан танишиш ва халқ билан мулоқот қилиш мақсадида жорий йилнинг 2–3 май кунлари Наманган вилоятида бўлган чоғида Норин тумани қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ишлар билан бевосита танишиб, қишлоқ меҳнаткашлари билан дилдан суҳбатлашганлиги туман аҳли юрагида алоҳида ғурур уйғотди.



– Тўғриси, Президентимизни хўжалигимиз далаларида, дала шийпонида кўриш, у киши билан юзма-юз суҳбатлашиш бахтига муяссар бўлишни ҳаёлимга ҳам келтирмаган эдим, – дейди “Беш сада” фермер хўжалиги раҳбари Долимжон Шарифов. – Мана, орадан бир неча ҳафта ўтса ҳамки, ҳамон кўтаринки кайфият, шижоат мени тарк этгани йўқ. Мен ва хўжалигимиз аъзолари ушбу учрашувдан ўзгача завқ олдик, кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшилди.

“Беш сада” фермер хўжалиги 2004 йил ташкил этилган. Хўжаликнинг 48 гектар экин майдони бўлиб, жорий йилда шунинг 27 гектарида ғалла, 21 гектарда ғўза парваришланмоқда. Хўжаликнинг 33 нафардан ибрат доимий ишчилари экинлар парваришида амалга ошириладиган барча агротехника тадбирларини ўз вақтида маромига етказиб бажаришмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ходимлари кунини муносабати билан 2017 йил 9 декабрь кунини пойтахтимизда ўтказилган тантанали тадбирда сўзлаган нутқида пахта майдонларида ҳосилдорликни ошириш ва ердан самарали фойдаланиш мақсадида чигитни “қўшқатор” ва “олтмишлик” схемаси асосида экишни

йўлга қўйиш ва самарасиз бўлган “тўқсонлик” схемадан босқичма-босқич воз кечиш кераклигини таъкидлаган эди. Бугун вилоятдаги фермер хўжаликлари мазкур кўрсатмалар асосида ғўза парваришини замонавий технологиялар асосида йўлга қўйган.

“Беш сада” фермер хўжалиги ҳам ғўзани “қўшқатор” схемаси асосида экишни жорий этди. Бунинг натижасида 1 гектар ерга қўшимча 35 минг донга чигит қадалиб, ҳосилдорликни 40 центнергача ошириш имкони пайдо бўлди.

– Биз билан суҳбатда Президентимиз мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ҳақида атрофлича сўз юритар экан, таълим, соғлиқни сақлаш, айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳаларида қилинадиган ишлар кўплигини таъкидлади, – дейди фермер. – Хўжалигимиз аъзолари ҳам шуни қалбан ҳис этган ҳолда астойдил меҳнат қилишмоқда. Давлатга ғалла майдонларимизнинг ҳар гектаридан 34 центнердан дон сотиш бўйича шартнома имзолаган бўлсакда, ҳосилдорликни 75–80 центнерга етказишни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Пахта майдонларимизга ғўзанинг минтақамиз тупроқ-иқлим шароитига мос “Андижон-35” навини экканмиз. Зарур агротехник тадбир-

ларни ўз вақтида амалга ошириб, минерал ва маҳаллий ўғитлар билан озиқлантириш ишларини амалга оширяпмиз. Ғўзаларимиз ҳолати чакки эмас. Мақсадимиз ҳар гектаридан шартномавий режадаги 31 центнер ўрнига 40–42 центнердан ҳосил олиш.

Экинлар парваришида агротехника тадбирларини мақбул муддатларда ва сифатли амалга оширишда сувчилар – Козимжон Қосимов, Ортиқмирза Шарифов, механизаторлар – ака-ука Номонжон ва Рустамжон Шарифовларнинг ҳиссалари катта бўлмоқда.

Хўжалик аъзолари пахта ва ғалла етиштириш билангина чекланиб қолмасдан, қўшимча тармоқларни йўлга қўйишни режалаштирмоқда. Шу мақсадда банкдан кредит олиб, хориждан 30 бош насли қорамол харид қилиб, чорвачиликни йўлга қўйишга тадбир кўрилмоқда.

Халқимиз бежиз изланган – имкон топар, демайди. Ушбу пурмаъно нақлни шиор қилиб олган “Беш сада” фермер хўжалиги жамоаси қўшимча тармоқни йўлга қўйиш орқали хўжалик даромадини оширишга мустаҳкам замин ҳозирлашмоқда.

Э.КАРИМОВ

Суратда: “Беш сада” фермер хўжалиги раҳбари Долимжон Шарифов.

БАНАН ЎЗБЕКИСТОНДА ҲАМ ЕТИШТИРИЛАДИ

Кейинги йиллар давомида юртимизда ҳам цитрус ўсимликларни етиштириш ва ички ҳамда ташқи бозорда унинг ҳажмини ошириш борасида кўплаб ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Андижон вилоятидаги “Сабо ҳамкор” МЧЖ корхонаси иссиқхона раҳбари Муҳаммаджон Дадажонов билан суҳбатимиз шу хусусда кечди.

– **Муҳаммаджон, сиз раҳбарлик қилаётган “Сабо ҳамкор” МЧЖ корхонаси Юртбошимиз ва халқимиз эътиборини тортди. Чунки сизлар Ўрта Осиёда биринчилардан бўлиб банан плантациясини яратдинглар. Суҳбатимизни корхона тарихидан бошласак.**

– Корхонамизга 2013 йил ака-ука Ойбек ва Отабек Саидовлар асос солишган. Ўша пайтларда асосан иситиш қозонлари ишлаб чиқарар эдик. Кейинчалик биогаз ишлаб чиқариш ускуналари ва ичимлик сувини тозалаш ускуналари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик.

– **Корхонангиз асосан ишлаб чиқариш билан шуғулланар экан, бананчилик мутлақо бошқа соҳа.**

Нима сабабдан айнан банан етиштиришни йўлга қўйишга қарор қилдинглар?

– Юртимиз бозорларида асосан чет давлатларда етиштирилган бананлар сотилади. Бу юртимиздан жуда катта маблағ четга чиқиб кетаётганини билдиради. 2017 йил корхонамиз раҳбарияти йиғилишиб, замонавий иссиқхона қурилиши учун туман хокимлигидан 5 гектар экин майдони ажратиб берилишини сўраб ариза бердик ва Туркия давлатига ушбу соҳани мукамал ўрганиб келиши учун мутахассис жўнатдик. Маълум вақт оралиғида ажратилган майдонга 2 гектар банан, 1 гектар помидор етиштириш учун иссиқхоналар қурдик. Мутахассисимиз Туркиядан банан кўчатларини келтириб ўтқазди.

– **Бананни жуда инжиқ ўсимлик дейишади...**

– Гапингизда жон бор. Бу ўсимликка қуёш нури зарур эмас. Сабаби, у ўз ватанида ҳам баланд дарахлар остида ўсади. Унга 14–20 да-

ража иссиқлик ва 70–80 фоиз намлик бўлса бўлди. 6–7 ойда ҳосилга киради. Йилига бир туп кўчатдан ўртача 35–45 килогача ҳосил олинади. 5–6 йилда кесиб ташланади. Тагидан яна ўсиб чиқиб, 6–7 ойда ҳосилга киради. Агар иссиқлик 10 даражадан тушиб кетса яшовчанлиги йўқолади, натижада яна тагидан ўсиб чиқишини кутишга тўғри ке-



лади. Мабодо исиб кетса олган ҳосилини ташлаб юборади. Шунинг учун бу ўсимликнинг яшаши учун барча шароитни муҳайё қилиб беришни замонавий компьютерларга юклаганмиз. Компютер 3 хил усулда маълум вақт оралиғида суғоради. Яъни остидан томирларига томчилаб, ёнидан тана ва баргларига шамол йўналиши бўйлаб ва юқоридан ёмғир шаклида. Ушбу системамиз кўчатларни озиклантириш билан бирга иссиқхона ичидаги ҳаво мўътадиллигини ҳам назорат қилади. Ташқарида шамол турса, тезлик билан тирқишларни беркитади.

– **Иссиқхонанинг ишга тушиши албатта қишлоқ ёшларининг ҳам доимий иш билан банд бўлишлари учун замин бўлиб хизмат қилган бўлса керак?**

– Албатта, корхонамизда 137 нафар ишчи меҳнат қилади. Шундан 45 нафар ёшлар иссиқхонада ишлашади. Уларнинг намунали ҳордиқ чиқаришлари учун хоналар

ташқил қилинган, кунига икки маҳал қозонимиз қайнайди. Олган маҳсулотлари ҳам бажарган ишларига қараб бошқа корхоналарга нисбатан анча яхши.

– **Помидор етиштиришда ҳам замонамизнинг илғор технологияларидан фойдаланган экансизлар?**

– 2 гектар иссиқхонада гидропоник усулда помидор маҳсулотлари етиштирамиз. Иссиқхонамиз Голландия технологиялари асосида жиҳозланган. Помидор кўчатларига сув ва озукани ўз вақтида беришни компьютерлар бажаради. Кўчатларнинг ости, яъни тупроқ қотиб қолмаслиги учун биз тупроқ ўрнида

кокос ёнғоғи пўстлоқларидан фойдаланганмиз. Биз етиштирган помидор маҳсулотлари чет элларга экспорт қилиш учун жуда қулай. Сабаби ранги тўқ қизил, катталиги талабга жавоб бериши билан бирга 10–15 кун ўз ҳолатини йўқотмайди, яъни эзилиб кетмайди.

– **Корхона раҳбарияти республикамизнинг дехқон, фермер ва тадбиркорларига таклиф билан мурожаат қилишган экан?**

– Биз ушбу ишларимиз кўламини янада кенгайтиришни режалаштирганмиз. Яъни республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам мана шундай иссиқхоналар қуриш, ишга тушириш ва агрономлик хизматлари орқали Андижон тажрибасини таклиф қилиб чиққанмиз. Ҳозирги кунда Тошкент вилоятида иш бошлаш арафасидамиз. Бунинг учун барча хизматлар шартнома асосида амалга оширилади. Бундан ташқари, аҳоли ва тадбиркорлар учун ақлли иситиш қозонлари ва чорвадорлар учун маҳаллий ўғитдан биогаз олиш ускуналарини ҳам олиб бориб, ўрнатиб беряпмиз.

– **Муҳаммаджон, келгуси ишларингизга ривож, барча эзгу тилақларингиз амалга ошишини тилаймиз. Мароқли суҳбатингиз учун раҳмат.**

Суҳбатдош:
К.ҲАЙИТБОЕВ,
ўз мухбиригимиз.

ҲАМЖИҲАТЛИК БАРАКА КЕЛТИРАР

Фарғона вилоятининг Бағдод туманида вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари Одилжон Ҳожиматов ва туман ҳокими Саиджон Зокиров бошчилигида фермер хўжаликлари раҳбарлари учун "Ўза кўчатлари беҳато ривожланишида агротехник тадбирларнинг ўрни" мавзусида семинар ташкил этилди. Унда туман экин майдонлари мелиоратив ҳолатидан келиб чиқиб ўза кўчатларини парваришлаш, зах сув сатҳи юқори бўлган майдонларда парваришланаётган ўза кўчатларига қишлоқ хўжалик техникалари ёрдамида қисқа муддатда ишлов бериш масалалари муҳокама қилинди.



Шунингдек, мутахассислар ва малакали деҳқонлар томонидан кўчатларнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган ерости ис газларини чиқариб юбориш сир-асрорлари семинар қатнашчиларига ҳар томонлама тушунтириб берилди.

– Туманимиз экин майдонларининг талайгина қисми Марказий Фарғона чўли ҳудудида жойлашган, – дейди туман ҳокимининг қишлоқ хўжалиги бўйича ўринбосари Орифжон Ҳалимов. – Бу ҳудудларда экилган кўчатларга ўз вақтида ишлов берилмаса, кўчатлар нимжон ва касалликка чидамсиз бўлиб қолади. Шунинг учун туман ҳокимлиги мутахассислар билан биргаликда фермер хўжаликлари раҳбарлари ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориб, уларни қийнаётган муаммоларни қисқа вақт ичида бартараф этишда амалий ёрдам бериб келяпмиз. Туманимизда 283 та фермер хўжалиги бўлиб, 13500 гектар ерда пахта ва ғалла етиштирилмоқда. Хўжаликларнинг 11 таси кўптармоқли, жорий йилда улар сони янада кўпайиши кутиляпти. Ҳалладан бўшаган майдонларда етиштирилаётган маҳсулотлар учун туманимиздаги “Аромати Богдод”, “Корн броус” агрофирмалари ҳамда яққа тадбиркор Аҳмадали Ботиров билан шартномалар тузиляпти. Мақсадимиз хўжаликлар даромади ошиши баробарида, улар таркибида қўшимча соҳаларни ташкил этиш.

“Собиржон Самарқанд” фермер хўжалиги ўз фаолиятини бошлаганига ҳали кўп вақт бўлган

ни йўқ. Лекин шу қисқа фурсатда хўжалик туманимизда танилиб улгурди.

– 2015 йили 28,8 гектар экин майдонда иш бошлаганмиз, – дейди хўжалик раҳбари Собиржон Тешабоев. – Узоқ йиллар Фарғона қурилиш ташкилотига кранчи ва тракторчи бўлиб ишладим. Онам Ўғилча Тешабоева собиқ ширкат хўжалигида 45 йил ишчи бўлган. Болалигимдан менинг ҳам ерга меҳрим бўлакча эди. Хўжалигимизда 13 нафар доимий ишчи бор. Мен асосий эътиборни уларнинг иш шароитини яхшилашга қаратаман. Дала шийпонимиз доимо улар ихтиёрида. Ишчиларга кунига икки маҳал иссиқ овқат берамиз. Ойлик маошларини ўз вақтида олишади. Оилада тинчлик, хотиржамлик ва тўқинлик бўлса, ишда унум, барака бўлади. Механизаторимиз Шукрулло Сотволдиев ва бош сувчимиз Давлатжон Ҳусанов доимо ёшларга бош бўлиб, уларга ўз касблари сир-асрорларини ўргатиб келишяпти. Катталар маслаҳатига амал қилиб, аҳиллик билан меҳнат қилган жамоа ҳеч қачон кам бўлмайди. Шунинг учун ҳам хўжалигимиз ташкил этилгандан буён пахта ва ғалла етиштириш режасини ортиги билан адо этиб келяпмиз. Жорий йилда 15,8 гектар ерга ғалланинг “Яксарт” навини экканмиз. Давлатга сотиш режаси 35 центнер этиб белгиланган бўлса-да, биз 60 центнерлик маррани кўзлаб турибмиз. Ҳалла бошоқлари бўлиқлиги мақсадимизга яқин кунларда эришишимиздан дарак бериб турибди. 13

гектар экин майдонига пахтанинг Наманган-77 навини экдик. Давлатга сотиш режамиз ҳар гектаридан 35,6 центнер этиб белгиланган. 2017 йилда 40 центнердан ошириб ҳосил олганмиз. Жорий йил ҳосилдорликни 45 центнерга етказишни мақсад қилганмиз. Ушбу режаларимизни амалга оширишда бугунги семинарнинг ўрни катта.

Ҳосил кўчатдан чиқади. Кўчатлар сонининг меъёрдан камайиб кетмаслигига эътибор қаратиш керак, шунингдек, эгатларга алоҳида ишлов бериб, кўчатларни сақлаган ҳолда унинг четида полиз экинлари етиштириш зарур. Бу билан хўжалик даромадига даромад кўшилади. Давлатимиз томонидан фермер хўжаликлари кўп тармоқлиликка айлантириш, хўжаликлар негизида қўшимча соҳалар ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бизнинг экин майдонларимиз сув сатҳи юқори бўлган ҳудудда жойлашганлиги сабабли хўжалигимизда ўрдақчиликни ривожлантиришни йўлга қўймоқчимиз. Мақсадимиз юртимиз бозорларига сифатли гўшт маҳсулоти етиштириб бериш орқали қўшимча бўш ишчи ўринлари яратиш.

“Яхши ният – ярим давлат”, дейишади. Биз Собиржон ака Тешабоевнинг яхши ниятлари, албатта ижобат бўлишини тилаб қоламиз.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: фермер Собиржон Тешабоев.

ИШ ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИДАН БОШЛАНАДИ

“Жарқўрғон тажриба” фермер хўжалигини нафақат Жарқўрғон туманида, балки Сурхондарё вилоятида ҳам яхши билишади. Бунинг боиси, хўжалиқда пахта ва ғалланинг уруғлик навлари етиштирилади.

– Тошкент давлат университетининг Иқтисод факультетини тугатиб, қисқа муддат банк соҳасида ишладим, – дейди хўжалик раҳбари Шокиржон Исмоилов. – Деҳқон оласида вояга етганман. Падари бузрукворим Собиржон ота, волидам Маликаҳон ая бир умр далада меҳнат қилган. Шу туфайли бўлса керак, менда фермерликка бўлган қизиқиш устунлик қилди. 2006 йилда ҳеч иккинланмай эл-юрт тўқинлигига муносиб ҳисса қўшиш мақсадида “Жарқўрғон тажриба” фермер хўжалигини ташкил қилдим. Шундан буён хўжалиқни замон талабларига мос равишда ривожлантириш йўлида меҳнат қилиб келяпман.

Ўтган йили хўжалик миришкорлари уруғлик учун 42 гектар майдонга буғдойнинг “Селянка” навининг супер элита уруғидан экиб, гектаридан 70 центнердан хирмон кўтардилар. Давлатга сифатли уруғлик дон сотиш режаси 120 фоизга бажарилди. 38 гектар майдонга ғўзанинг “Бухоро-102” нави элита уруғидан экиб, ҳар гектар ердан 45 центнердан ҳосил олинди. Йиллик режа эса 110 фоизга уддаланди. Хўжалиқни кўп тармоқликка айлантириш бўйича изчил амалга оширилаётган тадбирлар самараси туфайли чорвачилик, баллиқчилик ва боғдорчилик барқарор тармоққа айланади. Мазкур соҳаларни ривожлантириш заминида қайта ишлаш корхоналари фаолият кўрсата бошлайди.

Жорий йилда хўжалик деҳқонлари 18 гектар майдондаги уруғлик учун экилган буғдойнинг “Полавчанка” навини агротехника қоидалари асосида парвариш қилмоқдалар. Уруғлик учун 62,5 гектар ерга экилган ғўзанинг “Бухоро-102” нави ниҳолларининг ҳам авжи баланд.

Фермер ўз хўжалиги қошида қатор хизмат турларини жорий этиш ниятида. Айниқса, дастлабки қадамлар қўйилган агрохизмат марказида ўсимликларни касаллик, зараркунанда ва бегона ўтларга қарши, шунингдек, юқори даражада ўсиши ва ри-

вожланишини таъминлашда биологик воситалардан фойдаланишга кенг кўламда эътибор қаратилиб, уларнинг айрим турларини шу жойнинг ўзида ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

– Худудда табиий мувозанатни шакллантирмасдан, тупроқда мукамал микроорганизмлар мажмуасини яратмасдан туриб, салмоқли ва сифатли ҳосил олиш мумкин эмас, – дейди Шокиржон. – Шу боис, хўжалиқда тупроқнинг табиий унумдорлигини ошириш бўйича илмий-амалий ишларни жорий этмоқдамиз. Ноанъанавий рудаларни қўллаш бўйича, тупроқ-иқлим шароитдан келиб чиққан ҳолда изланишлар олиб бораяпмиз. Бу борада, албатта, соҳанинг билимдонлари, олимлар билан ҳамкорлик ўрнатганмиз.



Суратда: фермер Шокиржон Исмоилов (ўнгда) туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи ўринбосари Баҳром Усанов билан

Хўжалиқда йиллар давомида тажрибадан ўтган ғалла-пахта навбатлаб экиш тизими йўлга қўйилган. Бошоқли экинлардан бўшаган майдонларда тупроқнинг физик-кимёвий хоссаларини яхшилаш мақсадида дуккакли-дон экинлари, кўкат ўғитлари экиш, шунингдек, хорихдан келтирилган тупроқ унумдорлигини кўтаришга наф берадиган ва юқори даромад манбаи ҳисобланган экинларни экиш бўйича ҳам изланишлар олиб борилаяпти. Натижада хўжалик ерларининг қуввати ошиб, мўл ва ишончли ҳосил етиштиришга замин яратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябр-

даги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида фермер хўжалиқлари манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларнинг фаолиятини янада ривожлантириш йўналишларида кўп тармоқли фермер хўжалиқларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Мазкур Фармон хўжалиқлар зиммасига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан бир қаторда, уни қайта ишлаш, тайёрлаш, сақлаш, сотиш, турли хизматлар кўрсатиш каби кўп тармоқли фаолиятни йўлга қўйиш, хўжалиқларнинг молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш бўйича улкан масъулият юклайди.

“Жарқўрғон тажриба”нинг замонавий, файзли дала шийпониди фермер хўжалигининг ишчи ва хизматчилари самарали дам олишлари учун барча шарт-шароитлар мужассам. Шу боис хўжалик аъзоларининг ўз ишларига муносабатлари аъло даражада.

Юртимизда нишонланадиган байрамлар алоҳида тайёргарлик билан тантанали ўтказилади. Хўжалик бошлиғининг жамоанинг ҳар бир вакили муаммосини ўзиники деб қабул қилиши, иш ҳақларининг вақтида бериб борилиши ишчи-хизматчиларнинг хўжалиқда муқим ишлашлари учун асос бўлмоқда.

– Туманда ўтказиладиган байрам тадбирларида фермер хўжалиги жамоаси ҳаммиша фаол иштирок этади, – дейди туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи ўринбосари Баҳром Усанов. – Агар бирор фуқаро биздан кўмак сўраб мурожаат қилса, биринчи навбатда, ҳимматли фермер Шокиржон Исмоиловга юзланамиз. Ҳозиргача унинг ёрдам кўрсатиш борасида эътирозини эшитмаганман.

Олам-олам орзулар билан меҳнат қилаётган Шокиржон Исмоиловнинг эзгу ниятлари тўла амалга ошишини тилаб қоламиз.

Ф.МИРЗО.

ДОРИВОР ГИЁҲЛАР ЭКСПОРТГА

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг 15–16 декабрь ва жорий йил 20–21 январь кунлари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи чоғида ҳудудда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиб, мамлакатимизда фармацевтика саноатини ривожлантириш, бу борада маҳаллий хомашёлардан, жумладан, доривор ўсимлик ҳисобланган қизилмия илдизидан фойдаланиш, уни чуқур қайта ишлаб, тайёр дори воситалари ва субстанциялари ишлаб чиқариш катта аҳамиятга эгалигини таъкидлаган эди.

Дуккакдош ўсимликлар оиласига мансуб қизилмия илдизидан тайёрланган қуюқ ва қуруқ экстрактлар ҳамда шарбат нафас йўллари касалланганда, балғам кўчирувчи, сурункали қабзиятда эса энгил сурги дори сифатида қўлланади.

Мамлакатимизда етиштирилаётган мазкур ўсимлик хомашёсига бўлган талаб жаҳон базорида тобора ошиб бормоқда. Ҳозирги кунда у Япония, Хитой, Жанубий Корея, АҚШ ва бошқа мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

Бугунги кунда Қорақалпоғистонда қўлаб ҳўжалик юритувчи субъектлар қизилмия илдизи тайёрлаш ва қайта ишлаш билан шуғулланмоқда. Чимбой туманидаги “Ланэкстракт” қўшма корхонаси ва Нукус шаҳридаги “Қорақалпоқбўянтомир” акциядорлик жамияти шулар жумласидандир.

Замонавий технологиялар билан жиҳозланган “Ланэкстракт” қўшма корхонаси томонидан биргина ўтган йилнинг ўзига 13 млн. АҚШ долларилик маҳсулот четга экспорт қилинди. Умуман, мазкур корхона ўз фаолиятини бошлаган 2006 йилдан буён 45,1 млн. долларлик қизилмия томири тайёрланди. Бугунги кунда корхонада 200 нафардан кўпроқ ишчи-хизматчи фаолият кўрсатмоқда.

Қўшма корхона томонидан қизилмия ўсимлигининг табиий захиралари қамайишига йўл қўймаслик мақсадида жами 2 минг гектар майдонга қизилмия ўсимлиги кўчатларини босқичма-босқич ўтқозиш режалаштирилган. Бугунгача 1,5 минг гектардан кўпроқ майдонга қизилмия уруғи экилиб, тўлалигича ундириб олинди. Ҳозир бу ерларда зарур агротехника тадбирлари амалга оширилмоқда.

Қўшма корхона ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Алишер Бекбергенов, технолог Бахтиёр Тоғонмуродов, ишчилардан Саломат Низаматдинов, Кўнгиротбой Жумағалиев, Илҳом Маткаримовлар қизилмия кўчатлари қатор ораларига ишлов бериш, озиқлантириш ҳамда сўғориш ишларида жонбозлик кўрсатишмоқда.

— Ўзбекистон Республикаси Вазир-

лар Маҳкамасининг 2018 йил 27 январдаги “Ўзбекистон Республикасида қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ҳамда саноат усулида қайта ишлашни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори фаолиятимизни янада ривожлантиришда дастуруламал бўлмоқда, — дейди қўшма корхона ижрочи директори Мурат Гаипов. — Мазкур қарор асосида юртимизда Қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш ташкилотлари уюш-



маси ташкил қилинди ва унинг асосий вазифалари белгилаб берилди. Ишончимиз комилки, эндиликда мамлакатимизда, жумладан, Қорақалпоғистонда ҳам табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун қизилмия ўсимлигини етиштириш ва саноат усулида қайта ишлаш ҳажми ошади.

Беруний туманидаги “Ваходиг ва Q” ҳамда “RIDUM” МЧЖлари ҳам қизилмия етиштириш ва қайта ишлашга ихтисослашган. Айтиш керакки, 1995 йилдан эътиборан фаолият кўрсатаётган “Ваходиг ва Q” МЧЖ маҳсулотларини АҚШ, Германия, Россия, Украина, Хитой каби давлатларга экспорт қилиб келмоқда. Жорий йилнинг дастлабки уч ойи мобайнида хорижга 100 минг АҚШ доллариға яқин қизилмия илдизи экспорт қилинди. Айни пайтда жамиятда 32 та иш ўрни мавжуд. Бозор талабини ҳисобга олган ҳолда жорий йил охири-

гача қизилмиянинг қуруқ ва қаттиқ экстрактларини ҳамда кукунини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режалаштирилган. Шунда экспорт ҳажми янада ортиб, қўшимча 30 та янги иш ўрни яратилади.

“RIDUM” МЧЖ томонидан ҳам эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Жамият ишчилари тумандаги 780 гектар қишлоқ ҳўжалигида фойдаланилмай келинаётган ер майдонларига қизилмия кўчати ўтқозишни режалаштирганлар. Шу кунгача 600 гектардан зиёд майдонга қизилмия кўчатлари экилди.

— Қизилмияни қаламчасидан экиш анча энгил, лекин бунга захиралар етишмаяпти, — дейди “RIDUM” МЧЖ раҳбари Қ.Авазимбетов. — Шу боис биз бу йил қизилмияни уруғидан экиб ундиришга киришдик. Бунинг ўзига хос қийинчиликлари ҳам мавжуд. Сабаби қизилмия уруғининг пўстлоғи жуда қалин — худди ёнғоқникидек. Шу боис уруғни экишга тайёрлашдан олдин унга махсус ишлов берилади. Бу бир томони, иккинчидан, уруғидан униб чиққан қизилмия майсалари ёзнинг жазирама иссиғига чидамсиз бўлади. Шу боис биринчи бор экилаётган қизилмия уруғига маккажўхори ёки оқжўхори уруғи аралаштириб экаяпмиз. Шунда, униб чиққан қизилмия майсалари ушбу ўсимликлар соясида яхши ривожланади.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларини билмадим-у, лекин Қорақалпоғистонда кейинги йилларда қизилмия браконьерлари кўпайиб бормоқда. Улар айрим фермерлар билан ўзаро келишган ҳолда бу ўсимлик илдизини ноқонуний қовлаб олиб, қизилмияни қайта ишловчи корхоналарга арзон-гаровга сотиш билан шуғулланмоқда. Уларнинг бу “тадбиркорлиги”га чек қўйиш вақти келди, деб ўйлайман. Бунинг учун, биринчи навбатда, қизилмия томирини қабул қилиб олаётган раҳбарлар ана шундай шахслардан мазкур ўсимлик илдизини харид қилмасликлари зарур. Минг афсуски, улар бугунги кунда “узумини энгу боғини суриштирманг” қабилида иш тутмоқдалар.

Ер давлатники, демак, унда ўсаётган доривор ўсимликлар ҳам давлат муҳофазасида бўлиши керак. Бу муаммо ҳақида тегишли ташкилотлар, айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари чуқур ўйлаб кўрсалар фойдадан холи бўлмасди.

Р.ҚОЗОҚОВ,
ўз мухбиримиз.

БОЛАЛАР БОҒЧАСИ ҚУРГАН ДЕҲҚОН



Булоқбоши тумани ўзининг сўлим табиати, тоза ҳавоси, маъданли сувлари-ю, шириндан-шакар мевалари, энг муҳими, меҳнаткаш халқи билан танилган. Айтишларича, қадимдан бу ҳудудда ҳаёт қайнаган. Масалан, Бешкапа қишлоғи аҳолиси юз йиллар бурун ҳам ҳудуддаги булоқларнинг кўзини очиб, ариқлар қазиган, қақроқ ерларга сув чиқариб, деҳқончилик қилишган. Ҳозир ҳам туманда юзлаб булоқлар бўлиб, сувлари зилол ва маъданли, ҳарорати қишда илик, ёзда муздек. Туман аҳолиси бу сувлардан нафақат ичимлик суви сифатида, балки экинларни суғоришда ҳам фойдаланади. Шунинг учун бўлса керак, туман фермер ва деҳқон хўжаликлари экин майдонларидан баракали ҳосил олиб, республикамизда пешқадам деҳқонлар сафидан ўрин эгаллаб келишмоқда.

Тумандаги “Абдуҳошим Нурматов” фермер хўжалиги раҳбари Абдуҳошим ака Нурматовни тажрибали деҳқон сифатида вилоятда ҳам яхши танишади. Сабаби, у кўп йиллардан буён пахта ва ғалладан мўл ҳосил олишда барчага намуна бўлди, аграр соҳанинг пасту баландини пухта ўзлаштирди, энг муҳими, ёш фермерлардан ўз билим ва тажрибасини аямади.

— 1983 йилдан буён деҳқончилик билан шуғулланаман, — дейди фермер. — Узоқ йиллар собиқ “Россия” ширкат хўжалигида бригадир бўлиб ишладим. 2006 йили барча деҳқонлар сингари менинг ҳам кўкрагимга шамол тегиб, 25 гектар майдонда фермер хўжалиги ташкил этдим. Ўзингники, барибир ўзингники экан-да, ярим гектар майдондаги экиннинг сувсаганини кўриб қолсанг, то суғориб кўнлинг жойига тушмагунча ухлолмас экансан. Экин майдонларимиз ширкат хўжалигига қарашли бўлган пайтларда пахтадан гектарига 30 центнер, ғалладан 35 центнер ҳосил берарди.

Йиллар давомида ҳайдовдан аввал босқичма-босқич маҳаллий ўғит билан озиклантириб боришимиз туфайли ерларимиз ҳосилдор майдонларга айланди. Ер ҳам ўзини суйганни суяди, сийлаганни сийлайди.

Ҳозирда 210 гектар экин майдонидан 150 нафар доимий ишчи билан деҳқончилик қиляпмиз. 94,7 гектар майдонга ғалланинг уруғлик “Чиллаки” ва “Андижон-4” навларини экдик. Давлатга сотиш режамиз гектаридан 38 центнер этиб белгиланган бўлса-да, ишчиларимиз билан 63—64 центнердан ҳосил кўтаришни мўлжаллаб турибмиз. Чунки барча агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиб, меҳр билан парваришлагимиз натижасида бугдой бошоқлари бўлиқ. Бу эса мўл ҳосилдан даракдир. 98 гектар майдонга плёнка остига пахтанинг уруғлик супер элита “Андижон-35” навини экдик. Гектаридан 34 центнердан ҳосил олиш учун шартнома тузганмиз. Бир неча йилдан буён 40 центнердан ошириб ҳосил етиштириб келяпмиз. Жорий йилда ҳам 45 центнерлик маррани эгаллаш учун ҳаракатни бошлаб юборганмиз.

Бундан ташқари, 4 гектар ерда боғ ташкил қилдик. Ушбу боғимизда гилос, шафтоли ва ёнғоқ етиштиряпмиз. 10 қути асаларимиз ҳам бор. Хўжалигимизнинг йиллик соф даромади 250 млн. сўмни ташкил қилади. Жорий йилда қишлоғимиздаги кам таъминланган оилалар фарзандлари учун 25 ўринли мактабгача таълим муассасасини қуриб фойдаланишга топширдик. Келгусида яна 100 нафар болага мўлжалланган бинони қуриб, қишлоқ аҳолисига тақдим этишни режалаштирганмиз.

Падари бузрукворим Ҳожимат ота Нурматов биринчи устозим бўлади. Оиламизда 3 ўғил, 3 қиз фарзанд бўлиб, мен уларнинг кенжаси эдим. Отам 76 ёшга кирганда дунёга келган эканман. Раҳматли отам

туманимиздаги таниқли деҳқонлардан эди. Кенжатоғи бўлганим учунми, доим орқаларидан эргашиб юрардим. Болалигим далада ўтган. Шу боис ёшлигимдан деҳқончиликка меҳрим тушди. Шу ҳавас ва меҳр туфайли фермер бўлдим.

Падари бузрукворим доимо менга “Ўғлим, қўлингдан келса одамларга фақат яхшилик қил, шунда кўкарасан, ишинг ўнгидан келади”, дер эди. Отамнинг шу гап-рига амал қилиб кам бўлмадим.

Ҳақиқатан ҳам, Абдуҳошим ака отаси айтганидек, одамларнинг мушуқлини осон қилишни, ўзгаларга ҳиммат кўрсатишни ўзининг инсоний бурчи деб билади. Шу кунларда фермер қишлоқдаги кам таъминланган, ногирон ака-ука Муҳаммадjon ва Ўктамjon Қорабoевлар ҳамда хўжалик сувчиси Раҳимjon Акбаровнинг уйини қуришга ёрдамлашмоқда.

— Неча йиллардан буён 2 хона уйни битказа олмаётган эдик, — дейди Раҳимjon аканинг турмуш ўртоғи Барчиной Акбарова. — Мен ҳам далада меҳнат қиламан. Хўжайиним иккимизнинг топганимиз ейиш-ичишдан ортмайди. Абдуҳошим акага раҳмат! Ишчиларининг ҳолидан хабар олиб, камчилигимизни айтмасак-да, ўзлари билиб, шу ҳаракатни бошладилар.

Хайр бор жойда, барака бўлади, деб бежиз айтишмаган. Абдуҳошим ака ҳалол меҳнати ва хайрли ишлари туфайли Президентимиз этиборига тушди, “Дўстлик” ордени билан тақдирланди. Биз фермер хўжалиги аъзолари жорий йилда ҳам кўзлаган ниятларига етиб, даромадлари янада кўп бўлишини тилаб қоламиз.

К.ЭРГАШЕВ,
ўз мухбиримиз.

Суратда: Боғнинг ҳосили хўжаликни ривожланишига катта ҳисса қўшади — дейди фермер.

ПИЛЛАЧИЛИКДА КЛАСТЕР

Жиззах вилояти заршунослари қишлоқ хўжалиги соҳасининг илк ҳосили - пилла тайёрлаш мавсумини ўзгача кўтаринчилик билан бошлашди. Бунинг ўзига хос сабаби бор: Жорий йилда тармоқ вакиллари узоқ йиллар кутган янгилик юз бериши кутилмоқда.

Гап шундаки, вилоят пиллакорлари шу пайтгача ўзларининг машаққатли меҳнати туфайли етиштирилган ҳосилининг кейинги тақдирини аниқ билишмас эди.



Етиштирилган пилла мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида фаолият юритаётган қайта ишлаш корхоналарига топширилар, улар эса, ўз режа ва лойиҳалари асосида иш тутиб, шунга яраша ҳаракат қилишарди.

Энди бу борада ҳолат тубдан ўзгармоқда. Вилоятда ипакчилик саноатини ривожлантириш, соҳанинг экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган истиқболли лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш ишлари бошланди. Яратилаётган қулай сармоявий муҳит, чет эллик инвесторлар учун берилаётган имтиёзлар бу борада муҳим ўрин тутяпти. Ипак қурти озуқасини етиштиришдан тортиб, пилла олиш, йигириш, мато тўқиш ва ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқишгача бўлган босқичларни қамраб оладиган кластерлар ташкил топаёттир. Вилоятда ана шундай 2 та лойиҳа дунё юзини кўряпти. Улардан бири – Ўзбекистон ва Буюк Британия тadbиркорлари ҳамкорлигида вилоят марказида барпо этилаётган “Силк эксперт просессинг” қўшма корхонаси 8 та туманининг ҳосилини қабул қилишни кўзламоқда. Давлатимиз раҳбари ва “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси таклифи билан асл ватани Ўзбекистон бўлган ва бугунги кунда тadbиркорлик фаолиятини Англияда давом эттираётган Акбар Ашуров айнан Жиззах воҳасида ипакчиликка ихтисослашган корхона очиш учун сармоя ажратишга аҳд қилди.

– Ўзбек ипакчилиги соҳасида янги ислохотлар даври бошланганига амин бўляпман, – дейди ўзбек-инглиз тadbиркори А.Ашуров. – Шу сабабли Жиззахда ташкил

бўлаётган янги қўшма корхона учун 5 миллион АҚШ доллари миқдоридида сармоя ажратдик. Бу борада бизга барча шарт-шароит ва қулайликлар яратиб берилди. Ишламай турган корхона биноси беғараз тарзда ихтиёримизга ажратилди. Ундаги реконструкция ишларини якунлаб, цехларимизга хорижнинг энг замонавий технологиясини ўрнатдик. Янги мавсум пилласи хирмонимизга тушганданоқ қайти ишлашни бошлаб юборамиз.

“Силк эксперт просессинг” қўшма корхонаси маҳсулотларига ҳозирдан Покистон, Туркия, Ҳиндистон, Хитой ва Вьетнам давлатлари харидорлари қизиқиш билдиришмоқда. Биз учун муҳим томони эса, тўлиқ иш бошлагач, корхонада 120 та доимий иш ўрни яратилади. Мавсумий ишчи-ходимлар сони эса, пиллакорлар, тармоқнинг бошқа мутахассисларини қўшиб ҳисоблаганда 10 минг нафардан ошади. Президентимиз фармони билан бир мавсум пилла парваришида фаолият кўрсатган фуқаронинг меҳнат дафтарчасига бир йиллик иш стажи ёзилиши белгилаб қўйилганини ёдга оладиган бўлсак, ушбу рақамлар кўплаб ҳамюртларимиз учун истиқбол эшигини очганини англаш мумкин.

– Пилла кластерини ташкил қилишнинг бу каби афзалликлари жуда кўп, – дейди қўшма корхона раҳбари Умиджон Икромов. – Айнан корхонамиз ҳақида гап кетганда эса, шуни алоҳида таъкидлаган бўлар эдимки, биз вилоятнинг пиллачилик азалий ривожланган энг йирик туманларида тай-

ёрланган ҳосилни қабул қилиш ва қайта ишлашни зиммамизга оламиз. Бунинг учун соҳанинг малакали мутахассисларини ишга жалб қилганмиз. Пиллакорлар билан тегишли шартномалар имзоланган. Уларга хориждан келтирилган ипак қурти, фаолият юритишлари учун зарур бўладиган барча асбоб-ускуна ва жиҳозлар етказиб берилди. Пиллакорлар 40 фоизлик бўнак маблағлари билан таъминланди.

Лавҳамиз сўнгига битта факта эътиборингизни қаратишни истар эдик: 2017 йилда мамлакатимизда 37 ярим миллион АҚШ доллари миқдоридидаги ипакчилик маҳсулотлари экспорт қилинган бўлса, жорий йил биринчи чорагининг ўзида салкам 10 миллион долларлик маҳсулот хорижга жўнатилди. Ишонамизки, йил сўнгига бориб Жиззах вилоятида ишга тушадиган жамоалар, жумладан “Силк эксперт просессинг” қўшма корхонаси 2 миллион долларлик ипак экспорти билан бу борадаги кўрсаткичнинг янада юксалишига муносиб ҳисса қўшади...

Х.КАРИМОВ,
ўз мухбиримиз.

Суратда: “Силк эксперт просессинг” қўшма корхонаси раҳбари Умиджон Икромов (чапдан), сармоядор Акбар Ашуров ва технолог Мустафо Зоиржоновлар Хитойдан келтирилган янги технология билан танишишмоқда.
Муаллиф олган сурат.

ЕРИ БОЙНИНГ — ЭЛИ БОЙ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 4 январь куни Бўка туман ҳокимининг “Деҳқон хўжаликлари, аҳоли томорқа ерларидан самарали фойдаланишни ташкил қилиш ва мониторинг юртиши тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Таъкидлаш жоизки, туманда жами 22350 та томорқа ер эгалари бўлиб, улар ҳисобида 3036,2 гектар экин майдони бор. Мавжуд 40 та маҳалладаги 258 хонадонда иссиқхоналар ташкил этилган. Бу иссиқхоналардан самарали фойдаланилиб, бир йилда икки-уч марта ҳосил олинмоқда. Аҳоли бир сотих иссиқхонадан 10–15 миллион сўмдан даромад қилапти.

“Ачамайли Файз Барака” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Файрат Душабоев ҳамроҳлигида

ликдан ташқари бедана боқишни йўлга қўйганмиз, — дейди хонадон соҳибаси. — Ўтган йили 3000 бош бедана боқдик. Жорий йилда беданалар сонини янада кўпайтириш ниятидамиз. Беданачиликдан 30 миллион сўмдан ошиқроқ даромад қилдик. — Эндиликда иссиқхона қуришни мўлжаллаб турибмиз.

Омилкор халқимизнинг узоқ асрлик деҳқончилиқ анъаналарини давом эттириб, ривожлантириб келаётган, озиқ-овқат хавфсизлигини тобора мус-

Эргаш ака.

— Томорқадан самарали фойдаланишда хотиржамликка йўл қўйиб бўлмайди, — дейди яна бир томорқа эгаси Зулайхо Ўразалиева. — Чунки харажатларнинг муттасил ўсаётгани, эҳтиёжларнинг ортиши инновацион технологияларни тизимга изчил татбиқ қилишни ҳамда ердан тўғри фойдалана билишни тақозо этмоқда. Бинобарин, Ҳаракатлар стратегиясида ҳам мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини кафолатлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ҳатто томорқа экспорт салоҳиятини юксалтириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилган.

Зулайхо опа хонадонидagi 5 сотихли иссиқхонадан 3 марта ҳосил олиш баробарида, бозорни ўрганиш, экин турларини тўғри танлаш ҳисобига ўтган йилда мева-тоқлар ҳосилини қўшиб ҳисоблаганда, 60 миллион сўмдан



Суратларда 1. (чапдан ўнгга) Камола Қодирова, Эргаш Абдуллаев ва Зулайхо Ўразалиева

ҳудудда томорқадан фойдаланишни ўрганиш мақсадида хонадонларда бўлганимизда ҳовлиларда кенг турдаги юқори сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириляётганлиги амин бўлдик.

Камола Қодирова хонадонидамиз. 6 сотихли томорқада турли хил мева ва тоқнинг сара навлари экилган. Йўлақлар четларидаги турфа гуллар таровати киши кўнглига завқ бағишлайди. Дарахт қатор ораларидаги турли хил сабзавотлар ва кўкатлар баравж ўсмоқда.

— Томорқада мева-сабзавотчи-

таҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётган Эргаш Абдуллаев ҳовлисида 4 сотих экин майдони бўлиб, шундан 2 сотихи иссиқхонага ажратилган. Иссиқхонадан йилига 3 марта мўл ҳосил олишга эришилмоқда. 2 сотих ерга эртаги помидор экилган.

— Ҳар йили май-июнь ойида пишадиган помидордан 1,5–2 тонна, уй олди ва томорқа атрофидаги 100 туп мева ва тоқдан камида 2–3 тонна ҳосил оламиз. Даромадимиз ҳам шунга яраша — 50 миллион сўмдан ошади, — дейди

ошиқроқ даромад олди.

“Ери бойнинг — эли бой”, дейди халқимиз. Шу маънода, ҳар бир хонадоннинг қут-баракали бўлиши, одамларимизнинг тўқ ва фаровон яшаши, мамлакат иқтисодиёти барқарорлиги учун, аввало, ерни увол қилмай, ризқу рўз ундиришда хавфсиз ҳамда сушт кайфиятдан тўла холос бўлмоқ лозим. Токи, ернинг умри зое кетмасин, бозорларимиздаги файзу баракага путур етмасин.

Ўз муҳбиримиз.

БАТАТ – ШИРИН КАРТОШКА

ёхуд батат қандай етиштирилади?

Ер шари аҳолисининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжларини қондиришда донли, дуккакли, туганак мевали ва мойли экинлар жуда муҳим ўринни эгаллаши ҳаммага маълум. Айниқса, туганакмевали экинларсиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш жуда мушкул. Ана шундай аҳамиятга эга бўлган туганакмевали экинлар вакилларида бири - батат (ширин картошка) ҳисобланади. Бу экин шарқий Осиёда, жумладан, Хитой, Ҳиндистон, Европа давлатлари ва Америка қитъасида кенг тарқалган. Мазкур мамлакатларда ушбу экин, озиқ-овқат ва техника экини сифатида кенг ишлатилади.



Ўртача туганак ҳосилдорлиги 28–35 т/га. Ўзбекистон ҳудудида ўтказилган тадқиқотларда, гектардан 25–40 т/га ҳосил олинган.

Бу борада ўтказган тадқиқодимизнинг мақсади Зарафшон водийси шароитида Батат (*Ipomoea batatas*) экини ҳосилини етиштиришга мос навларини ажратиш, экиннинг ўсиб-ривожланишини ўрганиш, арзон, юқори ҳамда сифатли ҳосил етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш. Арзон, сифатли, экологик соф ва юқори ҳосилдорликни, уруғлик материаллар сифатини ҳамда сақланувчанлигини таъминлайдиган батат етиштиришнинг самарали агротехнологик тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишдан иборат.

Юқоридаги мақсаддан келиб чиққан ҳолда тажрибаларимизда февраль ойининг 3-ўн кунлигида батат туганаклари иссиқхонага экилиб, ўсимталари етиштирилди. Тадқиқот объекти сифатида олинган Бататнинг Хитой давлатидан келтирилган “Хэ-дун” нави, шунингдек, “Каштан” ширин картошкаси, “Ошқовоқ” ширин картошкалари ўсимталар чиқими ўрганилганда “Хэ-дун” навида энг юқори кўрсаткич – 17–19 донани ташкил этди. “Ошқовоқ” ширин картошкасида 7–11 дона, “Каштан” ширин картошкаси туганакларидан олинган ўсимталар 3–5 донани ташкил этди.

Батат ўсимлигининг мақбул экиш муддатларини белгилаш мақсадида тажрибалар ҳам бажарилмоқда. Дала тажрибаларимизда 20 апрель ҳамда 1 май муддатларда 70x25, 70x30, 70x35 см экиш схемаларида батат ўсимталари экилди. 70x25 см схемада гектарига 57 минг туп, 70x30 см схемада 47,5 минг туп, 70x35 м схемада 40,8 минг туп кўчатлар экилди. Ҳозирги кунда дала тажрибаларимизда фенологик кузатувлар ва биометрик ўлчашлар давом эттирилмоқда.

А.ШАМСИЕВ, А.ҲАМЗАЕВ.

Батат (ширин картошка) – *Ipomoea batatas* L. – печакгулдошлар (*Convolvulaceae*) оиласига мансуб кўп йиллик ўсимлик бўлиб, 400 дан ортиқ турлари мавжуд. Аммо фақат битта маданий тури – *Ipomoea batatas* L. кенг майдонларда экилади. Илди-зи кўп шохланади, ён шохлари йўғонлашиб туганакмевага айланади. Туганакмевасининг юзаси текис, гоҳо гадир-будир, кўзчалари яширин ҳолатда бўлади.

Батат туганаклари йирик бўлиб, 200 граммдан 3 килограммгача ва ундан ҳам оғир тош босиши мумкин. Туганаклари ранги оқ, сариқ, бинафша ва қизил тусларда бўлади.

Батат табиий ҳолда сайёрамизнинг тропик ва субтропик минтақаларида кенг тарқалган. Асосан Хитой, Ҳиндистон, Индонезия мамлакатларида кўп миқдорда етиштирилади. Батат Япон халқининг ҳам энг сеvimли озиқ-овқат экини ҳисобланади.

Батат ширин ва крахмалга бой туганаклари учун етиштирилади. Унинг туганаклари таркибида крахмал 30%, қанд моддаси эса 6 фоизгача бўлади. Маданий экин сифатида бир йиллик экин сифатида ўстирилади.

Ўсув даври 120–150 кун давом этади. Туганаклари озиқ-овқат ва ишлаб чиқариш саноатида кенг қўлланилади. Ер устки массаси чорва моллари учун тўйимли озуқа ҳисобланиб, тўйимлилиги бўйича бедага тенг ҳисобланади.

Батат навларини ишлатилиш хусусиятларига кўра, ширин, сабзавот ва ем-хашак турларига ажратилади.

Бу гуруҳлар ўзаро иссиқликка талаби, туганакларининг ранги,

таркибидаги глюкозанинг концентрацияси каби белгилари билан фарқланади.

Батат асосан вегетатив усулда кўпаяди. Генератив усулда кўпайтириш асосан янги навларни яратишда, селекция жараёнларида фойдаланилади.

Дастлаб далага экишдан 2 ой олдин ўртача (150–300 г) катталикдаги, шикасланмаган туганаклари ўсимталар етиштириш учун махсус кўчатзорларга экилади. 1 дона туганакдан 15–20 дона ва ундан ҳам кўпроқ ўсимталар олиш имкони мавжуд. 5–7 кунда дастлабки ўсимталар униб чиқа бошлайди. 5–6 ҳафта давомида ўсимталар далага экишга тайёр ҳолатга этади. Ўсимталарни илди-зоттириб ёки тўғридан-тўғри далага ўтказиш мумкин. 15–20 см. ли ўсимталар экиш учун энг мақбул ҳисобланади.

Батат ёруғсевар қисқа кун ўсимлиги, унинг ўсиб-ривожланиши 20–30°C да яхши ўтади. Ҳарорат 10°C дан паст бўлганда ўсишдан тўхтайдди. Барги 0–2°C да, пояси - 2–3°C да, илдимеваси - 2–4°C да нобуд бўлади.

Батат умуман қурғоқчиликка чидамли, аммо ўсув даврининг дастлабки 2–3 ойида сувга талабчан бўлади. Ўсув даврининг охирида, ҳосилни йиғишга 2 ой қолган даврда кам сугорилади.

Тупроқ муҳитига унча талабчан эмас. Илди-зи яхши ривожланганлиги учун тупроқнинг чуқур қатламларидан сув ва озиқ элементларини ўзлаштира олади. Озиқ элементларидан калийни энг кўп ўзлаштиради, фосфорни калийга нисбатан кам ўзлаштиради.

ТАБИАТНИ АСРАШ – БУРЧИМИЗ

Она табиатга, атроф-муҳитга бўлган муносабат инсон маънавиятининг юксаклиги мезонини белгиловчи муҳим қирралардан биридир десак, асло янглишмаган бўламиз. Ҳозирги даврда бутун инсоният нафақат ўзи яратган моддий бойликлар, маҳсулотларнинг, балки табиатнинг ва табиий ресурсларнинг ҳам истеъмолчиси ва ўзлаштирувчиси бўлиб қолмоқда. Бироқ бу истеъмолчилик фаолияти табиатга қанчалик зарар келтираётганини ўйлаб ҳам кўрмаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелда қабул қилинган “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувини тизимли такомиллаштириш тўғрисида” ги фармонида мамлакатимизда экология ва атроф-муҳит муҳофазасига оид стратегик вазифалар белгилаб берилди. Ушбу ҳужжат экология, атроф-муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш, чиқиндилар билан боғлиқ давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш, бу йўналишдаги давлат бошқаруви ва назорат тизимини такомиллаштиришни кўзда тутди.

Мазкур фармон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида фаолият кўрсатаётган давлат назорати ва бошқаруви органларининг тизимли иш олиб бориш самарадорлиги ошиб бормоқда ҳамда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги идоралараро самарали ҳамкорлик таъминланмоқда. Натижада атроф-муҳитнинг экологик ҳолати, экологик тизим, табиий комплекслар ва алоҳида объектларни қўриқлаш учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда.

Яна бир муҳим ҳужжат бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги “2017–2021 йилларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори мамлакатимиз туман ва шаҳарларининг санитария-эпидемиология ҳолатини яхшилаш, 2017–2021 йилларда чиқинди билан боғлиқ вазифаларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаш-

тириш ва ривожлантиришни янада кучайтиришга қаратилган. Шунингдек, ушбу қарор билан Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари ҳузуридаги “Тоза ҳудуд” давлат унитар корхоналарининг самарали фаолиятини ташкил этиш белгилаб берилган.

Инсоният пайдо бўлибдики, табиат неъматларидан баҳраманд бўлиб келмоқда, одам маҳсулот ишлаб чиқаришни билмаган даврларда ҳам табиат уни боққан ва кийинтирган, она каби ғамхўр бўлган. Бугунги кунда ҳам ҳаётимиз табиат билан чамбарчас боғлиқдир. Шундай экан, ҳар биримиз табиатни, унинг ер ости ва ер усти бойликларини, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини асраб-авайлашга келажак авлодлар олдида масъулмиз. Табиат мусаффолигини сақлаб қолишда барчамиз ҳам озгина бўлса-да ўз ҳиссамизни қўшишимиз мумкин. Бунга оддийгина бир мисол: бугунги кунда биз елимхалталардан кўп фойдаланяпмиз. Мутахассислар ўтказган кузатишлар натижасига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида шамол елимхалталарни жуда катта ҳудудларга учуриб кетган. Бу халталарнинг ерга кўрсатаётган зарари бениҳоя улкан бўлаётганини айтмасдан илож йўқ. Кундалик харидларимиз учун кўп марта ишлатиладиган мато сумкалардан, ёки қоғоз пакетлардан фойдалансак, юқоридаги муаммога қарши курашган бўлар эдик. Ёки, аҳоли томонидан маиший чиқиндиларни дуч келган жойга ташлаб кетиш, уларни ёқиш орқали тупроққа ва атмосферага зарар етказиш, ариқ ва каналларга ташлаб сувни ифлослантириш, ернинг



унумдор қатламини олиш каби салбий ҳолатлар содир этилмоқда. Масалан, жорий йилнинг биринчи чораги давомида Беруний туманида атроф-муҳитни ифлослантирганлик бўйича 30 га яқин ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланди ва уларга қарши тегишли чоралар кўрилди. Булар мутахассислар томонидан қайд этилган ҳолатлар ҳолос.

Олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, бир инсоннинг эҳтиёжини қондириш учун йил давомида 20 тонна маҳсулот қайта ишланар экан. Ушбу маҳсулотнинг 10 ёки 5 фоизигина тайёр маҳсулот сифатида ишлаб чиқарилар экан. Қолгани эса... чиқинди эканлигини айтиш ачиқ ҳақиқатни тан олишдир. Шундай экан, табиатга зарар етказувчи ва чиқинди сифатида ташлаб юбориладиган маҳсулотларни камайитириш ёки улардан органик моддалардан ишлаб чиқариш йўлга қўйилса, экологиянинг софлигини асраш йўлида қўйилган бир қадам бўлар эди.

Она табиатимиз мусаффолигини асраш ўз ҳаётимиз, умримиз ҳамда келажак авлодлар ҳаёти мусаффолигини асраш демакдир. Бунинг учун фақатгина Экология қўмитаси масъул ходимлари эмас, балки ҳар биримиз жон куйдиришимиз, атрофимиздаги муаммоларга эътиборсиз бўлмаслигимиз, тозалик ва ободликни кўнглимиздан, хонадонимиздан, маҳалламиздан бошлашимиз зарур.

Шохруҳ МАДАТБОВЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза
қилиш қўмитаси ер-сув ва ер ости
бойликларини муҳофаза қилиш бўйича
Беруний тумани инспектори.

ЁШ ФЕРМЕР — ИСТИҚБОЛ БУНЁДКОРИ

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошидаги Ўзбекистон ёш фермерлар Кенгаши ёшлар орасида фермерлик ҳаракатини янада оммалаштириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли ишларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, мамлакатимизда ёшлар ўртасида фермерлик фаолиятини кенг тарғиб қилиш ва ривожлантириш, айниқса, уюшмаган ёшларни фермерлик ҳаракатига кенг жалб этиш, шунингдек, ёш фермерларимиз фаолиятида дуч келаётган муаммоли масалаларни биргаликда ҳал этиш, улар фаолиятига хорижий илғор тажрибаларни кенг жорий қилишда амалий ёрдамлар кўрсатиш ҳамда уларни Ўзбекистон ёшлар иттифоқи атрофида бирлаштириш каби вазифаларни бажариб келмоқда.

Ўтган давр мобайнида кенгашимиз аралашуви билан 866 нафар ёш фермерларга 42 млрд. сўмлик имтиёзли кредит, 279 нафарига лизинг асосида техникалар ва 927 нафар ёшларга фермер хўжалиги юритиш учун ер майдонлари ажратилишида кўмаклашилди.

Умуман олганда, бугунги кунда республикаимизда 30 ёшдан ошмаган фермерлар сони 12 808 тани, шундан 6 мингдан ортиғи хотин-қизлар ташкил этади. Уларнинг ихтиёрида 270,9 минг гектар экин майдони мавжуд. Ушбу ёш фермерларнинг 1482 нафари фаолиятида кўп тармоқлилиқни йўлга қўйган.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда яратилган қулай тизим туфайли фермер бўлиш истагида бўлган ёшларга гоёвий ҳамда амалий ёрдамлар кўрсатилиши натижасида ёш фермерларимиз сафи тобора ортиб бормоқда.

Мамлакатимизда жадаллик билан ривожланиб бораётган фермерлик ҳаракатида фаол иштирок этаётган шижоатли, изланувчан, теран фикрлайдиган, ташаббускор, дунёқараши кенг, қишлоқ инфраструктурасининг ривожланиши ва аҳолисининг фаровонлиги йўлида астойдил меҳнат қилаётган ёш фермерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг юртимиз келажаги йўлидаги интилиши, жамоат ишларидаги фаол иштирокини рағбатлантириш мақсадида пойтахтимизда 2017 йилнинг 25 ноябрь куни “Она ер ёшлар қўлида” шиори остида Ўзбекистон ёш фермерларининг I Республика форуми ўтказилди.

Форум доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши раиси Қ.Қуронбоев, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари З.Мирзаев ёшлар билан очиқ мулоқот ўтказиб, унда 120 дан ортиқ долзарб масалалар, так-



лиф ва тавсиялар билдирилди.

Анжуман доирасида тижорат банклари билан ҳамкорликда насли чорвачилик ҳамда балиқчиликни ривожлантириш учун 18 нафар ёш фермерларга 900 млн. сўмлик имтиёзли кредитлар олиш ҳуқуқини берувчи махсус сертификатлар топширилди.

Кенгашимиз томонидан 2017 йил октябрь-ноябрь ойларида республикаимизнинг энг чекка ҳудудларида фаолият кўрсатаётган 3,5 мингдан ортиқ ёш фермерларнинг фаолияти бевосита ўрганиб чиқилиб, 1,5 мингдан кўпроғига ҳуқуқий, иқтисодий ва агротехник ёрдамлар кўрсатилди. Жумладан, Оққўрғон туманидаги “Покиза М” фермер хўжалигига замонавий музлатгичли омборхона қурилиши учун 100 млн. сўм, Оҳангарон туманидаги “Мелиев Муҳаммад” фермер хўжалигига 245 млн. сўм, Янгибозор туманидаги “Бўз Ос Ёп” фермер хўжалигига 460 млн. сўм, “Мард Жалолиддин” фермер хўжалигига 400 млн. сўм кредит маблағлари олишда кўмаклашилди.

Шунингдек, республикаимизнинг энг чекка ҳудудлари ва қишлоқларида фаолият юритаётган 850 дан ортиқ фермерларга ҳуқуқий, иқтисодий ва агротехник ёрдамлар, 300

нафардан ортиқ ёшларга янгидан фермер хўжалиги ташкил этиш бўйича маслаҳат хизматлари кўрсатилди.

Шу ўринда фермер бўлиш истагида юрган ёшларимиз учун давлатимиз томонидан жуда катта имкониятлар яратиб берилаётганлигини таъкидлаш жоиз. Эндиликда тендер танловларида иштирок этиш жараёнида Ёшлар иттифоқининг тавсияномасига эга бўлган ёшларга 10 балл қўшиб бериладиган бўлди.

Хорижий ҳамкорлар билан биргаликда ёш фермерларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ривожланган давлатлар тажрибаларини ўрганиб келишини ташкил этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Биргина мисол, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) билан ҳамкорликда 2 нафар ёш фермерларимиз Японияда 9 май — 5 июнь кунлари ташкил этиладиган “Марказий осийда фермерлик ҳаракатини ривожлантириш” мавзусидаги тренингларда қатнашмоқда.

Ёш фермерларнинг боғдорчилик, сабзавотчилик, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик соҳасидаги замонавий билим ва кўникмаларини ошириш, соҳадаги илғор хорижий тажрибаларни улар фаолиятига жорий этиш, илғор фермерларнинг тажрибаларини оммалаштириш, уларнинг ёш олимлар билан кооперацион алоқаларини таъминлаш мақсадида Қуйи Чирчиқ туманида намунавий “Ёшлар агрокластери” ташкил этилди. Шунингдек, бундай марказлар бугунги кунда Ёзёвон, Музработ туманларида ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Ҳудудларда ёш фермерларга ва фермерликка қизиқувчи ёшларга консалтинг хизматлари, жумладан, агротехник, иқтисодий, ҳуқуқий, маркетинг, экспорт-импорт муносабатлари, техника ва технологиялар, инвестициялар жалб қилиш масалаларида хизматлар кўрсатадиган “Мулоқот клуб”ларининг фаолияти ташкил этилди.

Бир сўз билан айтганда, ушбу амалга оширилаётган ишларимизнинг барчаси мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, бу жарёнларда эса ёшларнинг иштирокини фаоллаштиришга қаратилмоқда.

С.КУЛМИРЗАЕВ,
Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи
қошидаги Республика ёш фермерлари
кенгаши раиси.

ШИЖОАТКОРЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

Истиқлол шарофати билан юртимизда ўғил-қизларни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий етук ва жисмонан соғлом баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш борасида катта ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда ёшларнинг олдида мисли кўрилмаган имкониятлар ўз эшигини очмоқда.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи юртимиз иқтисодиётини, хусусан, қишлоқ хўжалигини юксалтиришга, унинг асосий ишлаб чиқарувчилари бўлган фермер хўжалиklarини, уларнинг навқирон авлодларини қўллаб-қувватлашга катта эътибор бериб келмоқда. 200753 гектар ер майдонига эгалик қилаётган юртимиздаги 5847 нафар, шундан, 1158 нафари кўп тармоқли мақомига эга бўлган ёш фермерлар ҳисобига Ўзбекистонда “Ёш фермерлар Кенгаши” ташкил этилди.

— Биз ёшлар мамлакатимизнинг келажагига бефарқ қараб тура олмаймиз, аксинча юртимизда амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирок этамиз, — дейди Бекобод туманидаги “Нишонбой, Абдурауф Агро” фермер хўжалиги бошлиғи Абдуҳолиқ Маҳмуджон ўғли. — Ўтган 2017 йил хўжалигимиз учун баракали келиб, буғдойдан 75, пахтадан эса гектар бошига 40 центнердан ошириб хирмон кўтардик. Давлатга сотиш режамиз ғаллачиликда 120 фоиз, пахтачиликда 105 фоиз этиб уддаланди. Бу ҳали чегара эмас. Илғорлар тажрибасини ўрганиш, илмий тажрибаларга таяниб иш қилиш, албатта, ўз самарасини беради. Хуллас, эл-

юрт тўкинчилигига муносиб ҳисса қўшиш ниятидамиз.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида халқ манфаатларига садоқат билан хизмат қиладиган билимли, ташаббускор, ишбилармон, ҳалол ва фидойи ёш раҳбар кадрларни тарбиялаш, захирасини яратиш ҳамда уларни давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг масъул лавозимларига тавсия этиш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошида Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти фаолиятини ташкил этиш чоралари тўғрисида”ги қарори институт ёшлар муаммоларини ўрганиш, бу йўналишда илмий-тадқиқот ва таҳлилий фаолиятни олиб бориш, шунингдек, истиқболли ёш кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш йўлида муҳим қадам бўлди.

Ўз мухбиримиз.



2018 йил — Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили

ЭЛЛИКҚАЛЪА КЛАСТЕРИ

Бугун мамлакатимиз аграр соҳасида амалга оширилаётган ислохотларга назар ташлар эканмиз, уларнинг моҳиятида тармоқни янада ривожлантириш, хорижга фақат тайёр маҳсулотлар экспорт қилишни йўлга қўйиш, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, халқимизнинг турмуш даражасини ошириш, бозорларимизда нарх-наво барқарорлигини сақлаш мақсади мужассамлигини англаб етамиз. Қишлоқ хўжалигида ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, экспортбоп маҳсулотлар етиштириш орқали деҳқонларнинг даромадини ошириш борасида барча имкониятлар ишга солинаётганлигини бугун барчамиз билиб турибмиз.

Мазкур модель пахта хомашёсини етиштириш, дастлабки ишлов бериш, маҳсулотни пахта тозалаш корхоналарида кейинги қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматли тайёр тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўз ичига олган ягона ишлаб чиқариш занжирини ташкил этишни кўзда тутди.

Бу борада жорий йилдан бошлаб Ўзбекистонда тўқимачилик саноатини ривожлантиришнинг самарали шаклларида бири — кластерларни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилда мамлакатимизда 60 дан зиёд ана шундай лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган.

Улардан бири Эллиққалъа туманида ташкил этилган “BO'STON CLUSTER” жамиятидир.

Мазкур жамият тумандаги пахтачилик билан шуғullanувчи 381 та фермер хўжалиklarига бўнак маблағлари ажратиб берди. Мазкур маблағлар ҳисобига туманда 10 минг 349 гектардан кўпроқ майдонга мақбул муддатда чигит қадалиб, ниҳоллар тўлиқ ундириб олишга эришилди. Айни кунларда баравж ривожланаётган ғўза ниҳоллари қатор ораларига ишлов бериш, уларни маҳаллий ва минерал ўғитлар билан озиқлантириш, оби-тобида суғориш ишлари

талаб даражасида олиб борилмоқда. Бундан ташқари лойиҳа асосида туманда фермер хўжалиklarига техник хизмат кўрсатувчи механик-операторларнинг малакаси оширилмоқда.

Эллиққалъанинг энг олис чўл ҳудудида алоҳида фермер хўжалиги ташкил қилиниб, 500 гектар майдонга чигит қадалди. Мазкур майдоннинг сув таъминотини яхшилаш мақсадида 25 километр узунликдаги ариқ-зовурлар қазилди ва сув чиқариш насослари ўрнатилди. Худди ана шундай иш туманнинг сув қийин чиқадиган ҳудудларида ҳам амалга оширилди.

Бугунги кунда барча фермер хўжалиklarига керакли бўлган кимёвий ўғитлар, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари ўз вақтида етказиб берилмоқда. Келгусида пахта ҳосилини йиғиб-тегиб олишнинг ҳам тўлиқ механизациялашган ҳолда олиб борилиши режалаштирилаяпти.

Эндиликда туманда етиштирилган пахта хомашёси “BO'STON OPTIMAL TEKSTIL” ва “BO'STON MEGA TEKSTIL” МЧЖларида тўлалигича қайта ишланади ҳамда тайёр маҳсулотлар мамлакатимиз ва чет элдаги бозорларга чиқарилади.

Р.ҚОЗОҚОВ.

ДОРИЛОМОН КУНЛАР ШУКУҲИ

Бувайда агросаноат касб-хунар коллежининг умумий майдони 12 гектарни ташкил этади. Коллежнинг 890 ўринли ўқув биноси, 450 ўринли мажлислар зали, 40 ўринли буфети ва барча имкониятларга эга спорт зали бор.

Мазкур илму амал даргоҳида 90 нафар умумтаълим ва махсус фан ўқитувчиси ҳамда 10 нафар ишлаб чиқариш таълими устаси фаолият кўрсатмоқда.

— Умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини коллежга қабул қилишда ишни амалдаги ҳужжатлар асосида ташкил этдик. Бунда ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари хоҳиши, қизиқишлари ва лаёқатлари ҳисобга олинди, — дейди коллеж директорининг касбий таълим бўйича ўринбосари Зоҳиджон Деҳқонов. — Ҳар бир ўқувчининг ўқишга кирган кунидан бошлаб келгусида эгаллайдиган касби, ихтисослиги бўйича аниқ иш ўрнига

принтер, 1 та сканер аппарати мавжуд. Электрон кутубхона таълим стандартлари асосида яратилган ўқув адабиётлари ва дарсликлар билан таъминланган. Ахборот-ресурс маркази интернетнинг “ZiyoNet” тармоғига уланган. 35 йиллик тажрибага эга, олий маълумотли Маъмурахон Шокирова раҳбарлик қилаётган коллеж кутубхонаси 20024 тадан зиёд китоб фондига эга бўлиб, даргоҳ доимо ўқувчилар билан гавжум.

Мавжуд 39 та ўқув хонасининг 29 таси 30 ўринга, 10 таси 15 ўринга эга. Уларнинг барчаси ўқув дастурларига мос стендлар билан жиҳозланган. Кимё, биология, физика лабораториялари, тикувчилик, чилангарлик устахоналари доимо ўқувчилар ихтиёрида. Коллежда 15 та умумтаълим, 20 та махсус ва 10 та спорт тўғараклари мавжуд. Коллеж ўқувчилари туман, вилоят, республика миқёсида ўтказилаётган спорт мусобақаларида мунтазам қатнашиб, фахрли ўринларга сазовор бўлишмоқда.

Коллежда доимий равишда оммавий тадбирлар ўтказиб келинади. Шу ўқув йилининг ўзида ўқувчиларнинг таълим-тарбиясига ижобий таъсир кўрсатадиган, уларнинг Ватанга, халқимизга, қолаверса, ота-онасига муҳаббатини оширадиган тадбирлар мунтазам ўтказилади.

“Ўқитувчи ва мураббийлар кунини”га бағишланган тантанали йиғилиш ва байрам тадбирига коллежда узоқ йиллар самарали меҳнат қилиб, ҳозирда кексалик гаштини сураётган ўқитувчилардан М. Норқўзиев, Ш. Турсунов, М. Жўрабоева ва бошқалар таклиф этилди. Фахрийларга коллеж маъмурияти ва касоба уюшмасининг эсдалик совғалари тақдим этилди.

Буюк бобокалонларимиз Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг таваллуд кунлари ҳам коллежда тантанали нишонланди. Тадбирда сўзга чиққанлар уларнинг бой ижодий меросларига атрофлича тўхталиб ўтдилар, мутафаккирлар ижодидан намуналар,



Суратда: коллеж директорининг касбий таълим бўйича ўринбосари Зоҳиджон Деҳқонов ва ўқитувчи Муқаддас Тиллаева.

сахна кўринишлари, мусиқий чиқишлар намойиш этилди

1 март Ўзбекистон халқ шоираси Зулфияхоним таваллуди кунига бағишлаб коллеж хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар иттифоқи томонидан “Зулфияхоним издошлари” кўрик-танлови ўтказилди. Танловда 14 нафар қиз ўзаро баҳслашдилар. Ташкилотчилар томонидан таъсис этилган номинациялар бўйича голиблар эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Бундан ташқари, 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунини муносабати билан ўқувчи қизлар ва аёл ўқитувчилар ўртасида спортнинг волейбол, баскетбол ҳамда шахмат-шашка турлари бўйича спорт мусобақалари ўтказилди.

Президентимизнинг 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб муталааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги Фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган адиблар Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповлар ҳаёти ва ижодига бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Бир сўз билан айтганда, коллеж раҳбарияти, ўқитувчи-ўқувчилари дориломон кунлар шукӯҳи билан ўз олдларига қўйган мақсадларига интилиб яшамоқдалар.

Ф.МИРЗАЕВ.



Суратда: ўқитувчи Олмаҳон Рўзमतова ўқувчилар Ҳаётхон Отажонов ва Мусажон Ҳожиакбаров билан.

бириктириш бўйича ташкилотлар ёки корхоналар белгилаб қўйилди.

Коллежда фермер хўжалигини бошқариш, агрономия, қишлоқ хўжалиги машина ва жиҳозларига хизмат кўрсатиш механиги, қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш электро-техниги, тўқимачилик ишлаб чиқариш техник-технологи, пахтага бирламчи ишлов бериш техник-технологи, тикув ва тикув-трикотаж буюмларини ишлаб чиқариш техник-технологи, зоотехник ҳамда ветеринар, жами 9 турдаги касблар бўйича мутахассислар тайёрланмоқда.

2016—2017 ўқув йилида коллежни 778 нафар ўқувчи битирди ва уларнинг 742 нафари тумандаги фермер хўжаликларига ишга жойлашди. 32 нафар ўқувчи эса олий таълим муассасаларига ўқишга кирди.

Коллеж ахборот-ресурс маркази тўла техник воситалар билан жиҳозланган. 6 та компьютер, 1 та

БАРКАМОЛ АВЛОД — ЮРТ КЕЛАЖАГИ

Қашқадарё ўзининг ерости ва ерусти бойликлари, мард ва лафзи ҳалол деҳқонлари билан донг таратган. Вилоятда пахтачилик, галлачилик, боғдорчилик ва сабзавотчилик йилдан йилга юксалиб бормоқда.

Зариф Бурҳонов Тошкент қишлоқ хўжалик институти (ҳозирги ТошДАУ)ни тугатгач оддий ишчи бўлиб фаолият бошлади. Сўнгра узоқ йиллар хўжаликка, тумандаги қатор қишлоқ хўжалиги ташкилотларига, вилоят мева-сабзавот бирлашмасига раҳбарлик қилди. Ҳалол ва фидокорона меҳнатлари учун “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан мукофотланди. Айни пайтда кексалик гаштини суриш билан бирга, “Қашқадарё Агрокимёхимоя” худудий акционерлик жамиятига қарашли “Кимёгар” болалар оромгоҳига раҳбарлик ыилмоқда.

– Мазкур вазифага тайинланганимдан кейин соҳани, унинг билимдонлари тажрибаларини атрофлича ўргандим, – дейди Зариф ака. – Давр талабларига мос тарзда, қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга оширдик. Кадрларни танлов йўли билан қабул қилдик. Ўйлайманки, бу ўзининг самарасини беради. Оромгоҳнинг қайта туғилиб, ўзгача чирой очишида вилоят ва Китоб тумани ҳокимликлари ҳамда ҳомийларнинг ҳиссаси катта бўлди. Бунёдкорлик ишлари натижасида дам олиш жойлари 50 тага кўпайиб, энди оромгоҳда бир вақтда аграр соҳа ходимларининг 300 нафар фарзандлари дам олишлари мумкин.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда баркамол авлодни тарбиялаш масаласига устувор йўналишлар сифатида эътибор қаратилиб, ўғил-қизларимизнинг интеллектуал ривожланиши, маънавий ва жисмоний камолоти йўлида кенг қамровли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Болаларнинг кўнгилдагидек ёзги дам олишини таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ҳам шундай тизимли тадбирлар сирасига киради.

“Кимёгар” болалар оромгоҳи

да жорий мавсумда фаолият самарадорлигини ошириш, ўғил-қизлар ҳордигини ташкил этиш йўналишидаги ишларни такомиллаштириш ва кўламини кенгайтиришга йўналтирилган янги-ча ёндашувлар амалга татиқ этилмоқда. Бунинг учун оромгоҳдаги мутахассислар янгиланган услубий қўлланма ва тавсиялар, маданий-маърифий ва спорт тадбирларини ўтказиш бўйича қўлланмалар тўпламлари билан таъминланди. Хавфсизликни таъминлаш мақсадида оромгоҳда ички ишлар, ёнғин хавфсизлиги, тиббиёт, энергетика, коммунал соҳа ходимларининг туну кун навбатчилигини ўрнатиш режалаштирилган.

– Болаларнинг овқатланиш рационини бойитиш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш борасида ҳам бир қатор янгиликлар жорий қилинади, уларнинг саломатлиги доимий равишда малакали шифокор ва ҳамширалар назоратида бўлади, – дейди З.Бурҳонов.

Оромгоҳда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Кам таъминланган оилалар, боқувчисиз қолган болалар бепул йўлланмалар асосида дам олиш имкониятидан фойдаланадилар. Ёз мавсуми давомида мунтазам маданий-маърифий тадбирлар ҳамда спорт мусобақалари уюштирилади.

Оромгоҳ жорий йилда нафақат болажонларнинг бўш вақтлари мазмунли ўтадиган ҳордиқ масканига, балки уларни жисмонан ва маънан ривожлантириш марказига ҳам айланади. Гуруҳлар ҳамда ўқувчилар ўртасида мунтазам “Билимлар беллашуви” мусобақалари ўтказилади.

Болаларни сайрларга олиб бориш ва олиб келиш ишлари



йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари кузатувида амалга оширилади. Шунингдек, оромгоҳнинг барча тузилмаларида ёнғин хавфсизлиги чоралари кўрилиб, ёнғин хавфсизлиги бурчаклари ташкил этилди.

Ҳордиқ масканида таълим-тарбия жараёнини мазмунли ташкил этиш, бу ишга малакали кадрларни йўналтириш чоралари кўрилди. Шу мақсадда ўқув-услубий қўлланмалар қайта кўриб чиқилиб, мазмунан такомиллаштирилди. Айниқса, тўғарақларни ташкил этишга жиддий эътибор қаратилди, чет тилларни ўргатиш дастурлари янада кенгайтирилди.

Ёш ижрочилар, маданият ва санъат арбоблари иштирокида маданий-маърифий тадбирлар, учрашув ва суҳбатлар ташкил этилади. Бундай тадбирлар, шубҳасиз, ўғил-қизлар маънавиятини юксалтиришга, дунёқарашини кенгайтиришга ҳамда уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, “Кимёгар” оромгоҳида болаларнинг ёзги соғломлаштириш мавсумига пухта ва уюшқоқлик билан тайёргарлик кўрилди. Бу юртимизнинг эртанги кўни бўлган ўғил-қизларимизнинг мароқли ҳордиқ чиқариб, саломатликларини мустаҳкамлаб олишлари, пировардида таътилни мазмунли ўтказишларига замин яратди. Зеро, шу азиз Ватан ардоғида камолга етган ёш авлод ғам-хўрликдан руҳланиб, мамлакатимиз эришаётган ютуқлар саломатини янада оширишга, унинг халқаро микёсдаги нуфузини бундан-да юксалтиришга интилиши, шубҳасиз.

Ўз мухбиримиз.

КЛАСТЕР ҲУСУСИДА МУҲИМ ҚўЛЛАНМА

Иқтисод фанлари доктори, профессор М.Раҳматов ҳамда биология фанлари доктори, профессор Б.Зарипов ҳаммуаллифлигидаги “Кластер – интеграция, инновация ва иқтисодий ўсиш” деб номланган китоб “Замин Нашр” МЧЖ нашриёти томонидан чоп этилди.

Ушбу рисола ғояси давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг 10–11 март ва 2018 йил 16–17 февраль кунлари халқ билан мулоқот қилиш ҳамда жойларда амалга оширилаётган ислохотлар билан танишиш мақсадида Бухоро вилоятига ташрифлари чоғидаги “Пахта ва тўқимачилик кластери” лойиҳаси билан танишуви асносида юзга келган.

Китобда мамлакатимиз агросаноатида биринчилардан бўлиб Бухоро вилоятида ташкил қилинган “Пахта ва тўқимачилик кластери” тизимини жорий этиш билан боғлиқ интеграцион, инновацион, иқтисодий ҳамда назарий-амалий ғоялар ёритилган.

Шунингдек, Ўзбекистонда кластер тизими асосида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илмий асослари кўрсатиб берилган. Кластер тизимининг пировард мақсади - ишлаб чиқаришда юқори қўшимча қийматга эга бўлган экологик тоза, экспортбоп, Ўзбекистон бренди билан маҳсулотлар яратиш, аҳолининг кенг қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш – уларнинг бандлигини таъминлаш ва муносиб меҳнат шароити яратиш каби муҳим ижтимоий масалалар ечими эканлиги ўз ифодасини топган.

Бундан ташқари, кластер тизимида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги барча мутахассислар – деҳқонлар, олимлар, муҳандислар, агрономлар, иқтисодчилар, ветеринарлар, олий ва ўрта махсус таълим ўқув юртлари талабалари, илмий ходимлар ва бошқа соҳа касб эгаларининг ягона мақсад сари фаолият механизмлари имкониятлари очиб берилган.

Маълумки, мамлакатимизда, шу жумладан, Бухоро вилоятида пахтачилик борасида катта тажриба тўпланган. Ўзига хос қийин шароитда – тупроғи шўрланган, сув таъминоти мураккаб, об-ҳавоси кескин ўзгарувчан ҳудуд бўлишига қарамай бухоролик пахтакорлар юқори ҳосил олишга эришиб келмоқдалар. Бирламчи қайта ишлаш саноатида кейинги йилларда соҳада амалга оширилган модернизация самарасида ютуқлар кўлами кенгайиб бормоқда.

Пахтаимиз ранги, толасининг

узунлиги, пишиқлиги ва микронейер кўрсаткичлари билан халқаро стандартларга тўлиқ жавоб беради. Бу унинг жаҳон тола бозорида харидорлигини таъминлайдиган энг муҳим жиҳатларидандир. Аммо, Президентимиз таъкидлаганидек, ушбу толани ўзимизда қайта ишлаб, тайёр маҳсулот шаклида жа-



ҳон бозорига олиб чиқсак-чи? Даромад бир неча баробарга ошиши табиий. Қолаверса, пахта ўсимлигидан олинадиган яна юзлаб маҳсулотлар ҳам борки, буларнинг барчаси иқтисодий самарани бир неча баробарга оширади. Энг муҳими, кўплаб янги иш ўринлари яратилади.

Айни чоғда Бухорода етиштирилаётган пахта толасини 20,6 фоизи вилоят ҳудудида саноат усулида қайта ишланмоқда. Янги лойиҳа бўйича вилоятнинг 7 та шаҳар ва туманида шу йўналишда 20 та йирик саноат корхонасини фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Бу вилоятда етиштирилаётган пахта толасининг 65 фоизини қайта ишлаш, минглаб янги иш ўрнини ташкил этиш имконини беради.

Пахтачилик-тўқимачилик кластери – “Bukhara cotton textile cluster” корхонасининг ташкил этилиши 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқти-

содиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайитириш борасидаги ислохотларни давом эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб қилиш юзасидан белгиланган вазифаларни бажаришга хизмат қилади.

Пахта-тўқимачилик кластери – улкан лойиҳа, иқтисодий тараққиётнинг муҳим шартларидан бири. У билан яқиндан танишиш, моҳиятини чуқурроқ англаш нафақат соҳа ходимлари, мутахассислари, иқтисодчилар учун, балки кенг омма учун аҳамиятлидир. Зеро, барчамизнинг тақдиримиз шу заминга боғланган. Тараққиёт – инновацияни талаб этади. Улардан қанчалик хабардор бўлсак, ривожланишда ҳам шунчалик ҳиссамиз ошади.

Муаллифларнинг таъкидлашича, кластерларни шакллантиришдан мақсад – шаҳар, туман ва вилоят ичида жойлашган бир хил соҳа корхоналарини ва улар билан ягона технологик занжирда бўлган таълим, илмий, инжиниринг, консалтинг, стандартлаштириш, сертифициклатиштириш ва бошқа хизматларни уйғунлаштириш – инновацион ишлаб чиқаришни ташкил этиш асосида рақобатбардош товарлар яратишга йўналтиришдан иборат. Бунда аҳолини иш билан таъминлашдек муҳим жиҳат ҳам ўзини намоён этади.

Китобда келтирилишича, “Кластер” атамаси французча сўз бўлиб, ўзбекча таржимаси “боғлам”, “гурӯҳ”, “тўпланиш” маъноларини беради. Кластер назариясининг асоси бўлиб, таниқли инглиз иқтисодчиси Альфред Маршаллнинг XIX аср охирида ёзилган “Иқтисодий билим асослари” номи асаридagi ихтисослашган тармоқ-соҳаларнинг алоҳида ҳудудларда уйғунлаштириш тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари ҳисобланади.

Мазкур рисола тадбиркорлар, фермерлар, мутахассислар, талабалар ва умуман кластер тизимига қизиқувчи барча китобхонлар учун мўлжалланган.

Ш.ТЕШАЕВ,
қ.х.ф.д., профессор.

ЃЎЗАНИНГ “АНДИЖОН-36” НАВИНИНГ МОРФОЛОГИЯСИ, БИОЛОГИЯСИ ВА АГРОТЕХНИКАСИ

In the article, cephalopathy, biology, valuable facts for economy and growing agro technology and to achieve high gross yield of "Andijan-36" type of cotton plant is shown.

Ѓўзанинг “Андижон-36” нави Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти Андижон илмий-тажриба станцияси селекционерлари М.Дадажонов, А.Қосимов, Х.Эгамов ва бошқалар томонидан (175-ФхАндижон-13 хАндижон-21) дурагайлаш ва кўп марта танлаш йўли билан яратилган.

Фарғона водийси вилоятларининг ҳар хил тупроқ-иқлим шароитларида “Андижон-36” навини эккан айрим фермер хўжаликларидан ҳар йили гектаридан 38–41 ц. дан ошириб пахта ҳосили олинмоқда.

“Андижон-36” навининг тупи конуссимон шаклда, бўйи 110–115 см, пояси мустақам, ётиб қолмайди, кучсиз тукланган. I типда шохланади, ўсув шохлар сони 0–1 дона бўлади. Биринчи ҳосил шохи 5–6-бўғиндан чиқади, ўрта пишар навлар гуруҳига киради, амал даври 120–122 кун. Барглари ўртача катталиқда, 3–5 бўлмали, қирқилгансимон, ўртача тукланган. Гули ўртача катталиқда, гултож барглари оч сариқ, кўсақлари ўртача катталиқда, овалсимон, 4–5 чаноқли, тумшукчали. Бир дона кўсақдаги пахта вази 5,5–6,0 грамм. Чигити тукли, кулранг, 1000 дона чигит вази 108–115 грамм. Навнинг тола хусусиятлари: оқ рангли, узунлиги 34–35 миллиметр, тола чиқиши 38,6%, пишиқлиги 4,6 грамм/куч, нисбий узилиш узунлиги 28,4 гк/текс, метрик рақами 6030, микронейри 4,6, IV санаот типига мансуб.

Ѓўзанинг “Андижон-36” навини тупроғи унумдор майдонларга жойлаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Уни муайян тупроқ шароитига, ернинг нишаблигига, рельефига монанд ҳолда 60 ва 90 сантиметрли қатор ораларга экиш мумкин.

Нав кўш қаторлаб ва плёнка усулини қўллаб экишга мос. Ҳар бир уяда бир донадан ўсимлик қолдириладиган экиш тартибини қўллаш ғўзанинг ўсиб-ривожланиши ҳамда пахта ҳосилдорлигига ижобий таъсир этади. Мақбул чигит экиш муддати оддий, очиқ усулда 1–10 апрель, плёнка усулида 15–20 март. Бу муддат йил шароитига қараб 3-4 кун олдин ёки кечроқ бўлиши мумкин. Чигит экиш чуқурлиги, бир уяга ташланадиган уруғ сони бошқа навларникидан фарқ қилмайди [1, 2].

Чигит экиш олдида яхоб суви берилган майдонларда бу нав чигити тез кунда қийғос униб чиқади, соғлом, дуркун ўсиб-ривожланади. Тупроқ намлиги етарли бўлмаган даладарда чигит суви бериб экиш, уруғларнинг тўлиқ униб чиқишини таъминлайди. Чигит текис униб чиққан майдонларда ниҳоллар 1–2 дона чинбарг чиқарганда яганалаш ўтказилади.

Мазкур нав учун муайян даланинг тупроқ шароитига қараб кўчат қанлиги қолдирилади. Хусусан, унумдорлиги юқори майдонларда гектар ҳисобига 80–90 минг туп, ўртача унумдор тупроқли даладарда 100–120 минг туп, тупроқ унумдорлиги паст, тошлоқ, адирли даладар шароитида 120–140 минг туп кўчат қалинлиги сақлаш тавсия этилади.

“Андижон-36” навини амал даврида биринчи марта сугориш, тупроқ шароити ҳамда ўсимлик ҳолатига қараб сизот суви чуқур жойлашган майдонларда бир туп ўсимлик ўртача 6–7 дона чинбарг чиқарганда ёки шоналаш даври бошланганда, сизот суви юза жойлашган тупроқлар шароитида эса (захкаш ерларда) ёппасига шоналаш даврида ўтказилади. Кейинги амал давридаги сугоришлар ўсимлик ҳолати ва тупроқ намлигига қараб ўтказилаверилади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Эгамов Х. Ѓўзанинг янги тизмаларини хўжаликка фойдали белгиларини ўрганиш натижалари // Дала экинлари селекцияси, уруғчилиги ва агротехнологияларининг долзарб йўналишлари. 2016 й, 253-256-бетлар.
2. Эгамов Х., Раҳмонов З., Атахожиева Ф., Мирхамидова Г. Продуктивность и качество волокна нового сорта УзПИТИ-201 при загищении // Современные тенденции развития науки и технологий периодический научный сборник. - Белгород, 2016. - С. 160-163.
3. Эгамов Х., Мирхамидова Г., Назаров М., Тўхтаров Б., Иминов М., Тўйчиев Н. Ѓўзанинг янги тизмалари асосида янги навларни яратиш // “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлашда илғор агротехнологиялардан самарали фойдаланиш, ирригация ва мелiorация тизимларини ривожлантириш: муаммо ва ечимлар” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. - Андижон, 2016. 138-142-бетлар.

Ушбу навни маъдан ўғитлар билан озиқлантиришнинг йиллик меъёри: азот – 250 кг/га, фосфор – 175 кг/га, калий – 125 кг/га, нисбати эса 1:07:05 бўлиши лозим. Маъдан ўғитлар билан озиқлантириш кечи билан оддий, очиқ усул қўлланган майдонларда 10 июлда, плёнка усули қўлланган майдонларда 20 июнда тугалланиши керак. Бу нав парваришланаётган даладарда ғўза қатор ораларига ишлов бериш чуқурлиги, қамров кенлиги, сони амалдаги тавсиялар асосида олиб борилади.

“Андижон-36” ғўза навини чилпиш муайян майдондаги ғўзанинг кўчат қалинлигини ҳисобга олиб ўтказилади. Навнинг кўчат қалинлиги гектар ҳисобига 80–90 минг туп бўлганда, бир туп ўсимлик ўртача 14–15, 100–120 минг туп бўлганда 13–14, 120–140 минг туп бўлганда 12–13 ҳосил шохи пайдо бўлганда чилпиш амалга оширилади. Чилпиш ишлари чигити оддий, очиқ усулда экилган майдонлар 5 августда, чигити плёнка остига экилган майдонларда 20 июлда яқунланиши мумкин [3].

Мазкур ғўза нави парваришланаётган майдонларда бегона ўтлар, ҳашаротлар ва касалликларга қарши кураш тадбирлари ҳамда дефоляция ўтказиш бошқа навларникидан фарқ қилмайди. Бу агротадбирлар амалдаги тавсиялар асосида ўтказилаверилади.

Ѓўзанинг “Андижон-36” нави юқори агротехникавий савияда, ушбу тавсияларга амал қилинган ҳолда парвариш қилинса, гектаридан 40–45 центнердан ошириб сифатли ва эртаки пахта ҳосили етиштириш мумкин.

Х.ЭГАМОВ,

ПСУЕАИТИ Андижон илмий-тажриба станцияси катта илмий ходими,

И.КИМСАНОВ, Г.МИРХОМИДОВА,

АндҚХИ.

ЎРТА ТОЛАЛИ С-5706 ВА С-5707 ҒЎЗА НАВЛАРИНИНГ ИЖОБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Республикамызда пахта ҳосилдорлигини ошириш ва тола сифатини янада яхшилаш, мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва сув танқислигига чидамли навларни яратиш бўйича кенг кўламда тадбирлар амалга оширилмоқда. Ғўзанинг турли касалликларга, стресс омилларга, жумладан, сув танқислигига генетик жиҳатдан чидамли бўлган бошланғич ашёларини яратишда *G.hirsutum* L. турига мансуб ёввойи ва яримёввойи намуналаридан фойдаланиб, маданий турларнинг қимматли хўжалик белгиларининг генетик ўзгарувчанлигини ошириш, мавжуд донорларнинг генетик асосларини такомиллаштириш орқали эришиш мумкин. Дурагай организмлар-

(якка танлов ўтказиш, ҳимоя ҳудуди, чигитларни зарарсизлантириш), барча касалликлардан тўлиқ ҳимоя қилиш, уруғ орқали навларни экишда уларнинг тарқалмаслигини таъминлаш лозим, акс ҳолда навларнинг хўжалик-биологик хусусиятини пасайишига сабаб бўлади[1].

Тадқиқотларимизда илк маротаба ғўзанинг *ssp.ssp.yucatanense*, *ssp.punctatum*, *ssp.morilli*, *ssp.richmondi*, *ssp.marie-galante*, *ssp.brasiliense*, *G.thurberi*, *G.raimondi* намуналаридан гермоплазманинг янги манбаларини мамлакатимизнинг сув кескин танқис бўлган ва шўрланган тупроқлари шароитида, селекцион мосланувчанликнинг генетик жи-

кўрсаткич ўртача 39,2–39,9 ц/га. ни ташкил этиб, стандарт навга нисбатан гектаридан ўртача 5,5–6,2 центнер юқори ҳосил олиш имконини яратди (расм).

Тола узунлиги андоза С-6524 навида ўртача 33,4 мм. ни ташкил этиб, бу кўрсаткич янги С-5706 ва С-5707 навларида эса ўртача 34,8–35,9 мм. ни ташкил этгани ҳолда, белги бўйича андоза навга нисбатан 1,4–2,5 мм. га юқори бўлганлиги қайд этилди.

Кузатувларда иштирок этган андоза С-6524 навида вилт касаллиги билан умумий зарарланиш 35,2 фоизни ташкил этган бўлса, С-5706 ва С-5707 навларида бу кўрсаткич ўртача 11,5–15,1% бўлиб, стандарт навга нисбатан вилт касаллиги билан умумий зарарланиши 20,1–23,7% кам бўлганлиги аниқланди. Вилт билан кучли даражада зарарланиш стандарт навда 16,6 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич С-5706 ва С-5707 навларида ўртача 3,3–4,1 фоизни ташкил этган ҳолда, стандарт навга нисбатан 12,5–13,1 фоизга кам зарарланиши кузатилиб, стандартга нисбатан яратилган С-5706 ва С-5707 навлари вилт касаллигига бирмунча бардошли эканлиги аниқланди.

Хулоса қилиб айтганда, тадқиқотлар натижасида ғўзанинг *ssp.ssp.yucatanense*, *ssp.punctatum*, *ssp.morilli*, *ssp.richmondi*, *ssp.marie-galante*, *ssp.brasiliense*, *G.thurberi*, *G.raimondi* намуналаридан гермоплазманинг янги манбаларидан фойдаланган ҳолда яратилган навлар мамлакатимизнинг сув кескин танқис бўлган ва шўрланган тупроқлари шароитида ҳам андоза навлардан устунлиги бўйича алоҳида аҳамиятга эга.

Б.МАДАРТОВ,


қ.х.ф.д.,(ПСУЕАИТИ),

Ф.АБДИЕВ,

қ.х.ф.н.,(ТошДАУ),

А.ЧУЛЛИЕВ,

(ТошДАУ).



С-5706 ва С-5707 ғўза навларининг пахта ҳосилдорлиги, тола узунлиги ва вилт касаллиги билан зарарланиши

да полигенларнинг ижобий рекомбинацияси натижасида генетик жиҳатдан бойитилган генотипларнинг пайдо бўлишига олиб келадиган турли дурагайлаш услубларини қўллаш ижобий самара беради. Бунда янги генетик ўзгарувчанликка эга қимматли рекомбинантлар трансгрессив шакллари ажратиб олиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

А.Наримонов, Ж.Абдурайимов, Ж.Раҳимовларнинг таъкидлашича, ғўзанинг уруғчиликда кўпроқ самара берадиган услубларини қўллаш

ҳатидан хилма-хил хусусиятлари аниқланди. Тадқиқотлар олиб бориш натижасида селекция амалиётида Мексикадан келтирилган намуналарни Америка ва маҳаллий навлар билан дурагайлаш натижасида селекцион амалиётида ижобий кўрсаткичларни ўзида мужассам этган ғўзанинг янги навлари яратилди.

ПСУЕАИТИнинг станцион нав синови маълумотларига кўра, стандарт С-6524 навида умумий ҳосилдорлиги 33,7 ц/га. ни, янги С-5706 ва С-5707 навларида эса бу

АДАБИЁТЛАР

1. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. - Москва: Агропромиздат, 1985. - 351 с.
2. Наримонов А., Абдурайимов Ж., Раҳимов Ж. Ғўза уруғчилигида асосий тамол // "Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги" журнали. - Тошкент, 2008. - №10. - Б. 15.

КУЗГИ БУҒДОЙ ЕТИШТИРИШДА УРУҒЛАР ФРАКЦИЯЛАРИ ВА ОЗИҚЛАНТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИККА ТАЪСИРИ

In sowing varietal seeds of local varieties of Gazgan with winter soft wheat, the net income is 244838-229848 soums/ha, the profit margin is 10,7-10,0% due to the sowing of highly fractional seeds. When growing seed grains of local varieties of Gazgan winter soft wheat, due to the optimization of top-dressing the net income is 764980-874908 soums/ha, the profitability is 33,4-38,1%.

Ҳозирги вақтда кузги буғдойнинг уруғлик донларини тайёрловчи ташкилотлар ишларини талаблар даражасида деб бўлмайди. Чунки, кузги буғдой навдор уруғлик донларини тайёрлашда тешиклари 2,0–20 мм ва 2,2–20 мм бўлган элакларда элашлари оқибатида сифатсиз уруғлик донлар экилиши эвазига дон ҳосилдорлигининг маълум даражада пасайиши кузатилмоқда. Буғдойнинг уруғлик донлари сифатли тайёрланганда камида учдан бир қисми уруғлик донлар таркибига кирмаслиги керак. Буғдой уруғлик донлари тешиклари майда бўлганлари элакларда эланиши оқибатида экиш учун ажратиладиган уруғлик донлар 70–80% ташкил этаётганлиги сабабли дон ҳосилдорлиги ва сифатининг маълум даражада пасайиб кетишига сабаб бўлмоқда [4, 5, 6].

Шу мақсадда Косон туманидаги “Толиб Тураевич” фермер хўжалигида 2015–2017 йилларда кузги буғдой етиштиришда уруғлар фракциялари ва озиқлантиришнинг иқтисодий самарадорликка таъсирини ўрганишга бағишланган дала тажрибалари ўтказилди.

Тажрибаларимиз Б.А.Доспеховнинг “Методика полевого опыта” услубияти бўйича ўтказилди [2].

Уруғлик донларни экиш меъёри дон фракциялари бўйича 5 млн. дона/га белгиланиб 1000 дона дон вазига кўпайтириш йўли билан экиш меъёрлари аниқланди.

Ҳосилдорлик бўйича иқтисодий самарадорлик махсус инструкция ва норматив бўйича аниқланди [3].

Тадқиқотларимиз натижалари бўйича кузги юмшоқ буғдойнинг маҳаллий “Фозгон” нави уруғлик донлари етиштирилганда дон фракцияларидан қатъий назар минерал ўғитлар қўлланилмасдан етиштирилганда иқтисодий жиҳатдан самарасиз бўлиши аниқланди.

Чунки, тадқиқотнинг барча фракциялари бўйича ҳам тажриба вариантларидаги соф фойда 694050 сўм/га. дан 893924 сўм/га. гача пасайиб бориб мутаносиб ҳолда рентабеллик ҳам 30,3 фоиздан 39,0 фоизгача пасайиб боришини кўрсатди. Шунга қарамадан, дон фракцияси юқори бўлгандаги (2,8–20 мм) соф фойдага нисбатан дон фракциялари паст бўлгандаги (2,0–20 мм) соф фойданинг камайиши 199874 сўм/га. ни ташкил этди, рентабеллик эса мос равишда 8,7 фоизгача пасайиши кузатилди. Бундай ҳолат кузги буғдой уруғлик донларининг юқори фракцияли донлари етиштирилганда тупроқ унумдорлиги паст бўлганда ҳам ижобий натижа бўлишлигини кўрсатади.

Юқори фракцияли кузги юмшоқ буғдойнинг “Фозгон” нави уруғлари етиштирилганда иқтисодий самарадорликнинг юқори бўлиши минерал ўғитларнинг тавсия этилган ($N_{180}P_{90}K_{60}$) ва оширилган ($N_{210}P_{105}K_{70}$) қўлланилганда ҳосилдорликнинг юқори бўлиши ҳисобига ошиши кузатилди. Бундай ҳолат минерал ўғитлар мақбуллаштирилган ҳолда қўлланилганда дон ҳосилдорлигининг минерал ўғитлар қўлланилмасдан етиштирилгандаги нисбатан деярли 2 ҳисса юқори бўлиши билан боғлиқ.

Кузги юмшоқ буғдойнинг маҳаллий “Фозгон” нави етиштирилганда минерал ўғитларнинг мақбуллаштирилган меъёрлари ва нисбатлари қўлланилганда дон ҳосилдорлиги салмоғига мутаносиб ҳолда соф фойда ва рентабелликнинг сезиларли даражада ошиши аниқланди.

Кузги юмшоқ буғдойнинг маҳаллий “Фозгон” навининг юқори фракцияли донлари экилиб минерал ўғитлар меъёрлари ва нисбатлари тавсия этилган ($N_{180}P_{90}K_{60}$) ва оширилган ($N_{210}P_{105}K_{70}$) меъёрлари ва нисбатлари қўлланилгандаги

юқори фракцияли уруғлик донлар фониди етиштирилгандаги соф фойда 764980–874908 сўм/га, рентабеллик эса 33,4–38,1 фоизни ташкил этгани ҳолда паст фракцияли донлар фонларидаги соф фойда 520142–645060 сўм/га, рентабеллик эса 22,7–28,1 фоизни ташкил этди ёки юқори фракцияли донлар (2,8–20 мм) фониди етиштирилган кузги юмшоқ буғдойнинг маҳаллий “Фозгон” нави уруғлик донларини етиштириш бўйича олинган соф фойда паст фракцияли (2,0–20 мм) донлар фониди нисбатан тавсия этилган ($N_{180}P_{90}K_{60}$) фониди 244838 сўм/га. ни ташкил этиб, минерал ўғитлар меъёрлари ва нисбатлари оширилиб ($N_{210}P_{105}K_{70}$) қўлланилганда 229848 сўм/га юқори бўлишлиги кузатилди. Худди шундай ҳолат рентабеллик бўйича ҳам такрорланиб, юқори фракцияли донларда минерал ўғитлар қўлланилишини мақбуллаштирилиши ҳисобига ошиши юқори фракцияли донлар фониди 33,4–38,1%, паст фракцияли донлар фониди 22,7–28,1 фоизни ташкил этгани ҳолда юқори фракцияли уруғлик донлар экилиши ҳисобига рентабеллик 10,7–10,0% ошиши аниқланди.

Хулоса қилиб айтганда, кузги юмшоқ буғдойнинг маҳаллий “Фозгон” нави юқори фракцияли донлари экилиши ҳисобига олинган соф фойда 244838–229848 сўм/га, рентабеллик 10,7–10,0 фоизни ташкил этади.

Кузги буғдойнинг уруғлик донлари етиштирилаётганда минерал ўғитлар билан озиқлантиришни оптималлаштирилиши ҳисобига олинган соф фойда 764980–874908 сўм/га, рентабеллик 33,4–38,1 фоизни ташкил этади.

Д.БОТИРОВА,
(ҚарМШИ).

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга доир ташкилий чоратadbирлар тўғрисида”ги фармойиши.
2. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. М.: “Колос” 1985. - 317 с.
3. Инструкции и нормативы по определению экономической эффективности удобрений. Т. ЦИНАО, 1987. - 20 с.
4. Қўзйибоев Ш.С., Исаев Р.С. Бошоқли дон экинлари уруғчилигидаги муаммолар. Пахтачилик ва дончилик. Тошкент, 2000. - №2, 35–39 бетлар.

КУРТАК ЮКЛАМАСИНИНГ “МУСКАТ РОЗОВЫЙ” НАВИ ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

In the article it was expressed the productiveness indices changes of Muskat pink species of grape loads when applied in various variants. It was scientifically studied considerably improving of productivity when there to be left appropriate bud loads in the wine.

Ток навларининг асосий белгиларидан бири, бу унинг ҳосилдорликни эмбрионал, потенциал, ҳақиқий ҳосилдорлик каби хиллари ҳисобланади. Ток тупининг ҳосилдорлик кўрсаткичлари шу йилги пишиб етилган новдаларидаги қишлоғчи куртакларда шаклланган тўпгул муртагининг миқдори ва уларнинг ўсув давридаги ҳолатини аниқлаш йўли билан белгиланувчи (биологик ҳосилдорлик), ўсимлик органик маҳсулотлари массасини кўрсатувчи, ҳар бир ток тупи ёки бир гектар майдондаги етиштирилган ҳосилнинг умумий миқдори билан белгиланувчи (хўжалик ҳосилдорли-

“Мускат розовый” навининг 20 ёшли ток тупларида олиб борилди. Тажриба вариантлари 4 такрорланишда ўтказилиб, ҳар бир такрорланишда 10 тадан ток туплари танлаб олинди, уларга ҳар хил миқдорда куртак юкламалари қўйилди. Ўтказилган тажрибаларни танлаш, вариантларни жойлаштириш умум қабул қилинган усулларда олиб борилиб, олинган маълумотларнинг статистик таҳлили Б.Д.Доспехов [2] услубида амалга оширилди.

“Мускат розовый” навининг ток тупи юкламаси 100–120 та, 120–140 та (назорат), 140–160 та, 160–180 та, 180–200 та, 200–220

кўрсаткичлари 27,9 фоизгача юқори бўлди.

Бунда энг кўп ҳосилли новдаларнинг кўп бўлиши ток тупи юкламаси 140–160 та куртак бўлганда назоратга нисбатан 18,4% кўпайди. Битта ҳосилли новдалар 4,2, иккита ҳосилли новдалар 9, учта ҳосилли новдалар эса 5,2 фоизга ошди. Битта ҳосилли новдалардаги узум бошлар сони 1,04, ҳосилли новдалар сони 95,3 фоизни ташкил қилди. Бунда кўриниб турибдики, ток тупидаги куртаклар сони ошиши билан ҳосил новдалари ошади, лекин ривожланган барча новдалардаги узум бошлари камаяди. “Мускат розовый” навининг ҳосилли новдалари структураси таҳлил қилинганда, уларнинг аксарият қисми 1 ва 2 та узум бошли новдалардан иборат эканлиги аниқланди. Ўрганишлар шуни кўрсатдики, куртаклар юкламаси юқори бўлганда ҳосилли новдалар камайиши кузатилди.

Шундай қилиб, ўрганилаётган вариантларда ривожланган новдалар сони ҳамда ҳосилли новдалар сони бўйича бир-биридан фарқ қилди. Ҳосилли новдалар структурасига кўра, улар 1 ва 2 узум бошли новдаларга бўлинади. Ҳосилнинг асосий қисмининг деярли 50 фоизга яқини бир узум бошли новдаларида бўлди. Ҳосил новда ва ривожланган новдалар сони бўйича энг кам 200–220 та куртак қолдирилганда бўлди. Шунинг учун ток тупи куртак юкламасини мақбул нисбатда қолдириш юқори ва сифатли ҳосил олиш имконини беради.

А.МАЛИКОВ,

*Академик М.Мирзаев номи
боғдорчилик, узумчилик ва виночилик
илмий-тадқиқот институти илмий
ходими.*

Куртак юкламасининг “Мускат розовый” нави ҳосилдорлигига таъсири, 2017 йил

№	Вариантлар	Ҳосилли новдалар, %				Битта ҳосилли новдалардаги узум бошлар сони, %	Ҳосилли новдалар сони, %
		Битта ҳосилли	Иккита ҳосилли	Учта ҳосилли	Жами		
1	100–120 та куртак	41	24,4	0	65,4	1,52	65,4
2	120–140 та куртак (наз.)	43,4	25,4	8,1	76,9	1,30	76,9
3	140–160 та куртак	47,6	34,4	13,3	95,3	1,04	95,3
4	160–180 та куртак	45,5	27,6	0,8	73,9	1,35	73,9
5	180–200 та куртак	42,2	24,3	0,7	67,2	1,48	67,2
6	200–220 та куртак	42,3	21,7	0	64,0	1,56	64,0

ги), шунингдек, энг олий шароитда қишки куртакларнинг 100% ҳосил бериш қобилиятига эга бўлгандагина олиш мумкин бўлган (ҳақиқий) ҳосилдорлик кўрсаткичи муҳим аҳамият касб этади.

Булардан ташқари, ток тупи маҳсулдорлигини аниқлашда унинг ҳосилдорлик коэффициенти ва новдалар ҳосилдорлиги энг муҳим нав белгиларидан ҳисобланади. Шунинг учун куртак юкламасини мақбул миқдорини танлаш ҳосилдорликнинг юқори бўлиш имконини беради.

Бу борадаги тадқиқотларимиз “Қибрайшароб” илмий-экспериментал корхонаси тажриба дала-сида олиб борилди. Тажрибада

та куртак таъсирида ҳосилдорлик коэффициенти, яъни битта ҳосил новдалардаги узум бошлари сони ва ҳосил бериш коэффициенти ёки ток тупидаги узум бошларининг барча ривожланган новдаларига нисбати аниқланди. Новдаларнинг ҳосилдорлиги бир гектарга тўғри келадиган ҳосилли новдалар сонига, шу новдалардаги мавжуд узум бошлари сонига, ҳар бир узум бошининг ўртача оғирлигига боғлиқ. Бу омиллар бўйича юқори кўрсаткичларга эга бўлган вариантлар ҳар доим ер бирлигидан юқори ҳосил беради (жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ток тупи юкламаси таъсирида “Мускат розовый” нави ҳосилли новдалари

АДАБИЁТЛАР:

1. Темуров Ш. Узумчилик. - Тошкент, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2002.
2. Доспехов Б.Д. Методика полевых опытов. - М.: Колос, 1986.

Фойдали манба

Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат комиссияси томонидан “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестри”га 2007–2017 йилларда киритилган навлар ва дурагайлarning тавсифи (каталог) китоб ҳолида чоп этилди.

Китобда маҳаллий ва хорижий селекция ютуқлари – қишлоқ хўжалик экинлари (техник, дон ва дуккакли, мойли, сабзавот, полиз ва озуқа экинлари, картошка, мевали дарахтлар, узум, ўрмон дарахтлари ва манзарали экинлар) янги навлари ва дурагайлarning оригинаторлари, муаллифлари, экин турларининг биологияси, морфологияси ва айрим қимматли хўжалик белгилари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Юртбошимизнинг ўсимликлар диверсификациясига берган катта эътибори туфайли мамлакатимизда мудом

экилмаган кўплаб ноанъанавий экинлар тўғрисидаги маълумотлар ҳам баён қилинган.

Ўйлаймизки, республикаимизнинг тупроқ-иқлим шароитига интродукция қилинган (мослаштирилган) сабзавот ловияси, сабзавот горохи, Пекин карами, Брокколи, Руколла, Дайкон, Колраби, Черри помидорлари, Айсберг, Барг шолғом экинлари, айниқса, Япон сафораси, Виола, Бегония, Бербек, Портулак, Маргаритка каби ўрмон дарахтлари ва манзарали экинларининг тавсифлари барчани қизиқтиради.

Республикаимиз ҳудудларида экиб парвариш қилинаётган зироатларнинг келиб чиқиши, биологияси, морфологияси ва бошқа хусусиятларини билиш, шунингдек, тупроқ-иқлим шароитларига мос равишда қўлланадиган агротехник тадбирларни тўғри танлаш ҳамда уларни амалиётга жорий қилиш



қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ва сифатли маҳсулот етиштириш имконини беради.

Ушбу китоб қишлоқ хўжалик мутахассислари, фермерлар, илмий-тадқиқот институтларининг ходимлари, аграр соҳага ихтисослашган таълим муассасаларининг ўқитувчилари ва талабалари учун фойдали манба бўлиб хизмат қилади.

Ш.НУРМАТОВ,
қ.х.ф.д., профессор

УЎТ: 634.23:631.541.11

Тадқиқот

ГИЛОС ПАЙВАНДТАГИДА "IN-VITRO" УСУЛИНИ ҚўЛЛАШ

Article describes growing up the virus free of cherry tissues in a special sterile condition in vitro laboratory. There is identified usefully method dividing an apical meristems from cherry tissues and a suitable environment for growing up into special virus free environment.

Бугунги кунда боғдорчилик ва узумчилик республикаимизнинг энг муҳим ва сердаромад соҳаларидан биридир. Соҳани ривожлантириш орқали аҳолининг мева-узум маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, юртдошларимиз дастурхонини йил давомида сарқил мевалар билан таъминлаш мақсади кўзланган. Сифатли мева етиштириш сифатли кўчат тайёрлашдан бошланади. Соғлом ва сифатли кўчат боғнинг тез ҳосилга кириши, вирусли касалликлардан нобуд бўлмаслиги, табиатнинг турли ноқулай ҳолатларига чидамли бўлиши гаровидир. Юқорида айтиб ўтилган талабларга жавоб берадиган кўчатлар етиштиришда “in-vitro” лабораторияларидан фойдаланиш истиқболли ҳисобланади.

“In-vitro” лабораторияларининг афзаллиги шундаки, бунда кичик майдонда нисбатан қисқа вақт ичида кўплаб ниҳоллар етиштириш имкониятининг мавжудлигидир. Бу усулнинг

яна бир ютуғи шундаки, ўсимликлар махсус озуқа муҳитида ўстирилиб, асосан, апикал ўсув нуқталаридан вегетатив йўл билан кўпайтирилиши ва унинг турли вируслардан холи бўлишидадир.

Одатда, in-vitro шароитида гилоснинг (*Cerasus avium* L.) илдиз культурасини ўстириш Мурасиге-ског озуқа муҳитидан фойдаланилади [1].

Мурасиге-Ског озуқа муҳити таркибида рН=5,7 қиймати 1 н (нормал) КОН ёки 1 нНСІ эритмаси ёрдамида мувозанатга келтирилади. Тайёрланган озуқа муҳити дастлаб автоклавда +121°C ҳарорат шароитида 15 минут давомида стерилланади [2].

Тадқиқотларимиз Академик М. Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг In-vitro лабораториясида гилоснинг интродукция қилинган “Кримский-5”, “Гизела-6” ва Colt пайвандтағларида ўтказилди.

Тажрибаларимизда Жон Драйвернинг лаборатория шароитида тўқималар ва ҳужайралардан сунъий (пробиркада) ўстириш бўйича услубий қўлланмасидан фойдаланилди.

Ўсимликдан ажратилган тўқималар (эксплантлар) культураланадиган озуқа муҳитининг бой таркиби ҳар хил микроорганизмлар ўсиши учун ҳам яхши субстрат ҳисобланади. Озуқа муҳитида культураланаётган ўсимлик эксплантларни микроорганизмлар осон зарарлайди. Шунинг учун эксплант ҳам, озуқа муҳити ҳам стерилланган бўлиши шарт. Ажратилган тўқималар билан олиб бориладиган барча ишлар эксплантни культурарга ўтказиш, янги озуқа муҳитига кўчириш стерил хоналарда, ламинар боксларда стерил асбоблар ёрдамида амалга оширилди. Ажратилган тўқималарни ўстириш даврида ҳам стерилликни сақлашга риоя қилинади.

Стериллашдан олдин идишларни идиш ювиш воситалари ва ка-

Дастлабки ўсимлик материалларини стерилизация қилиш

Манба	Стериллаш вақти (минут)			
	0,1 фоизли диацид	0,1 фоизли кумуш хлорид (AgCl ₂)	5–9 фоизли гипохлоридлар (Na, Ca)	10–12 фоизли водород пероксиди (H ₂ O ₂)
Поя тўқималари	15–30	15–20	20–25	–
Барглр	1–3	0,5–2	3–5	3–5
Апекслар	1–10	0,5–0,7	5–15	2–7

лий бихроматнинг сульфат кислотасидаги эритмаси ёрдамида тоза-лаб ювилади, дистилланган сувда чайилади ва зар қоғозга ўраб, шкафларда 160°C ҳароратда 2 соат давомида қиздириб ёки 25–30 дақиқа 2 атмосфера босим остида автоклавда стерилланади.

Гилосни культуралаш учун олинган ўсимлик эксплантлари олдин совунли сувда ишқалаб ювилади, сўнг дистилланган сувда чайилади, сўнг бир неча софияда 70 фоизли этанолга солинади ва 1–2 дақиқага спиртга солиб қўйилади. Спирт тўқималарни стериллаш билан бирга асосий стерилловчи эритманинг стериллаш самарасини ҳам оширади. Спиртдан сўнг тўқималар стерил сувда ҳам чайилади. Ташқи стерил фақат ташқаридаги инфекциялардан холи қилади. Агар эксплантда ички инфекция мавжуд бўлса, у ҳолда антибиотиклар билан ишлов бериш зарур. Замбуруғ ёки бактериялар билан зарарланган эксплант экилгандан 7–14 кундан сўнг аниқлаш мумкин. Озуқа муҳитлари автоклавда 121°C дақиқада 0,75–1 атм. босимда 19 дақиқа давомида стерилланади.

Ўсимликдан ажратилган ҳужайра ва тўқималар кўп компонентли озуқа муҳитларида культураланади. Озуқа муҳити таркиби: ноорганик тузлар, витаминлар, ўстирувчилар (ўсишни бошқарувчи регуляторлар) ва углеводлардан ташкил топган. Бундан ташқари, муайян мақсадларни кўзлаб, антибиотиклар, аминокислоталар ва табиий моддалар каби бошқа таркибий қисмлар ҳам қўшилиши мумкин. Озуқа муҳити қаттиқроқ бўлиши кўзда тутилганда, желатинлаштирувчи воситалар (агарёкифитогель) қўйилади. Озуқа муҳитларида ауксин манбаи сифатида 2,4-дихлорфеноксирка кислота (2,4-Д), индолил 3-

сирка кислота (ИСК), нафтилсирка кислотаси (НКС)дан фойдаланилади. Яхши ўсувчи каллус тўқимаси олиш учун асосан 2,4-Д дан фойдаланилади, чунки унинг фаоллиги ИСКга нисбатан юқори.

Сунъий озуқа муҳитларида цитокинин манбаи сифатида кинетин, 6-бензиламинопуриин (БАП), зеатиндан фойдаланилади. Ажратилган тўқималарни ўстиришда, органларни ҳосил қилишда кинетинга нисбатан 6-БАП ва зеатиндан фойдаланиш кўпроқ самара беради. Баъзи озуқа муҳитлар таркибига аденин қўйилади. Озуқа сифатида кўпроқ талаб этиладиган макроэлемент тузлар билан ишлашда уларнинг ҳар бирини аниқ ўлчамларда тарозидан ўтказиб, 4 та алоҳида идишларга 800 мл дистилланган сувга бирин-кетин солиб эритилади. Ҳар бирини 1 литрга тўғрилаб, кимёвий формула, концентрацияси ва тайёрлаш санаси кўрсатилган ёрлик билан белгиланади.

Ҳозирги вақтда таркиби жиҳатдан бир-биридан фарқ қилувчи бир нечта озуқа муҳитлари маълум. Лекин ажратилган ҳужайра ва тўқималарни “in-vitro”да ўстириш учун, асосан 1962 йилда француз олимлари Т. Мурасиге ва Ф.Скуга томонидан яратилган озуқа муҳитларидан фойдаланилади. Бу муҳитда озуқа моддалар таркиби балансланган бўлиб, аммонийли ва нитратли азотнинг нисбати билан бошқаларидан фарқ қилади. Қаттиқ озуқа муҳити тайёрлаш учун денгиз сув ўтларидан олинган полисахарид агар-агар моддасидан фойдаланилади.

Ажратилган ҳужайра ва тўқималарни культуралашни амалга ошириш учун ўстиришнинг зарурий шартларига амал қилиш лозим. Яшил каллус тўқималари ёруғликни яхши кўради. Айрим ҳолларда каллус тўқималари автотроф озиқ-

ланишга қодир бўлмаса ҳам узлуксиз ёруғлик шароитида ўстирилади. Бу муваффақиятли морфогенез ҳосил бўлишининг зарурий шарти ҳисобланади. Культуралар ўсаётган хонада намлик 60–70 фоизни ташкил этиши керак. Кўпчилик культураланаётган тўқималар учун 22–25°C мақбул ҳарорат ҳисобланади. Ёруғлик, ҳарорат ва мақбул намлик режимини климатик камералар ёрдамида яратиш мумкин.

Кўпайтириш жараёнига ишга киришишдан 20–30 дақиқа аввалроқ ламинар ҳаво оқими шкафи ишга туширилади. Микроўсимлик (тўқима) стерилланган қисқичлар ёрдамида пробиркадан чиқариб олинади ва стерилланган қоғоз сочиққа жойланади. Тўқимани стерил қисқичлар билан ушлаб турган ҳолда стерил скальпел билан 4–5 та ягона бўғинли қисмларга бўлинади. Соғломлаштирилган ўсимлик аъзолари ажратиб олинади ва озуқа муҳитларига экилади. Идишларни тегишли тарзда ёрликлаб бўлгач (ўсимлик номи, озуқавий муҳит номи, сана ва иш бажарувчининг исм-шарифи), уларни сеткаларга жойлаб, 20°C ҳарорат остида 17 соатлик ёруғлик режимида инкубатор ёки ўстириш хонасига қўйилади.

Тадқиқот натижаларидан хулоса қилиб шунга айтиш мумкинки, интенсив боғдорчиликда пакана ва яримпакана мева даракларига бўлган талаб юқори. “In-vitro”да етиштирилаётган вируслардан холи гилос пайвандтаглари турли тупроқ-иқлим шароитига мослашувчанлиги билан ажралиб туради. Лабораторияда данакли меваларни кўпайтиришни тез амалга ошириб, бир неча ойда юз минглаб янги кўчатларга эга бўлиш мумкин. “In-vitro”да етиштирилаётган кўчатларнинг маҳаллий кўчатчиликдан афзаллиги шундаки, касалликлардан холи тоза кўчат олинади ҳамда тез ҳосилга қиради.

Ю.САИМНАЗАРОВ,
б.ф.д.,

С.АБДУРАМАНОВА,
таянч докторант, (Ак.М.Мирзаев
номли БУВаВИТИ).

АДАБИЁТЛАР

1. Murashige T., Skoog F. A revised medium for rapid growth and bioassays with tobacco tissue cultures // *Physiologia Plantarum*. - 1962. - V.15. - P.473-497.
2. Mir J.I., Ahmed N., Verma M.K., Ahmad M., Lal M. In-vitro multiplication of cherry rootstocks // *Indian J. Hort.* - 2010. - V.67(Special issue). - P.29-33.
3. *Сельскохозяйственная биотехнология. Избранные работы/Под. Ред. Шевелухи В.С. "Евразия", 2000.* - С. 264.
4. *Лаборатория шароитида тўқималар ва ҳужайралардан сунъий (пробиркада) ўстириш бўйича услубий қўлланма. Жон Драйвер. Акад. М.Мирзаев ном. БУВаВ ИТИ.* - Тошкент, 2015. - 30 б.

ИЗУЧЕНИЕ АКТИВНОСТИ ЛИПАЗЫ В МЯКОТИ ЯБЛОК И В КЛУБНЯХ КАРТОФЕЛЯ

The article presents the results of processes occurring in fruits and vegetables during storage, cognition of physiological and biochemical processes, metabolism of fats, proteins, carbohydrates, etc.

В основе понимания процессов, происходящих в плодах и овощах при хранении, лежит познание физиологических и биохимических процессов, например, обмена жиров, белков, углеводов и др.

Жиры представляют значительный интерес как ценный энергетический материал и играют важную роль в обмене веществ.

Жиры, как известно, являются смесью триглицеридов различных кислот. Разнообразие жиров обусловлено природой жирных кислот и их сочетанием в молекуле жира. Как правило, использованию жиров предшествует их расщепление, которые осуществляется под воздействием фермента липазы посредством разрыва связей.

Липаза была открыта в 1890 году Грином (Green, 1890). Изучение липазы представляет не только теоретический интерес, но имеет практическое значение. Во многих случаях в промышленности приходится учитывать возможность повышения липазной активности в пищевом и техническом сырье. Так, например, рост активности липазы влечет за собой усиление расщепления жира. После окисления продукты, в том числе зерно, часто обладают плохими запахами, что сопровождается ухудшением вкусовых качеств (Кретович, 1974). Кроме того, сами по себе ненасыщенные жирные кислоты оказывают большое влияние на качество клейковины, делая ее хрупкой легко рвущейся и вызывая, таким образом, ухудшение пластических свойств теста (Резниченко, Попцова, 1934). Другие авторы Форстер и др. (Forster, et al. 1956) показали, что прогорание масла при хранении связано с образованием под действием липазы различных веществ, источником липазы в данном случае являются

микроорганизмы, присутствующие в масле.

Как нами уже упоминалось ранее, по мере хранения в овощах наблюдается изменение жирового обмена в целом. Активность липазы, участвующей в этих обменных процессах, проявляется в довольно широком диапазоне температур. Так, активность липазы, выделенной из дрожжей (Аренде и др., 1972), гораздо выше при температуре 0-2°C, чем при более высоких температурах (20-25°C). Кроме этого существуют литературные данные, указывающие на то, что активность липазы у рыб, определяемая при хранении около минус 30°C, довольно высока.

Плодам и овощам, как всем живым организмам, присущ обмен веществ, который состоит из двух взаимосвязанных процессов: ассимиляции и диссимиляции, эти процессы катализируются ферментами липазы, амилазой, инвертазой и рядом других.

Гидролитические ферменты и ферменты переноса участвуют в ферментативных превращениях углеводов в клубнях картофеля при его хранении (Метлицкий и др., 1961).

По данным Петровой и др. (1954) накопление Сахаров при низкой температуре хранения картофеля связано с усилением гидролитической активности ферментов. Так, в клубнях картофеля по мере его хранения при температуре от -3 до +2°C и особенно при температуре -2°C накапливаются сахара. От содержания в клубнях картофеля углеводов и от их взаимопревращений, которым они подвергается в клубнях во время хранения, зависят пищевые и технологические свойства клубня.

В настоящее время для подавления активности ферментов, а также для удлинения срока хранения

используются инертный газ, азот или углекислота.

Как показал ряд авторов (Волкинд и др. 1972), при хранении картофеля в условиях уменьшенного содержания кислорода до 9-10% от нормы нарушается соотношение между аэробным и анаэробным дыханием, что вызывает развитие различных физиологических расстройств. При этом наблюдается увеличение концентрации Сахаров и сроков хранения картофеля. Но, по некоторым литературным данным, этот способ хранения имеет также отрицательные стороны. Так, Метлицкий и др. (1972) показали, что при низкой температуре и пониженном содержании кислорода в клубнях картофеля усиливаются анаэробные процессы, что ведет к заболеванию клубней картофеля и потемнению их сердцевин.

Таким образом, согласно литературным данным при хранении картофеля при низкой положительной температуре, независимо от содержания кислорода в окружающей среде в овощах и фруктах наблюдается увеличение содержания сахара, жирных кислот, гидроперекиси жирных кислот, полифенолов и др.

В настоящее время для длительного хранения плодов и овощей необходимо осуществлять поиск новых рациональных способов хранения, обеспечивающих надлежащее качество продукции, которые позволили бы пролить сроки хранения с учетом биологической и экологической безопасности используемых консервантов.

А.АХМЕДОВ,

к.б.н., ОАО "ВНИИБ", РФ,

А.ЮСУПОВ,

к.х.н., доцент,

Ф.АБДУГАНИЕВА,

магистрант, СамСХИ.

ЛИТЕРАТУРА:

1. Hanna Stolz, Ingrid Jahrl, Lukas Baumgart, Flurina Schneider *Sensory Experiences and Expectations of Organic Food* Funded by the European Commission under the Seventh Framework Programme for European Research & Technological Development for the period, Germany 2010
2. Bix, L.; Rifon, N.; Lockhart, H.; de la Fuente, Javier (2003). "The Packaging Matrix" (PDF). 1536266. IDS Packaging. Retrieved 2009. - 12-11.
3. Shaw, Randy. "Food Packaging: 9 Types and Differences Explained". Assemblies Unlimited. Retrieved 19 June 2015.
4. D. Charych, Q. Cheng, A. Reichert, G. Uziemko, N. Stroh, J. Nagy, W. Spevak and R. Stevens. A 'litmus test' for molecular recognition using artificial membranes, *Chem. Biol.*, 2015.

СОЯ – ҚИММАТБАҲО ЭКИН

Бугунги кунда дунё миқёсида соя навлари экиладиган майдонлар йил сайин кенгайиб бормоқда. Жумладан, республикада ҳам бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “2017–2021 йилларда республикада соя экини экишни ва соя дони етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Соя етиштиришни ривожлантириш, соянинг серҳосил навларини яратиш ва экин майдонларини кенгайтириш ҳамда соя селекцияси ва бирламчи уруғчилигини тизимли ташкил этиш бўйича 2017–2021 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури” қабул қилинган.

Мамлакатимизда дон-дуккакли ва мойли экинлар майдонларини кенгайтириш ва янги истиқболли навларни яратиш бўйича қабул қилинган қарорлар аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришда, экспорт салоҳиятини янада оширишда муҳим аҳамиятга эгадир [3].

Соя қимматли дуккакли дон экини бўлиб, уруғининг таркибида 35–52% оқсил, 12–27% мой ва турли витаминлар – А, В, С, Д, Е, қатор ферментлар мавжуд. Соянинг оқсилли энгил эрийдиган фракциялар (94 фоизгача)дан иборат бўлиб, унинг таркибида кўп миқдорда алмашиб бўлмайдиган аминокислоталар сақланиб, лизин аминокислотаси буғдой унига нисбатан 9 марта, нўхат, ҳашаки дуккакларнинг донига нисбатан 2–3 марта, қорамол гўштига нисбатан 2 марта кўпдир. Соя уруғидан уч хил оқсилли маҳсулотлар – таркибида 70% оқсилли бор концентратлар, изолятлар (90 фоизгача оқсилли) ва гўшдан тайёрланадиган маҳсулотга ўхшаш таркибий шаклланган маҳсулотлар тайёрланади. Бу маҳсулотлар ҳақиқийларидан анча арзон бўлиб, тўйимлилиги ва ҳазм бўлиши бўйича улардан қолишмайди. Соя мойи ёқимли таъмли ва яхши кулинар хусусиятларга эга, у организм учун алмаштириб бўлмайдиган физиологик фаол, тўлиқ тўйинган мой кислоталаридан иборат.

Бугунги кунда соя экини селекциясининг асосий вазифалари юқори ҳосилли, тезпишар, ётиб қолишга, касалликларга ва зараркундаларга чидамли, уруғининг таркибида мой ва оқсил моддаси кўп сақлайдиган навларни яратишдир [1].

Республикада сердаромад соя ўсимлигини асосий ва такрорий экин сифатида етиштириш, майдонларини кенгайтириш бугунги кун талабидир. Ўсув даври давомида вегетатив ва генератив органларнинг шаклланишида илдиздаги туғунак бактерияларнинг фаолияти муҳим ҳисобланади. Чунки илдиздаги туғунак бактериялар атмосферадаги биологик азотни ўзлаштириб,



вегетация даври давомида азотга бўлган талабини узлуксиз таъминлаб боради [2].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳам дуккакли-дон, ҳам мойли ҳамда оқсилга бой экин тури бўлган соя ўсимлиги селекцияси ва уруғчилиги билан кенг тарзда шуғулланиш долзарб аҳамиятга эга ҳисобланади.

Бугунги кунда Избоскан туманидаги “Asaka oil plant seeds” илмий йўналишдаги уруғчилик фермер хўжалигида галла ва кунгабоқар экинлари билан бир қаторда соя ўсимлиги борасида ҳам қатор изланишлар амалга оширилмоқда. Ушбу фермер хўжалиги экин майдонларига Краснодар селекциясига мансуб “Аванта”, “Арлетта”, “Спар-

та”, “Селекта”, “Селекта-302” навлари етиштирилиб, синов ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бир қаторда хўжалик ходимлари томонидан кўп мартали якка танловлар йўли билан соянинг “Мадина” ва “Радуга” навлари яратилиб, 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссияси синовига қабул қилинган. Бугунги кунда ушбу навлар истиқболли навлар сифатида Давлат реестрига киритилган.

Ҳозирда фермер хўжалигида соя экиннинг мажмуавий қимматли хўжалик-биологик белги ва хусусиятлари бўйича селекция тадқиқотлар давом эттирилмоқда. Шунингдек, дурагайлаш усулида мамлакатимиз тупроқ-иқлим минтақасига мос, абиотик ва биотик омилларга бардошли бўлган янги соя навлари яратиш режалаштирилган.

Республикада мойли экинлар, жумладан, соя экини уруғчилик тизимини янада ривожлантириш асосий режаларимиздан бири ҳисобланади. Избоскан туманида янги мойли экин уруғлари минизаводи ташкил этилиб, унда 60 та янги иш ўрни яратилиши, фермер хўжалигида юқори қийматли маҳсулот ишлаб чиқарилиши боис, мавсумий ишчилар доимий иш ўрнига эга бўлди.

А.АБИДОВ,
“Asaka oil plant seeds” илмий
йўналишдаги уруғчилик фермер
хўжалиги раҳбари,

М.ҲАБИБУЛЛАЕВА,
фермер хўжалиги ходими,

Г.ХОЛМУРОДОВА,
ТошДАУ доцентти,

Х.ҲАБИБУЛЛАЕВ,
талаба.

АДАБИЁТЛАР

1. Абдукаримов Д.Т. Хусусий селекция. Дарслик. - Т., 2017. - 402 б.
2. Тангирова Г.Н. Краснодар коллекция нав намуналарининг биометрик кўрсаткичлари // “Селекция ва уруғчиликда инновацион технологияларнинг истиқболлари ҳамда ноқулай омилларга бардошли ашёлар яратишнинг назарий ва амалий асослари” Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами (Тошкент, 2017 йил 22 декабрь). - Тошкент, “Наврўз”, 2017. - 116-б.
3. Эргашева Ҳ.Я. Истиқболли соя навлари // “Селекция ва уруғчиликда инновацион технологияларнинг истиқболлари ҳамда ноқулай омилларга бардошли ашёлар яратишнинг назарий ва амалий асослари” Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами (Тошкент, 2017 йил 22 декабрь). - Тошкент, “Наврўз”, 2017. - 119-б.

ЎЗБЕКИСТОНДА ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР ПЛАНТАЦИЯЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЗАЪФАРОН ЕТИШТИРИШ

Zafaran (Saffron) grows in dry soils, where the family (gulsafsar) is protected from the wind, slightly to the south. The period of its sowing refers to the time of plantation, i.e. July August. Saffron loves warmth and light, its soil should be well watered. Zaafaron groups in accordance with its biological nature and waist of soil.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йил 24–25 февраль кунлари Қашқадарё вилоятига ташрифи давомида мамлакат иқтисодиётининг барқарорлигини таъминлаш ва аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган истиқболли лойиҳалар қаторида 2017–2019 йилларда ўрмон фонди ерлари ва фермер хўжаликлариди доривор ўсимликлар плантацияларини ташкил этиш лойиҳаси билан ҳам танишди.

Янги лойиҳага кўра, мамлакатимизнинг 23 туманида 50 гектардан зиёд майдонда заъфарон плантацияларини ташкил этиш, унинг хомашёсидан фармацевтика саноатида фойдаланиш, маҳсулотни экспортга йўналтириш режалаштирилган. Мамлакатда ушбу ўсимликни кўпайтириш ва плантацияларини ташкил этиш бўйича илмий тадқиқотлар Ўзбекистон Фанлар академияси Ботаника боғи олимлари томонидан олиб борилди. Тадқиқотлар кўрсатишича, заъфарон Ўзбекистон

ларини соғлом қилишда кенг қўлланилиши ёзиб қолдирган. Ҳозирги кунда ушбу ўсимлик тиббиёт ва озиқ-овқат саноатида кенг ишлатилади. Унинг таркибида 50 фоиздан ортиқ буюк берувчи кроцин, 2,7 фоиз ёғ, 0,32 фоиз эфир мойи, В, В₂ витаминлари, азотли моддалар, қанд, калий ва калций бирикмалари мавжуд бўлиб, кўплаб касалликларни даволашда қўлланилади.

Ўсимлик ўзига хос хушбўй ҳиди, ёрқин ранг ва таъм бериши боис турли таомларга қўшилади. Ундан қандолат маҳсулотлари, кремлар, музқаймоқ тайёрлашда ҳам фойдаланилади. Заъфарон қўшилган озиқ-овқат маҳсулотлари бир неча кунгача сифатини йўқотмайди. Ушбу ўсимликни кўпайтириш мамлакатимизда доривор ўсимликлар хомашёсини маҳаллий шароитда етиштириш, фармацевтика саноати эҳтиёжини таъминлаш ва озиқ-овқат зирвори сифатида экспорт қилиш имко-

бўлишимиз билан суғориш ишларини амалга оширдик. Униб чиқиши учун узоқ муддат талаб этилди. Пиёзчалар 10–15 кунда уна бошлади, 30–45 кунда ернинг бетига чиқди. 60 кунда гуллай бошлади. Заъфарон (шафран) ўсимлиги намликни кўпроқ хоҳлар экан, шуни ҳисобга олиб дала нам сифимига нисбатан 60–70% нам бўлишлигини таъминлаб турдик. Бунинг учун сентябр ва октябр ойларида 3 маротаба суғориш ишларини амалга оширдик. Бир маротаба бегона ўтлардан тозаланди. Бошқа агротехник тадбирлар қўлламадик.

31 октябрь куни 30 августда экилган майдонимизда биринчи ҳосил гул кўрсатди. Ноябрь ойининг 5-кунларига бориб учала экиш муддатида экилган майдонларимизда заъфарон гуллай бошлади. Бундан кўришиб турибдики, экиш муддатлари ҳар хил бўлишига қарамадан гуллаш муддати келганда гуллар очила бошлайди.

Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти Андижон филиали ходимлари 2017 йил 1 ноябрь кунидан бошлаб дастлабки кунлари 2000 донадан, орадан 5 кун ўтгач, ҳар кунги терим 13000–15000 донагача гул тера бошладик. Териб келинган гулларни илмий-тадқиқот институти лабораториясида чангчиларини ва уруғчиларини алоҳида-алоҳида ажратиб, уларни 20–24°C ҳароратдаги хона ҳароратида курутдик. Заъфарондан олинанидан доривор хомашё — қизил рангли гул усунчаси октябрь ойининг охири-ноябрнинг бошларида икки ҳафта давомида терилди. Хомашё фармацевтика саноати учун тайёрлаб борилмоқда. Бир гектар плантациядан ўртача 2 килограмм, иккинчи йили 7–8 килограмм доривор ҳосил олиш режалаштирилди.

З.БЎСТОНОВ,

Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти, Андижон филиали директори, қ.х.ф.н., доцент,

Ф.ТУРДИЕВА,

АндҚХИ ассистенти,

М.ХАМДАМОВА,

докторант,

Г.ҒОПУРОВА,

И.ЖЎРАЕВА,

талабалар.

Андижон вилоятида заъфароннинг асосий ривожланиш фазаларининг ўтиш муддатлари (2017 й.)

Экиш муддати	Гуллай бошлаши	Етасига гуллаши	Гулларни йиғиштириш кунлари													Жами гул сон
			1. XI	3. XI	5. XI	7. X I	10. XI	11. XI	12. XI	13. XI	14. XI	15. XI	17. XI	19. XI	21. XI	
30. VI II 10 IX 20. X	31. X	5. X I	20 0	40 0	74 00	91 17	116 70	127 10	131 40	138 10	139 60	135 12	970 0	781 0	441 2	11785 1

тупроқ-иқлим шароитига тўлиқ мос бўлиб, уни Фарғона водийси, Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий ва Жиззах вилоятларининг тоғ ва тоғолди худудларида, боғ ва тоқзорлар қатор ораларида, ўрмон худудларида етиштириш имконияти мавжуд.

Халқ табобатида заъфарон ўнлаб хасталикларни даволашда ишлатилган. Абу Али ибн Сино заъфарон ичиш рангни чиройли, кўзни равшан, юракни қувватли қилишини айтган. Бундан ташқари, заъфарон асабийлашишда, юрак қон томирлари, нафас йўллари касалликлариди, сийдик ҳайдаш ва репродуктив органлар муаммоларида, иммунитетни ҳамда кўз кўришини яхшилашда, оғриқларни қолдиришда жуда фойдалидир. Шунингдек, мия фаолиятини фаоллаштиришда, рак касалинининг олдини олишда ва инсонлардаги иммунитетни оширишда, нафас аъзо-

ниятларини кенгайтиради. У жуда қимматбаҳо ўсимлик бўлиб, бир грамм заъфароннинг нархи бир грамм олтин баҳоси билан тенг.

Ортимизда заъфароннинг бир неча турлари эндем ҳолида учрайди, аммо уларни ўрганиш лозим. Маълумотларга қараганда, дунёда етиштирилаётган заъфарон маҳсулоти миқдори жуда кам бўлиб, бор-йўғи 300 тоннани ташкил этади. Унинг 175 тоннаси Эронда етиштирилиб, 120 тоннаси экспорт қилинади. Хўш, бу ўсимликни қандай етиштириш мумкин? Уни мамлакатимизда ўстириб бўладими? Шуни ҳисобга олиб Избоскан туманидаги Лўғимбек ўрмон хўжалигининг 5 гектарлик майдонига уч хил экиш муддатда заъфарон (шафран) экиб кўрдик: 30 августда, 10 сентябрда ва 20 сентябрда. Ўсимликлар ораси 20 см узоқликда, экиш чуқурлиги 7–10 см чуқурликда, қатор ораси 60 см кенликда экилди. Экиб

ЯНГИ ТУТ НАВЛАРИНИНГ ИПАК ҚУРТИ ҲАЁТЧАНЛИГИГА ТАЪСИРИ

Хитойликлар бундан 5000 йил аввал ипак қуртини тут барглари билан боқиб, пилла етиштириш сирларини билганлар. Пилладан қимматбахо ипак толаси чувиб олиб, улардан узоқ йиллар шойи матолари тўқиб, бутун жаҳонга сотилган. Ипак қурти боқиш аста-секин бундан 2000 йил аввал Кореяга, сўнгра Японияга ва IV асрда Эрон орқали Ўрта Осиёга етиб келган. Тут дарахти бизнинг ҳудудимизда 2000 йил муқаддам мавжуд бўлган [1].

Тутнинг янги маҳсулдор, тўйимлиги юқори нав ва дурагайлари яратишда тут коллекцияси асосий манба ҳисобланади. Барг сифатини оширишда, барг ҳосилдорлигини кўпайтиришда тутнинг навдорлиги катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда ипак қурти агротехникаси, анатомия ва морфологияси, генетикаси, селекцияси билан бирга тут селекцияси йўналишида бир қатор илмий изланишлар натижасида “Тожикистон уруғсиз”, “Октябрь”, “Пионер”, “Сурх-тут”, “Ўзбекистон”, “Манкент”, “Зимостойкий”, “Голдностепский-6”, САНИИШ-33 каби навлар яратилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилган [2].

тутлар ишлаб чиқаришга жорий этилган бўлиб, морфологик белгилари, барг ҳосили бўйича навли тутларга ўхшаш. Барг ҳосили “Топкросс-2” дурагайда 113,05 ц/га, “Топкросс-3” навида 91,42 ц/га ва “Ўзбекистон” дурагайда 91,25 ц/га ни ташкил этган [3]. Номлари келтирилган дурагайлари барглари йирик, бутун, ранги тўқ яшил, новдалари кучли ўсади, ташқи морфологик кўриниши навли тутларга яқин.

Селекция жараёнида янги тут навлари барг ҳосилдорлиги ва бошқа хўжалик белгилари билан бирга уларнинг тут ипак қурти ҳаётчанлигига, пилла маҳсулдорлигига қай даражада таъсир этиши ҳам атрофлича ўрганилади.

Бу борадаги тадқиқотларимизда Ипакчилик илмий-тадқиқот институтида яратилган 5 та янги селекцион номерлар танлаб олинди ва Ипакчи 1хИпакчи 2 саноат дурагайининг қуртлари ушбу тутнинг селекцион номерлари барглари билан парваришланди. Қурт боқиш оқ пиллалари зот ва дурагайлари парваришlash агротехник қоидалари асосида амалга оширилди. Тажибаларда қуртлар ҳаётчанлиги ва касаллик фоизи кўрсаткичлари аниқланди (жадвал).

кич қиёсловчига нисбатан 7,2% юқори демакдир. №3-02 номернинг ҳам натижалари бошқа номерларга нисбатан юқорирак (87,2%) ва қиёсловчига нисбатан 3,2 фоизга юқорирак.

Қуртларнинг касалланиш фоизи ҳам муҳим белгилардан бўлиб, пилла ҳосилини ва унинг навдорлигини белгилаб беради. Чунки қуртлар қанчалик камроқ касалланса, пиллалар нуқсонсиз ва олий навли бўлишига эришилади. Бизнинг тажиба материалимизда ҳам ушбу белгининг намоён бўлишига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, энг кам касалланган вариант №3-02 селекцион номер барглари билан парваришланган қуртларда аниқланди (1,9%) ва бошқа селекцион номерларнинг кўрсаткичлари ҳам қиёсловчи вариантдан сезиларли устунликка эга бўлди (2,2–3,8%). Худди шу кўрсаткич қиёсловчи “Таджикская безсемянная” нави билан парваришланганда 5,5 фоизни ташкил этди. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, янги навликка номзод селекцион номерларнинг барглари тўйимли, фойдали зарур элементларга бой ва энг асосийси қуртлар томонидан яхши ўзлаштирилган.

Олинган рақамларга асосланиб, №3-02 ва №7-02 селекцион номерлари ишлаб чиқаришга тавсия этиш мумкин. Келажакда шундай тут навларидан ташкил этиладиган тузорлардан юқори барг ҳосили олиш билан бирга, ишлаб чиқаришда пилла ҳосилдорлигини кескин оширишга шароит яратилади.

Н.РАЖАБОВ,
(ТошДАУ).

АДАБИЁТЛАР

1. Жўраев М., Умаров Ш.Р., Холматов Д.И., Қўчқоров Ў. Ўзбекистон Республикасида ташкил этилган тут навлари жаҳон коллекцияси таркибига кирувчи нав, шакл ва дурагай турлар тавсифи. - Тошкент. 2010. 3-б.
2. Валиев С.Т. Тутнинг танлаб олинган навликка номзод номерлари устида селекция ишларини давом эттиришнинг аҳамияти // Ўзбекистон ТТИ-ТИнинг 80 йиллик муносабати билан ўтказилган халқаро илмий-техникавий анжуман материаллари. - Марғилон, 2017. 43–46-бетлар.
3. Кучкаров У. Перспективные гетерозисные Топкроссы шелковицы. // Ж.: Шелк. - Ташкент, 1981. - №1. - С. 2–4.

Ипакчи 1 х Ипакчи 2 дурагайининг ҳаётчанлиги (2017 й.)

Селекцион номерлар	Қайтариқлар	Қуртлар сони, дона	Қуртлар ҳаётчан-лиги, %	Касаллик фоизи, %	Қиёсловчига нисбатан, %	
					ҳаётчанлиги бўйича	касаллик бўйича
№2-02	n-1	250	84,8	3,0	100,4	54,5
	n-2	250	85,6	2,2	101,3	40,0
	n-3	250	85,0	2,1	100,6	38,2
	$\bar{X} \pm S \bar{x}, \%$	250	85,1	2,4	100,7	43,6
№3-02 Жараиқ-9	n-1	250	87,7	2,0	103,8	36,4
	n-2	250	87,1	1,7	103,1	30,9
	n-3	250	86,9	2,0	102,8	36,4
	$\bar{X} \pm S \bar{x}, \%$	250	87,2	1,9	103,2	34,5
№4-02	n-1	250	86,2	2,7	102,0	49,1
	n-2	250	85,8	2,3	101,5	41,8
	n-3	250	85,4	2,9	101,1	41,8
	$\bar{X} \pm S \bar{x}, \%$	250	85,8	2,6	101,5	47,3
№5-02	n-1	250	83,4	4,3	98,7	78,2
	n-2	250	82,7	3,9	97,9	70,9
	n-3	250	82,0	3,2	97,0	58,2
	$\bar{X} \pm S \bar{x}, \%$	250	82,7	3,8	92,9	69,1
№7-02 Жараиқ-10	n-1	250	92,1	2,2	109,0	40,0
	n-2	250	90,0	1,9	106,5	34,5
	n-3	250	89,8	2,6	106,3	47,3
	$\bar{X} \pm S \bar{x}, \%$	250	90,6	2,2	107,2	40,0
Қиёсловчи (Тадж.бес)	n-1	250	85,1	4,9	100,0	100,0
	n-2	250	84,3	5,7	100,0	100,0
	n-3	250	84,0	6,0	100,0	100,0
	$\bar{X} \pm S \bar{x}, \%$	250	84,5	5,5	100,0	100,0

Ипакчилик илмий-тадқиқот институтининг селекционер олимлари томонидан селекция ва генетика фанининг ютуқларини қўллаш натижасида тутнинг янги дурагайлари яратилди. Бундай дурагайлар сирасига “Топкросс-2”, “Топкросс-3” ва “Ўзбекистон” дурагайлари келтириш мумкин. Бу дурагай

Тажиба натижалари янги селекцион номерларнинг барглари (№5-02 номердан ташқари) Ипакчи 1хИпакчи 2 дурагайининг қуртларига ижобий таъсир кўрсатганини кўрсатди. Энг юқори қуртлар ҳаётчанлиги №7-02 селекцион номер барглари билан парваришланганда аниқланди, яъни 90,6% ва бу кўрсат-

КЛАСТЕР – ЮҚОРИ МАРРАЛАР САРИ ЙЎЛ

The cluster approach in agriculture enables to implement the correct distribution of labor and other works of diversification. Between enterprises in the cluster system play a major role in the effective use of material resources and aimed at innovation.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва самардорлигини ошириш, бошқарув тизимини такомиллаштириш, тишлоқ хўжалигини комплекс тараққий эттиришда ҳам қўл келади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, горизонтал бошқарувнинг самарали усуллари билан бири кластер тизимидир. Бу эгилувчан ва динамик характер касб этади. Бошқарувга кластерли ёндашув бу – ўзига хос дастак бўлиб, корхоналарнинг, соҳаларнинг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Авалло кластер нима деган тушунчага аниқлик киритиб олайлик. Айни даврда “кластер” тушунчасига бир хил маъно касб этувчи тушунча амал қилмайди. Энциклопедик луғатларда берилган таърифлар асосида кластер бўйича қисқача тушунчалар бериб ўтамиз.

“Кластер (иқтисодиётда) (инглизча cluster) – маҳаллийлашган муҳитда ишлаб чиқаришнинг етарли даражадаги ўзаро ўрнини босувчи элементлар ёки муайян йўналишдаги хизматлардир. Иқтисодий кластер айрим ҳудудларда жамланган ўзаро боғлиқ ташкилотлар гуруҳи (компаниялар, корпорациялар, университетлар, банклар ва бошқалар): маҳсулот етказиб берувчилар, бутловчи ва махсуслаштирилган хизмат; инфратузилмалар; илмий-тадқиқот институтлари; олий таълим ва бошқа ташкилотларнинг ўзаро ўз-ўзини тўлдирувчи ва рақобатбардошлик имкониятларини кучайтирувчи алоҳида компанияларнинг бир бутунлигидир.

Кластер – иштирокчиларнинг ўзаро рақобатбардошлик хусуси-

ятига эга бўлиб, улар иштирокчиларининг кооперацияси, минтақанинг нодир компетенцияси, муайян ҳудудда корхона ва ташкилотларнинг концентрациясини шакллантиради.

Кластерлар бу ташкилотлар ва ижтимоий гуруҳларнинг ҳамкорликдаги фаолиятларининг ўзаро таъсирдаги шакллари билан бири-дир. Кластерлар холдинг, профессионал ассоциациялар, технопарклар, индустриал парклар ва округлар, ҳудудий инновацион тизимлар, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари, саноат агломерацияларидан фарқ қилади.

Кластерли ташаббус деб кластерни яратиш ва ривожлантиришда бошқарув жараёнларига айтилади. Кластер сиёсати деб кластерлар ўсишининг рағбатлантирувчи жараёнига ҳамда давлат ва жамоат ташкилотларининг кластерлари ташаббусларига айтилади” [2].

Кластерга бирлашган корхоналар ривожланиши ва ўзларининг рақобатбардошлигини пасайтирмай тутиб туриш ва янгилашишга мойилдир. Кластер тизимига кирган корхоналарнинг ўзаро ҳамкорлиги боис бир-бирини тўлдириш ва ривожлантириш эвазига ўзлари ҳам ривожланади.

Кластерга хос бўлган хусусиятлар ва белгилар қуйидагилардан иборат:

- технологик жараёнларнинг яқинлиги ва мослиги;
- ресурс базасининг умумийлиги;
- объектларнинг максимал даражадаги яқинлиги;
- инновациявийлиги.

“Турли соҳаларнинг кластерларини қўллаб-қувватлаш учун “кластер сиёсати тушунчаси қўлланилади. Кластер сиёсати кластер тузилмаларини турли чора ва механизмларни қўлланган ҳолдаги давлат фаолиятдир. У кластерни ташкил этиб, минтақалар рақобатбардошлигини ошириш, шунингдек, соҳада инновацияни жорий этишдан иборат” [2].

Кластерли ёндашув нафақат корхоналар рақобатбардошлигини таъминлаш ёки бир вақтнинг ўзида меҳнат унумдорлигини оширишга хизмат қилибгина қолмай, ораликдаги турли ноаниқлик ва тушунмовчиликларни ҳам бартараф этишга хизмат қилади. Кластер натижасида меҳнат тақсимоти ва бошқа диверсификация ишларини амалга ошириш имкониятлари вужудга келади. Бу билан ўрталикда меҳнат, моддий ресурслардан самарали фойдаланиш, инновацияга йўналтирилган фаолият асосий роль ўйнайди.

Қишлоқ хўжалигида кластер ҳудуддаги барча аграр сектор билан боғлиқ йўналишларда фаолият юритаётган катта-кичик фирма ва корхоналарнинг соҳа бўйича уйғун яхлитлигини вужудга келтиришга айтилади. Бу маълум даражада ҳудуддаги катта-кичик корхоналарнинг интеграцияси ҳисобланади.

Кластер бу горизонтал ва вертикал йўналишлар бўйича алоқаришталарини боғлайди. Аграрноат кластери – бу кичик, ўрта ва йирик қишлоқ хўжалик корхоналарининг ҳудудий интеграцияси ҳисобланади.

Мулкдорларга яратилаётган имкониятлар, ишлаб чиқаришда янги юқори сифатли технологик жараёнлар, агротехник ва бошқа инновацион тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида экинлардан мўл ҳосил етиштирилмоқда. Маҳсулот етиштирувчилар манфаатдорлигини янада ошириш мақсадида қишлоқ хўжалигида кластер тизимини жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Пахта кластерининг зарурати ва моҳияти тўғрисида сўз юритишдан аввал пахта кластери нима деган саволга ойдинлик киритайлик. Пахта кластери – деҳқон етиштирган пахтани йиғиб-териби, қайта ишлаш корхоналарига топшириш билан чекланиб қолмай, ундан тола, толадан ип, ипдан газлама, газламадан тайёр маҳсу-

лотгача бўлган ишлаб чиқариш жараёнларида фаол иштирок этиб, ўз меҳнатининг самарасига ўзи эгалик қилиши демакдир. Оддийгина мисол, пахта хомашёсининг нархига нисбатан тайёр маҳсулот ўртасидаги тафовут қарийб 7–10 баробарни ташкил этади. Буни бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари кластери хусусида ҳам айтиш мумкин. Кластер орқали деҳқон маҳсулот ва хомашёнинг пишиқчилик давридаги паст нархларга қарамлигидан халос этиб, тайёр маҳсулотнинг муносиби нархлари самарасидан фойдаланишга шароит яратади.

Кластерни ташкил этишнинг ўзига хос мураккабликлари мавжуд. Яъни, ҳудудий корхоналарнинг бошини бириктирадиган, яъни ташаббускор субъект йўқлиги, давлат кўмагидан ташқарида бўлиши, барча корхоналар ҳам кўнгилли равишда ўз ихтиёрлари билан аъзо бўлишидир. Чунки улар ушбу уюшманинг келажигига тўла ишонч билан қарамайди. Шу сабабдан ҳам кластер – ижобий тузилма бўлишига қарамай ривожланган мамлакатларда ҳам бу субъектни ташкил этиш осонликча кечмайди.

Кластерга уюшган корхоналар ўзлари учун зарур бўладиган маҳсулот ва хизматларни ўз доирасидаги корхоналар кесимида шакллантириб олади. Яъни уларнинг талаб даражасидаги вазибаларни адо этишини таъминлаш имконида бўлиши учун бундай хизмат тури ёки маҳсулот зарур. Шу нарсаларни улар бошқа минтақалардан излаб топишларидан кўра ўз ҳудудида барпо этиш ҳам самара ва қулайликларни келтириб чиқаради.

Корхоналар ва хўжаликларда кластер ташкил этилгач, албатта, масъулият янада ортиб, унинг фаолияти инновацион-индустриявий сиёсат асосида ривожланади. Корхоналарнинг мақсади меҳнат унумдорлиги, маҳсулот сифатини оширишга йўналтирилган замонавий технологияларни жорий этишга қаратилган бўлади. Демак, кластерлар томонидан тараққиёт сари қадам ташланган экан,

ҳудуддаги ишсизликни тугатиш, ҳудуд иқтисодиёти ва халқ фаровонлигини ошириш сари юз тутиб, қишлоқда ривожланиш фаоллашади.

Агросаноат кластери кенг имконият, ҳамкорлик ва ҳаракатчан структура бўлиб шаклланиши керак. Бунда ҳеч ким боқимандалик ёки бошқа иштирокчиларга нисбатан эътиборсиз кайфиятдаги ташкилот бўлиб қололмайди. Ҳамкорлари уни ортда қолишига йўл қўймай етакка олади, қўллаб-қувватлайди. Чунки ушбу ташкилотнинг ривожланишидан улар ҳам манфаатдор бўлишади. Яъни буни кластердаги барча иштирокчиларнинг ривожланиш мароми вужудга келади.

Маҳсулот ишлаб чиқаришда, ташишда, қайта ишлашда ва бошқа ишларни амалга оширишда кластер ичидаги корхоналарнинг бўш иншоотларидан, транспорт ва механизмларидан, меҳнат ва бошқа моддий ресурсларидан ўринли фойдаланиш имконига эга бўлади. Бундан фақат ҳар томон ҳам фойда кўради, харажатлар, таннарх қисқаради, фойда ошади, вақт тежалади. Инвестицион лойиҳаларни амалга оширишдаги комплекс ёндашувда сезиларли даражадаги салоҳиятга эга бўлади. Бу доирада бирор хизмат йўналиши бўйича корхоналар ташкил этиш қийинчиликларни келтириб чиқармайди. Чунки қанча кўп корхона ташкил бўлса, ишчи ўринлар қанча кўп яратилса, бу фақат кластернинг ривожланишига хизмат қилади. Кластерни йўлга қўйиш билан ҳудудда аграр секторни комплекс ривожлантириш учун имкониятлар эшиги очилади. Аграр сектор корхоналари ишлаб чиққан маҳсулотларни қайта ишлаш масаласи кўндаланг туради. Бу масала ҳам асосан жойида ҳал бўлиши мақсадга мувофиқ.

Агросаноат кластерининг биринчи навбатдаги вазибаси қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ички ва ташқи бозорларда сотилишини таъминлаш, корхоналар кооперацияларини чуқурлаштириш, ўзаро ҳамкорликдаги лойиҳаларни амалга ошириш,

ички ва ташқи инвестицияларни жалб этиш, кадрлар тайёрлашда ўзаро муносабатларни ўрнатиш ва ҳоказолар.

Айни даврда сифатли ва арзон маҳсулотларга талаб ортаётган экан, бу вазибани фақат кластерлар орқалигина талаб даражасида амалга ошириш мумкин. Кластерда иштирок этган барча иштирокчилар учун ҳам фойдали. Айниқса янги ва кичик корхоналар учун уларнинг ўз фаолиятларини кенгайтириш ва мустақамлаб олишда қўл келади. Яъни уларнинг тажрибаси ортиб, бизнесининг кўлами кенгайиб боради. Бунга шу доирадаги муҳит имконият, талаб ва таклиф мажбур этади.

Кластерлар узокни кўзлаган ва ҳатто стратегик масалаларни ҳал этишга чорлайди. Улар ўз зиммаларига ишлаб чиқаришни муттасил кенгайтириб бориш ва ишчи ўринларини яратиб бориш масъулиятларини зиммаларига олишлари зарур. Шунингдек кластер таркибида фаолият юритаётган ходимларнинг иш шароитлари, турмуши ва муносиб иш ҳақи олишлари учун ғамхўрлик кўрсатилиши керак. Ҳудуддаги меҳнат ресурслари асосан шу ҳудуддаги корхоналарга жойлаштириш масалалари кўриб борилади.

Кластердаги ишни ташкил этиш, таъминот, ишчи ресурслари салоҳиятининг мос келиш ҳолати алгоритмларини ишлаб чиқишда инсон омили даражаси ҳам кластер ташкил этилгач, қанча одам иш билан банд ва қанчаси ишсизлиги аниқланади. Бу билан ишсизларни деярли тўла иш билан таъминлаш учун қанча вақт зарур бўлишини аниқлаш мумкин бўлади.

Кластер – мураккаб, динамик, кўп қиррали тушунчадир, бу эса кластерга тамоман универсал таъриф бериш мумкин эмаслигидан далолатдир. Зеро, аграр секторни комплекс ривожлантиришни мақсад қилган эканмиз, унинг учун барча усул ва чоралардан омилкорлик билан фойдаланишимиз ўта зарур.

А. МАДАЛИЕВ,

ТошДАУ доценти, и.ф.д. (PhD).

АДАБИЁТЛАР:

1. Эрнст С.А. Развитие интеграционных процессов в региональной сфере производства продовольствия на основе кластерного подхода // ЭПОС. - 2008. - №4. - С. 36.
2. <https://dic.academic.ru/>

ПОМИДОРКАРТОШКА – ЙИЛ САБЗАВОТИ

Австрияда ҳар йили мева ва сабзавотлар танлови ўтказилиб келинади. 2018 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилари бир овоздан помидоркартошкани “йил сабзавоти” деб топиди.



Помидоркартошка – селекция маҳсули бўлиб, у помидор ва картошкани частиштириш натижасида олинган. Шу боис унинг ер остидаги қисми картошка тугунаклари, ер устидаги қисми помидор меваларидан иборат.

Биринчи помидоркартошка 2014 йилда голландиялик селекционер Бикенкамп томонидан тўрт йиллик изланишлардан сўнг яратилган эди.

Австрияда помидоркартошка сотиш учун иссиқхоналарда етиштирилади. Бир мавсумда бу ўсимлик 250–500 та кичик ҳажмдаги помидор ва 2 килограммга яқин картошка ҳосилини бера олади. Иссиқхоналар ўсимлик ҳосили билан апрелнинг ўрталаридан бошлаб савдо қилишни бошлашади.

ШАКАР УЧУН СОЛИҚ

Кейинги ойдан бошлаб Буюк Британияда таркибида шакар миқдори белгиланган миқдордан ошиб кетган алкохолсиз ичимлик ишлаб чиқарувчилардан шакар учун солиқ олина бошланади.

Шу орқали Британия ҳукумати биринчи навбатда болаларда семизликни келтириб чиқарувчи жуда ширин таъмли ичимликлар ишлаб чиқаришни камайтирмоқчи.

Мазкур солиқ 100 миллилитр суюқлик таркибида 5 граммдан кўп шакар мавжуд алкохолсиз ичимликлардан олинади. Агар ичимликнинг саккиз фоизидан кўпроғини шакар ташкил қилса, энг юқори миқдордаги солиқ олинади. Бу каби ичимликларга соғлиқ учун фойдали ҳисобланган сут маҳсулотлари кирмайди. Йиғилган маблағлар мактаб ёшидаги болаларни тўғри овқатланишлари ва жисмоний ҳаракатларини кўпайтиришга рағбатлантирадиган дастурларга йўналтириш режалаштирилган.

Буюк Британия Молия вазирлигининг маълумотида кўра, 2016 йилда ушбу ташаббус эълон қилинган, ичимлик ишлаб чиқарувчиларнинг қарийб ярми ўз маҳсулотлари таркибидаги шакар миқдорини камайтирганлар. Вазирлик солиқ туфайли ортиб қолган шакар миқдорини ҳам ҳисоблаб чиқибди: бу кўрсаткич йилига 45 миллион килограммни ташкил этмоқда.

ДУНЁДАГИ ЭНГ ҚИММАТ ШОКОЛАД

Португалиялик кондитер Даниэл томонидан тайёрланган дунёдаги энг қиммат шоколад мамлакатнинг Обидуш шаҳрида ўтказилган шоколад фестивалида намойиш этилди. Унинг таркибида шафран иплари, оқ трюфел (ер остида ўсадиган кўзиқорин тури) ва истеъмолга яроқли тилла бор.

Ромб шаклидаги ушбу конфетни “Гиннес рекордлар китоби” вакиллари дунёдаги энг қимматбаҳо шоколад деб топиди. Унинг баҳоси 7728 евро (9486 доллар)ни ташкил этади. Ажойиб



шоколадлар сони чекланган – 1000 донагина тайёрланган, холос.

Конфетнинг бундай юқори баҳоси ундаги маҳсулотлар ҳисобидадир. Шоколад ичига шафран иплари (шафраннинг қуритилган гуллари толалари, килограмми 2 минг доллар туради), оқ трюфел бўлаги, мадагаскар ванилини ва истеъмол қилса бўладиган тилла қуруми. Шоколаднинг усти ҳам тилла билан безатишган.

Бундан аввалги рекорд даниялик Фриц Книпшилдга тегишли эди, Унинг La Madeline au Truffe шоколадларининг донаси 250 долларга баҳоланганди.

АСКАРЛАР ДАРАХТ ЭКИШМОҚДА

Бу йил Хитой армияси Ирландия майдонида тенг жойга дарахт экиши шарт.

Йил бошида Хитой ҳукумати ўрмон хўжалигини қайта тиклаш бўйича улкан режа лойиҳасини эълон қилган ва унга кўра, ҳудудий жиҳатдан Ирландия майдонида тенг – 6,66 млн. гектар ерга дарахт экишни белгилаб қўйган эди.

Режани амалга ошириш учун Хитой армияси дарахт экиш учун 60 000

аскар ажратди. Аскарлар аллақачон қўйилган мақсад сари ишни бошлаб юборишган. Армиянинг катта қисми ҳавоси кучли ифлосланган sanoat провинцияси – Хуюэга жўнатилган. Провинция раҳбарияти 2020 йилгача бу ердаги ўрмон ҳудудини 35 фоизга ошириш мажбуриятини олган.



Хитой 2035 йилгача мамлакат ўрмон хўжалигини 26 фоизга оширишга бел боғлаган.

ҚУЁНЛАРГА ҚАРШИ ЯНГИ ВИРУС

Янги Зелландия Хомашё вазирлиги ёввойи қуёнлар орасида янги вирусни тарқатишни режалаштирмоқда. Бу вирус қуёнларнинг насл қолдириш тизимини ишдан чиқаради.

Мазкур вирус Кореяда ишлаб чиқарилган. 1997 йилда Чехияда ишлаб чиқарилиб, қуёнлар орасида тарқатилган вирус ўз самарасини бермай қўйди. Қуёнларда бу вирусга қарши аллақачон иммунитет пайдо бўлган.

Янги вирус ёввойи қуёнлар кўпайишини 40 фоизга камайитириши мумкин. Вазирлик ҳисоботида кўра, ҳар йили қуёнлар давлат хазинасига 36 млн. доллар зарар келтиради, улар билан курашиш учун эса 25 млн. доллар сарф этилади.

Бу қарорга аҳоли томонидан турли хил фикрлар билдирилмоқда. Фермер-



лар вазирликнинг ушбу қарорини қўллаб-қуватлаган бўлсалар, ҳайвонларни ҳимоя қилиш ташкилоти бу инсонпарварлик жиҳатдан мақбул эмаслигини ва уй ҳайвонлари учун хавfli бўлиши мумкинлигини таъкидламоқдалар.

Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.

Миллий матбуотимиз ривожини йўлида фидойилик билан меҳнат қилаётган мамлакатимизнинг барча журналистларини, матбаа ходимларини касб байрамлари билан муборакбод этамиз. Уларга мустақкам соғлиқ, боқий умр, оилавий тинчлик, хотиржамлик, қаламлари ҳамيشа ўтқир бўлишини тилаймиз.

СИРДАРЁ НАСОС СТАНЦИЯЛАРИ ВА ЭНЕРГЕТИКА БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ



“АНДИЖОНБАЛИҚ” МАЪСУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан юртимизнинг барча журналистларини, матбуотчиларини, соҳа ишчи- одимларини муборакбод этади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни дунёга ёйишдек, мустақил Ватанимиз манфаатларини ҳимоя қилишдек шарафли ишда асло чарчаманг.

СИЗЛАРСИЗ ҲАЁТИМ РАНГСИЗ, ДАЛАЛАР

Ҳаётда "шоир" ёки "ёзувчи" деган штат йўқ. Шу сабабли ижод аҳли қора қозонини бошқа касблар ҳисобидан қайнатади. Айтиш мумкинки, уларнинг аксарияти мухбирликнинг меҳнати билан рўзгор тебратиб, ижод қилишади. Чунки журналистика – бадиий ижоднинг энг яқин инисидир. Биз ҳамкасбларимизни касб байрамлари билан муборакбод этар эканмиз, улардан айримларининг ижод намуналаридан эътиборингизга ҳавола этамиз.

Сўзлар - гул,
Сўзлар - мушт,
Тушар зарбалар,
Қалб боғин майсасин этар гоҳ пайхон.
Умримнинг варағин йиртиб бурдалар,
Жонимни қақшатиб йиғлатсалар қон.

Нурларни орқалаб лоқайд офтоб ҳам,
Коинот қўйнида кезар шу нафас.
Талашиб-тортишар тинмайин бирдам,
Кўзлар кўзгусида ҳасаду ҳавас.

Дарз кетган ойлардан чиқиб соғ-омон,
Чегачи сўз истаб дил сарсон ғаввос.
Гоҳ қувонч шодону гоҳи ғам гирён,
Қуйилар ёмғирдек бошимдан шаррос.

Ўзимни овутиб дала-даштдаман,
Сирғалиб ўтади умрим ғалвирдан.
Истагим тополмай гоҳ адашаман,
Гоҳ ишим юришмай қолади бирдан.

Бунча ҳам нотекис, нотанти ҳаёт,
Нишонни чамалаб кетаверар кўз.
Бир калом дастидан портлайди фарёд,
Юракни йиғлатиб юборар бир сўз.

Ўткир РАҲМАТ
"Халқ сўзи" газетаси.

ҚИШЛОҚҚА ҚАЙТИШ

Ғунчалайди эртага гуллар,
Куртаклайди дарахтлар яна.
Уйғонади ухлаган йўллар,
Уйимизга қайтаман, она...

Елкасига миндириб қирлар,
Отам каби ўйнатар шодмон.
Қизғалдоқлар тутиб қабрлар,
Мен ёмонга тилашар омон.

Осмон кўрдим ойларга тўла,
Замин кўрдим юлдузларга мўл.
Кўксим тўла шамоллар ила
Қайтаяпман, чор тарафим йўл...

Йўл бошлайди унут бир ўлан
Ва руҳимда оғир тантана.
Кўза-кўза кўзёшлар билан
Уйимизга қайтаяпман, она.

Эшқобил ШУКУР
"Маънавий ҳаёт" журнали.

"ТИКЛАНИШ"

Дарахтга айланган пайванди куртак,
Обод бўлсанг керак, шод бўлсанг керак,
Нурдан ёноғи ол меваларинг бол,
Аммо томиринг ким?
Билмайсан бешак!

Табиат қонуни шафқатсиз, бироқ:
Пойингда ниҳоллар ёзибди япроқ,
Улар асл, ўсиб чиққан томирдан -
Томирни қалбига яширган тупроқ.

ҲУМОЮН,
"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси.

Шамолдек шошилиб елади умр,
Кунларни япроқдек узиб-учириб.
Муҳаббат – қалбимда гулхандек ёнур...
Шамол қанотлари кетмас ўчириб.
Зеро, тўфонларда титрайди олам –
Муттасил тебранар ҳаёт тугёни.
Қалбида титроқлар кўзғолса, одам
Довулдек ларзага солар дунёни!

Мунаввара ҚУРБОНБОЕВА,
"Тамаддун нури" журнали.

ДАЛАЛАР

Бепоён далалар, чексиз далалар,
Шамолда мавжланган денгиз далалар,
Бебаҳо далалар, тенгсиз далалар,
Сизларсиз ҳаётим рангсиз, далалар.

Болалигим ўтди қучоғингизда,
Изларим қолгандир пучмоғингизда,
Ошиқдай интиқман қучоғингизда,
Сизларсиз мен ғариб, бахтсиз, далалар.

Кўрмасам, соғинчим сиғмас дилимга,
"Йўқ, кетдим!" сўзлари кўчар тилимга,
Ҳеч не ғов бўлолмас шунда йўлимга.
Менинг ҳаётим, жонимсиз, далалар.

Туроб НИЁЗ,
Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси.

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХОҲАЛИГИ

(«Сельское хозяйство
Узбекистана»)

Аграр-иқтисодий,
илмий-оммабоп журнал

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ ва Сув хўжалиги
вазирликлари

ҲАМКОРЛАРИМИЗ:

Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси Қишлоқ
хўжалиги ва озиқ-овқат
таъминоти илмий-ишлаб
чиқариш маркази

Бош муҳаррир:

Тоҳир ДОЛИЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Зойир МИРЗАЕВ
Баҳодир ЮСУПОВ
Шавкат ХАМРАЕВ
Аброр ВАХАБОВ
Шухрат ТЕШАЕВ
Баҳром НОРҚОБИЛОВ
Низомиддин БАКИРОВ
Тўлқин ЭШНАЗАРОВ
Абдушукур АБДУЛЛАЕВ
Сурат ҲАЙДАРОВ
Ботиржон СУЛАЙМОНОВ
Ўқтам УМУРЗОҚОВ
Равшанбек СИДДИҚОВ
Мирзиёд МИРСАИДОВ
Бахтиёр КАРИМОВ
Ибрагим ЭРГАШЕВ
Қамар СЕРКАЕВ
Мурод АШУРОВ

2018 йил,
№6. Июнь

Журнал 1922 йил
октябрдан чиқа бошлаган.

ОБУНА ИНДЕКСИ:
якка обуначилар учун – 894
ташкilotлар учун – 895

МУНДАРИЖА

Т.ДОЛИЕВ. Башарият келажагига масъуллик	1
Саратонда ғўзани парваришлашда нималарга эътибор бериш керак? ...	3
М.ТОШБОЛТАЕВ. Фалла ўрим-йиғими ва пешма-пеш шудгорлашни ташкил этиш	5
Р.АБДУЛЛАЕВ, Х.АБДУЛЛАЕВА. Боғ ва токзорларда июнь ойида бажариладиган агротехник тадбирлар	6
Р.ХАКИМОВ, Ф.РАСУЛОВ, А.Артиков. Сабзавотчиликдаги долзарб юмушлар	8
Р.СИДДИҚОВ, Н.ЮЛДАШЕВА. Сифатли уруғ – мўл ҳосил гарови	10
Ф.БОБОЕВ, Қ.АЗИЗОВ, А.АХМЕДОВ. Хашаки лавлаги	11
О.НОРБЕКОВ. Халқаро ҳамкорликдаги янги лойиҳа	12
Шижоатли ёшлар - ҳавза устунни	13
М.ФАЙЗУЛЛО. Тежамкорлик – бош омил	14
Ш.ЖАББАРОВА. Ҳамжиҳатлик машаққатларни енгади	15
Ф.МИРЗО. Оби-хаёт заргарлари	16
К.ЭРГАШЕВ. Тадбиркор ва олим ҳамкорлиги	17
Э.КАРИМОВ. Норинлик уста миришкор	18
К.ҲАЙИТБОЕВ. Банан Ўзбекистонда ҳам етиштирилади	19
Ҳамжиҳатлик барака келтирар	20
Ф.МИРЗО. Иш тупроқ унумдорлигидан бошланади	21
Р.ҚОЗОҚОВ. Доривор гиёҳлар экспортга	22
К.ЭРГАШЕВ. Болалар боғчаси қурган деҳқон	23
Х.КАРИМОВ. Пиллачиликда кластер	24
Ери бойнинг – эли бой	25
А.ШАМСИЕВ, А.ҲАМЗАЕВ. Батат - ширин картошка	26
Ш.МАДАТБОЕВ. Табиатни асраш – бурчимиз	27
С.ҚУЛМИРЗАЕВ. Ёш фермерлар истиқболи	28
Ф.МИРЗАЕВ. Дориламон кунлар шуқуҳи	30
Баркамол авлод – юрт келажаги	31
Ш.ТЕШАЕВ. Кластер ҳусусида муҳим қўлланма	32
Х.ЭГАМОВ, И.КИМСАНОВ, Г.МИРХОМИДОВА. Ғўзанинг “Анджон-36” навининг морфологияси, биологияси ва агротехникаси	33
Б.МАДАРТОВ, Ф.АБДИЕВ, А.ЧУЛЛИЕВ. Ўрта толали С-5706 ва С-5707 ғўза навларининг ижобий хусусиятлари	34
Д.БОТИРОВА. Кузги буғдой етиштиришда уруғлар фракциялари ва озиқлантиришнинг иқтисодий самарадорликка таъсири	35
А.МАЛИКОВ. Куртак юкламасининг “Мускат розовый” нави ҳосилдорлигига таъсири	36
Ш.НУРМАТОВ. Фойдали манба	37
Ю.САИМНАЗАРОВ, С.АБДУРАМАНОВА. Гилос пайвандтагида “In-vitro” усулини қўллаш	37
А.АХМЕДОВ, А.ЮСУПОВ, Ф.АБДУГАНИЕВА. Изучение активности липазы в мякоти яблок и в клубнях картофеля	39
Х.ҲАБИБУЛЛАЕВ. Соя – қимматбаҳо экин	40
Г.ҒОПУРОВА, И.ЖўРАЕВА. Ўзбекистонда доривор ўсимликлар плантацияларини ташкил этиш ва заъфарон етиштириш	41
Н.РАЖАБОВ. Янги тут навларининг ипак курти ҳаётчанлигига таъсири	42
А.МАДАЛИЕВ. Кластер – юқори марралар сари йўл	43
Агроолам	45
Сизларсиз ҳаётим рангсиз, далалар	47

Журнал Ўзбекистон Матбуот
ва ахборот агентлигида 2007 йил
11 январда 0158-рақам билан
рўйхатга олинган.

Манзилимиз: 100004, Тошкент
Шайхонтохур тумани,
А. Навоий кўчаси, 44-уй.
Тел: +998 71 242 13 54,
+998 71 242 13 24.

www.qxjurnal.uz

E-mail: qxjurnal@agro.uz,
uzqx_jurnal@mail.ru

© «O‘zbekiston qishloq xo‘jaligi»

Босмахонага топширилди: 2018 йил
28 май. Босишга рухсат этилди:
2018 йил 28 май. Қоғоз бичими
60x84 1/8. Офсет усулида офсет
қоғозига чоп этилди. Шартли босма
табоғи 4,2. Нашр ҳисоб табағи 5,0.
Буюртма №170 Нухаси 4100 дона.

«PRINT LINE GROUP» ХК
босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри,
Бунёдкор шоҳ кўчаси, 44-уй.

Навбатчи муҳаррир: **Б.ЭСОНОВ**
Дизайнер: **Н.БОЛТАЕВА**